



**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**ИНСОН, УНИНГ  
ХУҚУҚ ВА  
ЭРКИНЛИКЛАРИ —  
ОЛИЙ  
ҚАДРИЯТ**

**14**

ISBN 5-640-02961-7

Тошкент  
«Ўзбекистон»  
2006

66.3(5У)  
К 23

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 14-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2005 йил июлидан 2006 йил августигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий кенгашлар йиғилишлари, халқаро учрашувлар ва тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ҳамда табриклари ўрин олган.

Шу билан бирга, ушбу жилдда давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервюлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ISBN 5-640-02961-7

К  $\frac{0804000000 - 245}{M 351 (04) 2006}$  2006

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2006 й.

## ЖЎҲНА САМАРҚАНДНИНГ БОҶИЙ ОВОЗИ

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Азиз меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш гўзал ва бетакрор Самарқанд «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва унинг меҳмонларига бағрини кенг очиб бермоқда.

Барчангизни — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг муҳтарам иштирокчилари ва унинг азиз меҳмонларини чин қалбимдан нафақат Самарқанд аҳли, балки диёримизда яшайдиган барча миллат ва элатлар номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз, азим Самарқандга, хуш келибсиз, Ўзбекистонга!» деб қутлашга ижозат бергайсиз.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улугвор Шарқ олами намоен бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва

ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Қадим Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан худдики мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек ҳиссиёт туғилади. Бу садолар мана шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар қайси инсонга бамисоли тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб бериб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаб тургандек туюлади.

Азиз дўстлар!

Бугун биз ўта таҳликали ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, айти мана шундай нотинч бир даврда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиладиган, инсониятнинг муштарак ва бебаҳо бойлиги бўлган мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

Ҳеч кимга сир эмас: дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.

Бугун биз ҳам сизларни — ўзимизнинг азиз меҳмонларимизни дунёнинг яқин ва узоқ жойларида истиқомат қилаётган халқларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи, уларнинг саломи ва самимий тилаklarини етказувчи тинчлик ва дўстлик элчилари, деб қабул қиламиз ва қадрлаймиз.

Қани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршилиқлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адоватлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал мусиқа садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка даъват этса!

Бундай фикр ер юзидаги соф ниятли барча инсонлар, бутун борлигини олижаноб мақсадларга бағишлаган сиз каби минг-минглаб санъат аҳли намояндалари қалбидаги орзу-интилишларнинг яққол ифодаси, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, ўзининг худо берган истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва мукофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта.

Менга буюрса, барчангизни бағримга босиб, сизларга энг юксак, энг катта мукофотимизни — кўнгил бойлигимиз, қалб саховатимизни берган бўлардим.

Имкониятдан фойдаланиб, халқимизнинг, биз сизларни юртимизда кўришдан, ноёб санъатингиздан баҳраманд бўлишдан бахтиёрмиз, доимо азиз меҳмонимиз бўлинг, деган самимий дил изҳорини сизларга билдирмоқчиман.

Анжуман кунларида сизлар Самарқанднинг бетакрор табиати, кўҳна ва ҳамиша навқирон қиёфаси, тенгсиз меъморий ёдгорликлари билан танишар экансиз, меҳмонга қалбини очиб, меҳрини берадиган Самарқанд аҳли билан мулоқотда бўлиб, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўриб, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг жонкуярларидан бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро мусиқа кенгаши раҳбарларига ушбу анжуманни ташкил этиш

борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдираман.

Қимматли вақтини аямай, бугунги фестивалъ ишида яқиндан иштирок этаётган, ЮНЕСКО Бош конференциясининг президенти Майкл Омелева жанобларига, жаҳондаги мусиқа оламида юксак ном ва обрў қозонган севимли санъаткорларимизга, шу жумладан, Франциядан Самарқандга ташриф буюрган Шарль Азнавур жанобларига алоҳида ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Сизларни анъанавий мусиқа анжуманининг очилиши билан яна бир бор табриклар, барчангизга сиҳат-саломатлик, фестивалъ ишига муваффақият тилайман.

Шарқ мусиқаси, Шарқнинг ҳаётбахш оҳанглари одамзодни ҳамиша эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.

*«Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги нутқ,  
2005 йил 27 август*

## ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!  
Хурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган,

ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чехрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам тураржойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари — мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бутун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тар-

бия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром — фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор, «Ёш авлодга эътибор — келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпоровчи ва қабих ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш, авваламбор, ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму

шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айти пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги

кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Хурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало, олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш — буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-хуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан Ўзи асрасин!

Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
14 йиллигига бағишланган тантанали  
маросимдаги сўз,  
2005 йил 31 август*

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни — деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзоларини, теримчи ва механизаторлар, мутахассис ва мутасаддиларни, ҳосил тақдири ҳал бўладиган масъулиятли дамларда ўз ўрнини далада деб билган барча инсонларни эришган катта меҳнат ғалабангиз — 3 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон барпо этиб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба, яъни октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шу муқаддас диёримизда яшаётган одамларнинг дунёқараши,

онгу тафаккури юксалиб, ҳаётимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга ўзини бевосита дахлдор деб ҳис қилиш, бу — менинг юртим, бу — менинг Ватаним ва унинг ютуқлари — менинг ютуғим, деган фикр билан яшаш ҳисси, фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини бугун қўлга киритаётган марраларимизнинг пойдевори деб қабул қилишимиз даркор.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда юртимизда янги ҳаёт, демократик жамият куриш, бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш борасида, жумладан, биз учун етакчи соҳа бўлмиш қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда амалга оширилаётган, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган туб ислоҳот ва янгиланишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётгани, заҳматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлмиш фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, мавжуд имкониятлар, авваламбор, ер ва сувдан, моддий ресурслар, техни-

ка воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мўл ҳосил гарови бўлган ирригация ва мелиорация масалалари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилгани ҳам бутунги катта ютуқни қўлга киритишда мустаҳкам замин бўлганини айтиш ўринли, деб биламан.

Айни вақтда соҳанинг истиқболини ўйлаб, олимлар ва мутахассисларимиз томонидан замонавий илм-фан ютуқларини пахтачиликка татбиқ қилиш, серҳосил ва эртапишар навлар яратиш, зараркунандаларга қарши биологик усуллар билан курашиш, ғўзага ишлов бериш, ўз вақтида сифатли дефолиация ўтказишдаги ибратли янгилик ва тажрибалар, умуман, пахтачиликда юксак агротехника талаб ва усулларини жорий этиш эътиборга моликдир.

Албатта, бундай юксак марраларни эгаллаш учун, аввало, дала меҳнаткашларига тегишли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг даромади, ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш, мухтасар айтганда, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун қатъият билан доимий иш олиб бориш зарурлигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида нафақат ишлаб чиқариш

муносабатлари, балки қишлоқ ҳаётининг ўзи ҳам тубдан ўзгариб бораётгани, кўп йиллардан бери счилмаган долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлида салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини мамнуният билан эътироф этсак, арзийди.

Кейинги йилларда юртимизда, энг аввало, қишлоқ жойларда кенг кўламда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси мамлакатимиз бўйича 83 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси 81 фоизга ўсгани, қатор вилоятларда эса бу кўрсаткичлар 90—95 фоизга етгани, барпо этилаётган янги уйлар, маданий-маиший иншоотлар, боғ-роғлар, замонавий лицей ва коллежлар қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборгани бугун барчамизни қувонтиради.

Айниқса, умумтаълим мактабларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастуримизга асосан биргина шу йилнинг ўзида 105 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 53 та янги мактаб бунёд этилиб ишга туширилгани, 1044 та мактаб эса капитал ва жорий таъмирдан чиқарилганини шу йўлдаги дастлабки, аммо гоят муҳим қадам сифатида баҳолашимиз лозим.

Шу борада сўнгги пайтда мамлакатимизда янги-янги шифо масканлари қаторида кўплаб қишлоқ

врачлик пунктлари барпо этилаётгани, бу эзгу мақсад учун жорий йилнинг ўзида давлат бюджетидан 5,5 миллиард сўм маблағ сарфлангани қишлоқ аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, уларнинг ҳаёти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, мана шундай ютуқларимиз кўпайиб, иқтисодиётимиз бакуват бўлиб боргани сари халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш учун имкониятларимиз ҳам кенгайиб бораверади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, бутунги улкан галабага муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, бошқа экинларга нисбатан энг қийин ва кўп меҳнат талаб қиладиган, ўта мураккаб пахтачилик соҳасининг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган уста пахтакорларимиз, фидойи бободехқонларимизга ҳурмат-эҳтиромим, қалб меҳримни изҳор этиб, чин дилдан таъзим қилишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.

Мана шу муборак рамазон кунларида бутун Ўзбекистон аҳлини эришилган юксак марра билан яна бир бор табриклар эканман, эл-юртимизга ўз марҳаматини кўрсатиб, йўлимизни очиб бераётгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтишимиз, биздан доимо муруватини дариф тутмаслигини сўрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Азиз пахтакорлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ**

Ассалому алайкум, қадрли депутатлар!  
Муҳтарам юртдошлар!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, халқ ноиблари, вилоят ва туман раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан бўладиган ҳар қандай учрашув, суҳбат ва мулоқотлар, фикр алмашишлар бугунги долзарб ва муҳим муаммоларнинг ечимини топиш, тегишли режалар тузиш учун замин туғдиради, керакли хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, бундай учрашувларни мен ўзим учун доимо катта бир масъулият деб қабул қиламан.

Бугунги учрашувимиз ҳам тасодифий эмаслигини, бунга муайян сабаблар борлигини, албатта, ҳаммангиз яхши биласиз, деб ўйлайман. Ўз-

Ўзидан равшанки, вилоят олдида турган ғов-тўсиқларни бартараф этиш, ечимини кутаётган қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати шу мажлисни ўтказишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу сессия кун тартибига қўйилган масаланинг Тошкент вилояти ҳаёти, эртанги кунига бевосита дахлдор эканини чуқур англаган ҳолда, мажлисда қатнашаётган депутатлар бўладими, вилоят фаоллари бўладими, барчамиз бу масалага масъулият билан ёндашамиз, деб ишонаман.

Биз бундан салкам икки йил аввал мана шундай мақсад ва ниятлар билан шу залда йиғилиб, Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, вужудга келган жиддий муаммоларни ечиш йўллари ҳақида атрофлича гаплашиб олганимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Ўша пайтдаги ўзаро самимий руҳ, очиқ ва амалий фикр алмашувлар, танқидий мулоҳазалар ва айни пайтда сизлар билан катта-катта режаларни белгилаб олганимиз ҳам, ўйлайманки, ёдимизда.

Лекин, минг афсуски, бугун ана шу масалалар тўғрисида яна куюниб гапиришга тўғри келмоқда. Ва бунинг албатта аниқ сабаблари борлигини, холисона қараганда, барчамиз яхши тушунамиз.

Келинг, азиз дўстлар, биродарлар, бу ҳақда сўз юритишдан аввал Тошкент вилоятининг са-

лоҳият ва имкониятлари ҳақида батафсил гаплашиб олайлик.

Вилоятда қайси соҳани — қишлоқ хўжалиги ёки саноатни оласизми, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа ёки интеллектуал бойликларни оласизми, энг муҳими, кўпни кўрган, юқори малакали кадрларни оласизми — бу ердаги имкониятлар ҳақиқатан ҳам улкан эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, табиий шароит ёки тупроқ унумдорлиги, сув ва моддий ресурслар нуқтаи назаридан бошқа ҳудуд ва минтақалар билан солиштирганда Тошкент вилоятига кўпроқ имконият ато этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айниқса, вилоят деҳқонларининг миришкорлиги ва омилкорлигини ортиқча таърифлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳожати йўқ.

Бугунги кунда юртимиздаги энг йирик, номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур корхоналар қаерда — Тошкент вилоятида. Уларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи, муҳандис ва мутахассислар ўзининг ноёб малака ва тажрибаси билан ажралиб туради.

Бу ердаги мавжуд моддий-техник база, замонавий йўллар, ривожланган коммуникация тармоқлари, табиий газ, сув билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам вилоятнинг имкониятларига ҳавас қилса арзийди.

Бутун юртимизда бўлгани каби сўнгги йилларда Тошкент вилоятида ҳам кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда, иккиланмасдан айтиш мумкинки, маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Айниқса, “Олмалиқ кон-металлургия”, “Ўзбекистон металлургияси”, “Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар” комбинатлари, “Аммофос”, “Электрокимёсаноат”, “Оҳангаронцемент”, “Лаззат” акциядорлик жамиятлари, Ангрэн кўмир конлари каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу борада Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 2004 йилда барча асосий кўрсаткичлар бўйича режалар бажарилиб, 642 миллион сўмлик истеъмол товарлари тайёрлашга эришилганини, жами маҳсулотнинг 65,5 фоизи экспорт қилингани, маҳаллийлаштириш дастурига асосан кўрғошин ва ферромарганец ишлаб чиқариш лойиҳалари тўлиқ ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай ижобий ўзгаришларни қишлоқ хўжалигида, хусусан, унинг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда ҳам кўриш мумкин.

Бундай ютуқларга эришишда Чиноз, Бекобод, Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва

Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшганини айтиб ўтиш керак.

Вилоятда зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Масалан, Бекобод туманидаги “Бекобод” ширкат хўжалигида 2003 йили 1 минг 766 тонна пахта хом ашёси тайёрланиб, шартнома режаси 61 фоизда қолиб кетган эди.

Жорий йилда ана шу ширкат негизида ташкил этилган фермер хўжалиklари томонидан жами 3217 тонна пахта ҳосили етиштирилиб, ҳосилдорлик икки баробарга ошгани фермерлик ҳаракатининг нақадар истиқболли эканини тасдиқлаб турибди.

Ёки Чиноз туманидаги Муқим Эрхўжаев бошчилик қилаётган Муқимий номидаги фермер хўжалиги пахта ҳосилдорлигини 47,7 центнерга етказиб, шартнома мажбуриятини 190,6 фоизга бажарган. Шунинг ҳисобидан бу йилги даромади 119 миллион сўмни ташкил этган.

Бундай мисоллар фермерларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги тобора ортиб бораётгани ишда ҳал қилувчи омил бўлаётганини кўрсатади.

Кейинги йилларда вилоят бўйича қурилиш ва ободончилик соҳасида 21 миллиард сўмлик иш бажарилганини айтиб ўтиш ўринли.

Шу йилнинг 1 ноябригача 5 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилгани, 39 та мактаб капитал реконструкция қилингани, 37 таси капитал, 11 таси эса жорий таъмирдан чиқарилгани, бу борада Бўстонлиқ, Чиноз, Паркент, Зангиота туманларида, Янгийўл ва Ангрен шаҳарларида ибратли ишлар амалга оширилгани эътиборга сазовор, албатта.

Бугунги кунда вилоятда жойлашган йирик саноат шаҳарлари бўлмиш Бекобод, Янгийўл ва Ангрен шаҳарлари ҳамда Бўка, Чиноз, Тошкент туманларининг марказларида ҳам ҳомийлар иштирокида ҳашар йўли билан бажарилган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижа-сида уларнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда.

Айниқса, Чирчиқ шаҳрида “Баркамол авлод” спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш жа-раёнида Тошкент — Чирчиқ йўналишида 17 километрлик автомобиль йўли капитал таъмирлангани, Чирчиқ дарёси устидан 234 метр узунлик-даги кўприк қуриб битказилгани аҳолининг узоғини яқин этишга хизмат қилади.

Айни пайтда Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида 13,5 минг кишига мўлжалланган ста-дион, очик ва ёпиқ замонавий сузиш ҳавзалари, 3 минг томошабинга мўлжалланган спорт мане-жи қурилгани ана шундай ижобий ишлар жум-ласидандир.

Бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда “ТошГРЭСқурилиш” ва “ЧорвоқГЭС қурилиш”, “Бунёдкор” қурилиш фирмаси, “Ўзбекшахтақурилиш” каби ташкилотларнинг улуши айниқса салмоқли бўлаётганини қайд этиш жоиз.

Вилоят аҳли эришаётган бундай натижалар мисолида аввало мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини, яъни одамларнинг ерга, мулкка, ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси, эгаллик ҳиссиёти ортиб бораётганини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда одамлар астойдил ишляпти, қанча-қанча жамоалар таҳсинга сазовор ишларни амалга оширяпти.

Лекин, шу билан бирга, Тошкент вилоятида мавжуд бўлган, юқорида зикр этилган катта салоҳият ва имкониятлар тўлиқ ишга солиняптими, деган саволга, минг афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бундай улкан салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, уни тўғри ишлатганда, одамларнинг қалбига йўл топиб, бугун замон талаб қилаётган самарали бошқарув усулларини жорий этган тақдирда, ҳеч шубҳасиз, Тошкент вилоятининг ҳисоботи кўриладиган мана шундай йиғилишларда фақат ғурур ва ифтихор билан гапириш ўринли бўлар эди.

Бироқ, вилоятнинг кейинги йилларда эришган натижаларига баҳо берадиган, уларни мамлакатимизнинг умумий иқтисодий ривожланиши, бошқа вилоят ва минтақалар билан таққослайдиган бўлсак, очик айтиш керак, мавжуд ҳолат кўпчиликни, авваламбор, шу ерда яшайдиган инсонларни қониқтирмаслиги муқаррар.

Таассуфки, биз ҳавас қиладиган марраларни қўлга киритишда Тошкент вилояти ҳамон ожиз бўлиб қолмоқда. Энг афсусли томони шундаки, биз бу ҳақда биринчи марта гапираётганимиз йўқ.

Ҳозирги кунда вилоят ҳаётида, унинг ривожда кўпгина хато-камчиликларга йўл қўйилаётгани, биринчи галда, одамларнинг норозилигини уйғотаётган салбий ҳолатлар, вилоят ва туман раҳбарлари, мутасаддилар фаолиятидаги лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги табиий.

Бундай нохуш ҳолатларни вилоят иқтисодиётининг бир қатор соҳа ва тармоқларида кузатиш мумкин.

Саноат соҳасини олайлик. Вилоят бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи айнан шу соҳага тўғри келади.

Аммо ҳозиргача аксарият саноат корхоналари бозор иқтисодиётининг кескин талабларига ҳали-бери мослаша олмаётганини таассуф билан айтишга мажбурмиз.

Мавжуд 102 та корхонадан 37 таси ёки 36 фоизида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилгани ва бунинг оқибатида салкам 77 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилгани, бошқача айтганда, шунча бойлик қўлдан чиқарилгани, одамни бепарво қолдириши мумкинми?

Қанча маблағ ва ҳаракатлар эвазига барпо этилган “Медиз”, “Ўзмедкоттон”, “Чиноз тўқимачи” сингари қўшма корхоналар, “Болалар таомлари” ва “Паллада Восток” корхоналари айланма маблағлар ҳамда хом ашё етишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти.

Умуман, вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 225 та корхонадан 43 таси фаолият кўрсатмаётгани ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига кенг йўл очиб берилаётганига қарамасдан, вилоятда бу масалада ҳам сезиларли силжиш кўзга ташланмаяпти.

Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ҳудудий ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 31,6 фоизни ташкил этади. Аммо уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси жуда кам — атиги 8 фоиз, экспорт бўйича 7 фоиз даражасида қолмоқда.

Бу эса тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ишлаб чиқариш билан эмас, кўпроқ олдисотди ва тижорат билан шуғулланаётганидан далолат беради.

Тошкент вилоятида шу йилнинг 9 оyi давомида ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати 120,9 фоизни, экспорт 110 фоизни ташкил этгани ҳолда, импорт ҳажми 143 фоизга кўтарилиб кетгани бизнинг иқтисодиёт соҳасидаги мақсадларимизга албатта жавоб бермайди.

Вилоятга четдан олиб келинаётган товарлар таркибида текстиль маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг улуши юқори экани бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Беихтиёр савол туғилади: нима, бу товарларни ўз корхоналаримизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қийинми? Масалан, Тошкент воҳасида техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мослашган “Резина техника”, “Интермаш”, “Чирчиқ металл конструкция заводи”, “Ангрен газмаш” ва “Трансформатор” каби корхоналар бўлгани ҳолда, бундай маҳсулотлар ҳам четдан келтирилмоқда.

Агар бундай ҳолат давом этаверадиган бўлса, биз ўзимизнинг эмас, чет эл корхоналарини ри-

вожлантирган бўламиз, ўзимизда эмас, хорижий мамлакатларда иш ўринларини кўпайтирган бўламиз.

Энг ёмони, не-не машаққатлар билан топган валюта маблағларимизнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйган бўламиз. Ваҳоланки, бутун дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат, аввало, ўзидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, уларнинг йўлини очиб беришга ҳаракат қилади.

Албатта, бу масалада мен сизларга қандайдир янгилик очиб бераётганим йўқ, бу ҳақда илгари ҳам кўп гапирганмиз. Мана шу оддий ҳақиқатни билатуриб, кўпгина жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам бу борада ўзгариш бўлмаётгани ачинарлидир.

Қадрли халқ ноиблари!

Бу йил мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигида эришган тарихий ютуқлари ҳақида гапирганда, бир муҳим мезонга эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлайман.

Яъни, кўлга киритилган юксак натижаларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин мен уларнинг асосий манбаи — барчамизни боқадиган ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариб бораётганида, деган бўлардим.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда деҳқон ва фермерларимиз, сен ерни боқсанг, ер сени бо-

қади, деган азалий ҳикматни ўз фидокорона меҳнати билан исботламоқда.

Бир манзарани ўзимизга тасаввур қилайлик. Эрта баҳорда эндигина қори кетган далаларнинг қоп-қора шудгор бўлиб ётганини ҳаммамиз кўрганмиз.

Лекин, орадан бир неча ой ўтиб, мана шу қоп-қора дала ўрнида олтинранг бугдойзор ёки кўм-кўк пахтазор пайдо бўлишига, шип-шийдам боғлар уйғониб, хилма-хил, ширин-шакар меваларнинг оғирлигидан дарахтларнинг шохлари эгилиб кетишига одамнинг ишонгиси келмайди.

Шу маънода, деҳқончилик — мўъжиза яратиш билан баробар, десак, асло муболаға бўлмайди. Бу мўъжиза ҳар йил кўз ўнгимизда такрор бўлади. Биз бунга ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун бундай мўъжизаларни яратадиган инсонлар меҳнатини ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта.

Шу фурсатдан фойдаланиб, қўли қадоқ, бағрикенг, кўнгли очиқ, мана шу ерни гуллатиб-яшнатадиган заҳматкаш деҳқонларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этадиган фермерлик ҳаракатини ри-

вожлантириш борасида ҳам вилоятда муайян ишлар қилинмоқда.

Бу ерда 8 минг 377 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга жами 173 минг гектар ер майдони ажратилган.

Лекин, ҳозирги кунда фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика миқёсида пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам ўртача 70 фоизни ташкил этаётган бир вақтда Тошкент вилоятида бу кўрсаткич пахтачиликда 43 фоиз, ғаллачиликда эса 40 фоиз даражасида қолаётгани бу соҳадаги оқсоқликни кўрсатади.

Бунинг сабаблари ҳақида гапирганда, аввало, ерни ўз эгасига, ҳақиқий деҳқонга беришда расмиятчилик, керак бўлса, таъмагирлик ҳолатларига йўл қўйилаётгани, самарадорлиги паст ширкатлар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш масаласига бир қанча туманларда етарли эътибор берилмаётганини айтиш даркор.

Мисол учун, Юқори Чирчиқ туманидаги “Туркистон” ва Яссавий номидаги, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ўзбекистон” ва Навоий номидаги иқтисодий ночор хўжаликларнинг ҳанузгача фермер хўжаликларига айлантирилмаганини фақат шундай изоҳлаш мумкин.

Деҳқонларимизда яхши уруғ — мўл ҳосил гарови, деган чуқур маъноли гап бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент воҳасида маҳаллий

шароитга мос, эртапишар, серҳосил гўза навларини яратиш ишларини қоникарли деб бўлмайди. Оқибатда вилоятда пахта ҳосили кеч етилиб, уни йиғиб-териб олиш муддати чўзилиб кетмоқда.

Бу эса ўз навбатида тайёрланган пахта хом ашёсининг сифатига салбий таъсир этишини тушуниш қийин эмас.

Ҳолбуки, вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган етакчи илмий-тадқиқот муассасалари фаолият олиб боради, аммо уларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш масаласи тўғри йўлга қўйилмаган.

Мана, Қорақалпоғистон ва Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари билан Тошкент вилояти ерларининг унумдорлиги, мелиоратив ҳолати ўртасида қандай катта фарқ борлигини ҳаммангиз яхши биласиз.

Бугун бу вилоятларнинг деҳқонлари шўрланган ерларда, сув камчил бўлган оғир табиий шароитда ҳам мўл ҳосил олиш мумкинлигини ўз меҳнати билан исботлаяпти.

Хўш, Тошкент вилоятининг улардан кам жойи борми?

Албатта, вилоятнинг бу йилги пахта тайёрлаш режасини бажарганидан сизлар қатори мен ҳам мамнунман. Аммо пойтахт вилояти бу маррага охиргилар сафида етиб келганини — сизлар бу масалага қандай муносабат билдиришингизни

билмадим-у, лекин мен бундай ҳолат Тошкент вилояти учун сира ярашмайди, деб ҳисоблайман.

Вилоятда яна бир нохуш ҳолат мавжудки, у ҳам бўлса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларини талон-тороғ қилиш билан боғлиқ.

Энг ёмони, бундай бемаза ишларнинг масъул лавозимда ўтирган одамлар томонидан содир этилиши, ҳосилдор ва сувли ерларни қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик асосида ажратиб бериш ҳолатларига ҳануз чек қўйилмаяпти.

Ўтказилган текширишлар натижасида мансабдор шахслардан 17 нафари, жумладан, 5 нафар ҳокимлик идоралари ходими, икки нафар ширкат хўжалиги раиси ва 10 нафар бошқа мутасаддилар томонидан 822 гектардан зиёд ер майдонлари қонунга зид равишда уларнинг ўз яқинлари ва таниш-билишларига берилгани аниқланди.

Жумладан, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Мирбобоев сохта ҳужжатлар асосида ўз отаси номига 112 гектар ер ажратган.

Пискент туманидаги “Пискент” ширкат хўжалиги раиси И.Мираҳмедов эса 44 гектар экин майдонини туманда яшамайдиган ва хўжалик аъзоси бўлмаган фуқаро Ир Сенга пиёз экиш учун қонунга хилоф тарзда ажратиб берган. Ёки Қибрай туманидаги “Жомий” акциядорлик жамияти

раиси Файзуллаев фуқаро Раҳмоновдан 4 гектар ер ажратиб бериш учун 1 миллион 200 минг сўм пора олаётганида ушланган.

Раҳбарларнинг ерга муносабати шундай бўлгач, ўзингиз айтинг, қишлоқ хўжалигида ижобий натижага эришиб бўладими?

Ердан самарасиз фойдалангани, унинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига, бу борадаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйгани, кейинги йилларда сурункасига шартнома режасини бажармагани учун 11 та ширкат ва 85 та фермер хўжалигидан 4 минг 84 гектар ер қайтариб олингани ҳам бу масалада жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади.

Маълумки, ер ва моддий ресурсларни талон-торож қилиш, улардан қонунга зид тарзда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан прокуратура идоралари бундан уч-тўрт йил муқаддам назоратни кучайтирган эди.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда бу ишлар бирмунча сусайиб қолганига гувоҳ бўляпмиз. Нима, прокуратура ходимларининг бундай нопок кимсалар олдида муттаҳамчилиги ёки тили қисик жойи борми?

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачиликда ҳам оқсоқлик аломатларини кўриш мумкин. Айниқса, наслчилик ишларининг тўғри йўлга қўйилмагани, чор-

ва молларини сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишдаги сансалорлик, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятидаги нуқсонлар бунга сабаб бўлмоқда.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарида қорамоллар сони ўтган йилга нисбатан 2,5 минггага камайгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоятдаги молиявий аҳволга танқидий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маҳаллий бюджетга кўшимча даромад манбалари яратиш имкониятига эга бўлган Оққўрғон ва Бекобод, Бўстонлиқ ва Бўка, Паркент, Қуйи Чирчиқ ва Пискент туманлари ҳамон дотациядан чиқолмаётгани, албатта, ташвишли ҳолдир.

Бюджетдан қарздорлик йилдан-йилга ортиб, бугунги кунда бу кўрсаткич вилоят бўйича 11 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. “Зангиота”, “Техтаъминот”, “Бинокор”, 1-темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятларида боқиманда қарздорлик кескин ўсиб кетган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, нақд пул тушумини ўз вақтида банкка топширмаган хўжалик субъектларига нисбатан ҳокимликларга киритилган 142 та тақдимнома юзасидан тегишли чора кўрилмаганига қандай баҳо берса бўлади?

Вилоятда яна бир муҳим соҳа — хусусийлаштириш жараёни ҳам сует бормоқда. Бу борадаги дастурда белгиланган жорий йил топшириғи атиги 52 фоизга бажарилгани, хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил этилиб, уларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмагани шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, кейинги икки йилда бу борада бирмунча ишлар қилинганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 316 километр табиий газ, 116 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ва 310 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилганини ижобий кўрсаткич сифатида қайд этиш лозим.

Вилоятда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш мақсадида 20 та шаҳар ва туманда 34 мингдан зиёд абонент рақамига эга бўлган коммутацион станциялар ишга туширилгани аҳолига қулайлик яратишда катта қадамдир.

Биз учун устувор масала бўлган соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, жорий йилда 7 та қишлоқ врачлик пункти ва 8 та соғлиқни сақлаш объекти капитал таъмирланганини айтиш жоиз.

Шу билан бирга, бу борада қатор муаммолар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Янгийўл тумани марказий касалхонасининг туғуруқхона бўлими капитал таъмирга муҳтож, Юқори Чирчиқ тумани марказий касалхонасининг биноси эса яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ана шундай нуқсонлар туфайли вилоятда аҳоли, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишда жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўткир юқумли касалликларга чалинган беморлар сони сезиларли даражада ошгани тегишли мутасаддиларни ташвишга солиши керак.

Албатта, кўп касалликларнинг сабаби ичимлик сувининг сифати билан боғлиқ. Қарийб икки ярим миллион аҳоли яшайдиган ушбу вилоят ҳудудида қишлоқ жойлардаги водопровод тармоқларининг 43 фоизи санитария талабларига жавоб бермаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар аҳолида ҳақли эътироз уйғотмоқда.

Бунинг асосий сабаби — маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли хизмат кўрсатиш ташкилотларига, уй-жой мулкдорлари ширкатларига расмиятчилик билан қараш ҳолатлари давом этаётгани, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйил-

магани, маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб борилмаётгани билан боғлиқ.

Бунинг оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича дебитор қарздорлиги 16,2 миллиард сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 4 миллиард сўмга ёки 1,3 марта ошган.

Биргина Ангрен шаҳрини оладиган бўлсак, бу ерда аҳолининг иссиқлик энергияси бўйича қарзи 2,4 миллиард сўмга, электр энергияси бўйича 1,5 миллиард сўмга, сув бўйича 24,2 миллион сўмга, эксплуатация тўловлари бўйича эса 31,5 миллион сўмга етгани бу ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини тасдиқлайди.

Хурматли дўстлар!

Бугун вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини таҳлил қилар эканмиз, кўпгина аччиқ, танқидий гапларни айтишга тўғри келмоқда. Бу гаплардан мақсад — мавжуд вазиятни холис баҳолаш ва уни ўнглаш юзасидан керакли хулосалар чиқариш, зарур чоралар кўришдан иборат эканини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши тушунасиз.

Бир ҳақиқат барчамизга аён бўлиши даркор: биз ўз олдимизга юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек юксак мақсадларни қўйган эканмиз, аввало, ўзини раҳбар деган, шу юрт фарзанди деган ҳар бир инсон келажакни, элулус манфаати ва равнақини ўйлаб яшаши керак.

Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган кескин талаб. Негаки, бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам аҳоли сони йил сайин кўпаймоқда.

Модомики, шундай экан, фарзандларимизни бугун қандай боқамиз, эртага қандай ўқитамиз ва тарбия қиламиз, балоғат ёшига етганида иш билан қандай таъминлаймиз? Бу саволларга бугуннинг ўзида жавоб топиш ва келажак пойдеворини ҳозирдан бошлаб барпо этиш керак эмасми?

Худога шукр, бу йил об-ҳаво қулай келиб, пахтакорларимизнинг омадини берди. Лекин, деҳқонларнинг таъбири билан айтганда, йил йилга ўхшамайди. Шунинг учун биз ҳар қандай ҳолатларга ҳам тайёр туришимиз, доимий, барқарор даромад манбаларини излаб топиш ва ишга солиш ҳақида бош қотиришимиз зарур.

Мана, мисол учун, Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик корхона ва микрофирмалар очиш, тоғли ва чўл худудларида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қанча-қанча имкониятлар мавжуд, лекин, афсуски, улар ҳамон эътибордан четда қолмоқда.

Умуман, вилоятда вужудга келган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин юқорида келтирилган факт ва

рақамларнинг ўзиёқ аҳволнинг қандай эканини англаш учун кифоя қилади, деб ўйлайман.

Бундай ҳолатларнинг сабабини, биринчи навбатда, вилоят ва туман раҳбарларининг ишга бўлган муносабатидан, уларнинг ўз вазифаси ва бурчини қай даражада масъулият билан адо этаётганидан излаш ўринлидир.

Ҳақиқий раҳбар мана шу ер — меники, мана шу юрт — ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш — менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур. Шундагина ташаббускор ва изланувчан, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ҳам ечимини топа олади.

Биз сизлар билан бирга бундан икки йил муқаддам вилоят ҳокими Козим Тўлагановнинг билим ва тажрибасига катта ишонч билдириб, уни мана шу масъулиятли лавозимга муносиб кўрган эдик.

Албатта, у ўз иш фаолияти давомида вилоятдаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун бирмунча ҳаракат қилганини эътироф этиш жоиз.

Аммо бугун Тошкент вилоятининг ўтган йилги ва бу йилги ривожланиш яқунларини танқидий баҳолар эканмиз, айтиш мумкинки, узоқ ва давомли, эзгу мақсадларимиздан келиб чиқиб, вилоят олдига қўйилган муҳим вазифалар бажарилмади, белгиланган марраларга эришилмади.

Вилоят ҳаётида йўл қўйилган, юқорида зикр этилган катта камчилик ва нуқсонлар учун масъулиятни, табиийки, биринчи галда вилоят ҳокими ўз зиммасига олиши керак.

Шу ўринда бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишга тўғри келади. Раҳбарлик, етакчилик — у кичик жамоа, корхона ёки ташкилот бўладими, гуман, шаҳар ёки вилоят бўладими — бундан қатъи назар, эл-юртнинг бошини қовуштириб, бирлаштиришни, уларни юксак марра ва мақсадлар сари сафарбар этишни, кимнингдир пешонасини силаб, кимгадир яхши гапириб, одамларнинг руҳини кўтаришни тақозо этади.

Шу билан бирга, раҳбар дегани кимгадир кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчиликни ўз ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларда эртанги кунга ишонч уйғота олиши лозим.

Бунинг учун раҳбарнинг, аввало, ўзи ҳалол ва холис бўлиб, адолат билан иш юритиши керак.

Лекин сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган кайфият билан яшайдиган, бировнинг мушугини пишт дея олмайдиган раҳбарни бугунги замон мутлақо қабул қилмайди.

Ўзини ҳақиқий етакчи деб ҳисоблайдиган инсон бу хусусиятлар билан бирга, яна қандай фазилатга эга бўлиши керак, деса, мен, аввало,

фидойилик соҳиби бўлиши керак, деб айтган бўлардим.

Албатта, барча касб ва ҳунарларни эгаллаган, ҳамма соҳанинг сир-асрорини пухта биладиган раҳбарни ҳаётда топиш ўзи қийин.

Лекин, бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек, вилоят раҳбари вазифасида ўтирган одам ўзи етакчи бўлган ҳудуд олдида турган муаммоларни ҳар томонлама чуқур англаши, уларни ечиш, кўзланган марраларга эришиш учун илгари ўзига нотаниш бўлган соҳаларни ҳам — у қандай соҳа ва тармоқ бўлишидан қатъи назар — ўзлаштириб олишга қаттиқ интилиши, керак бўлса, шу йўлда бутун куч-ғайрати ва борлигини сафарбар қилиши зарур эмасми?

Шу кўз билан қарайдиган бўлсак, К.Тўлагановнинг, мен қишлоқ хўжалигидан узоқман, деган фикрда бўлганини у шу лавозимда иш бошлаган дастлабки пайтда балки тушуниш мумкин эди.

Бироқ ўз зиммасига пойтахт вилоятига биринчи раҳбар бўлишдек катта масъулиятни олганидан сўнг, ҳоким деҳқончилик сир-асрорини, унинг негизини ўзлаштиришни ўзи учун асосий мақсад қилиб қўйиши, шунга эришиш учун кечаю кундуз тиним билмай ҳаракат қилиши лозим эди.

Бир сўз билан айтганда, К.Тўлаганов шу икки йил давомида вилоят қишлоқ хўжалигини атроф-

лича ўрганиши, ўзини деҳқон, фермер, агроном ўрнига қўйиб, уларнинг ҳаёти, қувонч-ташвишларини яқиндан билиши, мавсум пайтида ҳали қуёш чиқмасидан далада бўлиши, ер билан тиллаша олиши, умуман, деҳқон меҳнатининг нақадар машаққатли, оғир ва мураккаб эканини юрагидан ўтказиб яшаши керак эди.

Минг афсуски, вилоят ҳокимининг иш фаолиятида ана шундай ҳиссиёт ва интилиш сезилмаганини бугун очиқ айтишга мажбурмиз.

К.Тўлаганов мана шу ҳолатларни тушуниб, ўз фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларни тан олиб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Шу масала бўйича, яъни К.Тўлагановни Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этиш бўйича сиз, ҳурматли депутатлардан ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугунги ўта мураккаб замонда ҳар қандай раҳбар лавозимига муносиб номзод топиш нақадар оғир вазифа эканини сиз, шу залда ўтирган, кўпни кўрган муҳтарам депутатлар ва халқ вакиллари ўз ҳаётий тажрибангиздан чуқур англамоқдасиз.

Вилоят ҳокими вазифасига номзод ҳақида сўз юритар эканмиз — бу лавозим ғоят масъулият-

ли экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бугунги мажлисимизга тўпланишдан олдин шу масала бўйича чуқур ўйладик, сиз, ҳурматли депутатлар ва фаоллар, тажрибали оқсоқоллар ва кайвонилар билан бамаслаҳат фикрлашдик.

Ва барча билдирилган таклиф-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, ҳозирги вақтда Бекобод тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Мирзамашрап Раззоқович Куччиев номзодини Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишни маъқул топдик.

Мирзамашрап Куччиев Тошкент вилояти ҳаётини яхши билади. Охириги йиллар давомида Тошкент вилоятининг Қибрай, Паркент ва Бекобод туманларида ҳоким вазифасини бажариб келган.

Бу раҳбар илгари меҳнат қилган жойларида ҳам ишчанлиги, мавжуд муаммоларни ҳал этишда аҳоли билан тил топа билиши, билим ва дунёқараши, тажрибаси ва инсонийлик хусусиятлари билан ўзини ижобий томондан кўрсатган.

Ўйлайманки, агарки бу инсон билан бирга ишлаган одамларнинг фикрлари, у ҳақдаги ижобий таассуротларни инобатга олган ҳолда, уни шу масъулиятли лавозимга тавсия этсак, номзодимиз унга билдирган ишончимизни оқлайди, деб айтишга асосимиз бор.

Бу масалада қаршилик ёки бошқа номзодлар бўлмаса, Мирзамашрап Куччиев номзодини овозга қўйишни таклиф қиламан.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган мураккаб давр, ҳаётнинг ўзи ҳар қайсимиздан белни янада маҳкамроқ боғлаб, мана шу муқаддас юрт учун, унинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилишни, ёниб яшашни талаб этмоқда.

Бу йўлда шу азиз Ватан — барчамизники, унинг қудратини ошириш, ёруғ истиқболини таъминлаш — ўз қўлимизда, деган эзгу шиор диёримизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида доимо акс садо беришини истардим.

Мен бағри очиқ, меҳнаткаш, кўпмиллатли Тошкент вилояти аҳли ҳам ана шундай мақсад ва интилишни ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантиради, бу заминнинг азалий шуҳратини қайта тиклашга, унинг пойтахт вилояти деган юксак номга ҳар томонлама муносиб бўлишига ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти  
кенгашининг навбатдан ташқари  
сессиясидаги нутқ,  
2005 йил 7 ноябрь*

## **СПОРТ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

*2005 йил 8 ноябрь куни Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2004 йил август ойидан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда спорт инфратузилмасини барпо этиш ҳамда болаларни спортга оммавий жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, шунингдек, Жамғарманинг 2005 йилги бюджети бажарилиши ва 2006 йилги тушумлар, харажатлар прогнози, болалар спорти иншоотларини зарур жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш, уларни республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимлик органларининг роли ва масъулиятини оширишга доир масалаларни

атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Жамғарма энди тузилган кезларда унинг ҳаёти-мизда тутажак катта ўрнига унчалик ишонмаганлар ҳам бўлган эди, деди Президентимиз. Лекин ўтган вақт мобайнида Жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятини нафақат жойларда спортни ривожлантириш тимсолида, балки муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг имон-иродасини мустаҳкамлаш, мустақил дунёқарашини шакллантириш, уларнинг онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтиришдек юксак мақсадларимизни рўёбга чиқаришда кўмаклашиш билан ҳам исботлаб турибди.

Спорт фарзандларимизнинг характерини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Зеро, гурур, фахру ифтихор инсон учун ўз мақсадларига эришишда мадад бўлади.

Жорий йилда мамлакатимизда болалар спорти иншоотларини барпо этиш борасида режалаштирилган 155 иншоотдан 153 таси фойдаланишга топширилди. 2004—2005 йилларда янги қурилган 101 болалар спорти иншооти бир миллиард 22 миллион сўмлик спорт ашёлари билан жиҳозланди. Ўтган йили болалар спорти иншоотлари-

ни жиҳозлаш учун 47 хил анжом хориждан келтирилган бўлса, бу йил шундан 31 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгуси йил дастурида 162 болалар спорти иншоотида қурилиш ишлари олиб бориш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Спорт иншоотларини қуриш бўйича тендер савдоларини ўтказишда пудратчи ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, молиявий ҳолатига етарлича эътибор берилмаяпти. Айрим вилоятлардаги ягона буюртмачи қурилиш ташкилотлари спорт иншоотларини топшириш муддатини асоссиз чўзиб, сифатини қониқарсиз бажармоқда. Баъзи ҳолларда янги спорт масканлари тўла қувват билан ишламаяпти ва спорт жиҳозларидан самарали фойдаланилмаяпти. Оммавий спорт турлари учун зарур жиҳозларни, айниқса, футбол ва волейбол тўпларини, шунингдек, югуриш йўлаклари ва спорт майдонлари сунъий қопламаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳалигача тўла йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорти жиҳозларини кенг кўламда ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш даркор, деди Ислом Каримов. Бунинг учун, биринчи

навбатда, янги болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун тавсия этиладиган спортнинг ҳар қайси тури бўйича энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталогини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ҳар бир спорт масканининг асл мақсад ва йўналишидан келиб чиқиб иш кўриш лозим. Яъни, профессионал спортчи ёшларни тайёрлайдиган спорт залларида профессионал маҳоратни оширадиган спорт анжомлари ўрнатилиши зарур. Умумий ўрта таълим мактаблари спорт масканларини эса болаларга мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш лозим.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан асосий мақсад — истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ комил авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин. Мазкур Жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш даркор. Масаланинг моҳиятини ана шу тарзда чуқур англаш учун, даставвал, бугунги

вазиятга, бугунги аҳволга тўғри, холис баҳо бериш лозим.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, болалар спорти мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш каби долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу масалаларни самарали ҳал этиш борасида мутасадди раҳбарлар болалар спортини ривожлантириш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини теран англаб олмоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси — мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Болалар спортини ривожлантириш борасида бошлаган ишларимиз ўзини оқлади, деди Президентимиз. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда бу борада муайян ютуқларга эришдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини бермоқда. Зеро, бугун жойларда спортга қизиқиш изчил кучайиб бормоқда.

## **ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУГУН ЖАМОАСИГА**

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлмиш Тошкент ахборот технологиялари университети-нинг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ёки тармоқни олмайлик — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими бўладими, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий масалалар ёки фан-техника, маданият ривожини бўладими — буларни барчасининг тараққиёти негизида авваламбор телекоммуникация ва ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас.

Бундай ўта муҳим ва стратегик соҳани жаҳон андозалари ва талабларига мос равишда тезкор суръатлар билан ривожлантиришда бугунги кун-

да юқори малакали кадр ва мутахассислар тайёрлаш масаласи биз учун ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ғоят долзарб вазифага айланмоқда.

Буни барчамиз — энг юқори вазифадан тортиб қуйи бўғинда ўтирган раҳбарларгача, олиму мутахассислардан тортиб оддий фуқароларимизгача яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бундай мураккаб ва ғоят масъулиятли вазифани ҳал этишда Тошкент ахборот технологиялари университетининг бу соҳадаги таянч олий ўқув юрти сифатида ўрни ва аҳамияти улкан, албатта.

Шу боис Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасига, жумладан, мазкур олий ўқув юрти ривожига нақадар жиддий эътибор бериб келаётганимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Айниқса, университет фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириш, унинг илмий-педагогик салоҳияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Урганч шаҳарларида филиалларини ташкил этиш бўйича амалга оширган салмоқли ишларимиз бугун ўз ижобий натижасини бераётгани эътиборга молик.

Айни пайтда жаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёнлари тобора глобаллашиб, бу бора-

даги рақобат кучайиб бораётган, ахборот наинки товар, балки кучли мафкуравий қуролга айланаётган ҳозирги шиддатли замонда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишда янги-янги вазифаларни олдимизга кескин қилиб қўймоқда.

Шу борада биз иқтисодиётимизнинг негизини белгилаб берадиган машинасозлик, электроника, самолётсозлик, енгил саноат, теле-радио алоқа, коммуникация, банк-молия тармоқлари учун, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча жабҳалари учун зарур бўлган юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз даркор.

Шулар қаторида бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган Интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим.

Ана шундай муҳим ва долзарб вазифаларни адо этишда университетнинг кўп миллатли ўқитув-

чи ва профессорлар жамоаси, изланувчан талабалари ўзларининг билим, истеъдод ва тажрибаларини аямасдан меҳнат қиладилар, деб ишонаман.

Сиз, азизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2005 йил 14 ноябрь куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб берди. Президентимиз бу ташрифдан кутилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди.*

— Бизнинг Россия Федерациясига, унинг пойтахти бўлмиш Москва шаҳрига бу галги расмий ташрифимиз, ўйлайманки, икки давлат алоқаларининг янги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу ташриф доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолаш мўлжаллана-

ётгани ўзаро алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бу шартномани тайёрлаш юзасидан ҳаракатлар бундан бир неча йил олдин бошланган эди. Маълумки, 2004 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бу шартнома бугун биз расмийлаштирмоқчи бўлаётган иттифоқчилик муносабатлари йўлида муҳим қадам бўлган эди, десак, хато бўлмайди, деди мамлакатимиз раҳбари ўз фикрини давом эттириб.

Ўзбекистон билан Россия муносабатларини иттифоқчилик даражасига кўтаришга оид шартнома нималарни кўзда тутуди?

Аввало, бу шартнома ўта муҳим ва масъулиятли масала — икки томонлама ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларни юқори ва ишончли асосда янада ривожлантиришни, Куролли Кучларни барпо этиш, уларни қуроллантиришда ўзаро кўмак ва ёрдам беришни назарда тутуди.

Ўзингизга бир тасаввур қилинг: бу шартнома кучга кириши билан Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли ва ёвуз ҳамла, бизнинг ҳудудимизга бостириб киришга бўлган уришишлар ўз-ўзидан Россияга қарши қўл кўтариш бўлиб ҳисобланади ва, табиийки, дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири бўлмиш бу мамла-

катни бeфapқ қолдирмайди. Ва борди-ю, шундай ҳолатлар содир бўлса, икки давлат раҳбарияти бамаcлаҳат тегишли қарор қабул қилиш ва зарур чоралар кўриш имконига эга бўлади, деб таъкидлади Иcлом Каримов.

Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз қандай хавф-хатарлар остида қолгани, бизга, бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизга қарши қандай хуружлар бўлгани барчамизга яхши маълум.

Бизни кўролмайдиган, аввало мустақил сиёсатимизни, осойишта ва барқарор ҳаётимизни барбод қилиш мақсадида уюштирилган қанчадан-қанча мудҳиш ва ёвуз ҳаракатлар, албатта, биздан тегишли чораларни кўришни талаб қилади.

Андижондаги фожиали воқеаларни уюштирган ёвуз кучлар ва уларнинг ҳомийлари бугун ҳам тинчимасдан, халқаро майдонда бизнинг шаънимизга қанчадан-қанча бўҳтон ва туҳмат гаплар ёғдиришдан, кўпоровчилик ҳаракатларидан чарчамаётгани — буларнинг барчаси доимо сезгир ва ҳушёр бўлишимизни тақозо этади.

Шу билан бирга, бугунги ўта таҳликали, айрим сиёсий кучлар зўравонлик билан ўз сўзини ўтказмоқчи бўлаётган замон биздан ҳар томонлама ишончли давлатларга суяниш ва таянишимизни талаб қилмоқда.

Лекин ҳаммамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимизни истардим: хавфсизлик масаласини

фақат ҳарбий томондан мустаҳкамлаш мумкин, деб ўйлайдиган бўлсак, очиқ айтишимиз керак, бу бирёқлама қараш бўлади. Биз ўз хавфсизлигимизни ҳам иқтисодий, ҳам молиявий, ҳам маънавий томондан мустаҳкамлашимиз даркор.

Шунинг учун Ўзбекистон билан Россиянинг иттифоқчилик муносабатлари ҳақида гапирар эканмиз, ўзаро иқтисодий-молиявий муносабатлар, транспорт, савдо-сотиқ алоқаларимиз ҳажмини кенгайтириш, бу соҳаларда икки давлат тадбиркорлари, фирма ва компанияларига янги имтиёзлар бериш, ўзаро борди-келдиларимиз йўлидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади.

Ўйлайманки, бу йўналишларда Россиянинг улкан ва беқиёс бозори, имконият ва салоҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Икки давлат ўртасида маданий алоқаларни, таълим, илм-фан соҳаларини, биз учун жуда муҳим саналган соғлиқни сақлаш, тиббиёт муассасаларини ривожлантириш борасида ҳам ўзаро катта имкониятлар очилишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Баъзи одамлар, бундай алоқалар эртага яна эски ҳолатга, яъни «катта ва кичик оға»лар ўртасидаги муносабатларга олиб келмасмикан, деган савол бериши мумкин. Шунинг ҳеч қачон унутмаслик керакки, бугун, энг аввало, замон ўзгарди.

Бугунги Ўзбекистон ва бугунги Россия кечаги ҳолатдаги давлатлар эмас.

Ҳозирги пайтда ҳар қайси давлат — Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ўзининг узоқ ва давомли стратегик манфаатларини чуқур англаб, таҳлил қилиб, тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишни маъқул топмоқда.

Бугун ҳеч ким эски замонга қайтишни хоҳламайди. Биз ўн беш йилдан буён мустақиллик шароитида яшаб келмоқдамиз. Ва халқимизнинг буюк ютуғи бўлмиш истиқлолимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Эркинлик ҳавосидан тўйиб нафас олган одамлар қарамлик ҳолатига қайтишни асло истамайди. Бундан халқимизнинг кўнгли тўк бўлиши керак.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур. Фақат ўзини ҳимоя қилишга қодир, бунга имкон топган давлатнинггина келажаги ёруғ бўлади.

## **ИНСОН, УНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ КАДРИЯТ**

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ушбу қутлуғ сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирда, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажакини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди.

Мана, ўн уч йилдирки, биз эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона

бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Ана шу ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилдик.

Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган гоят мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида қандай жараёнларга дуч келмайлик, қандай оғир синовларни бошимиздан кечирмайлик, Конституциямиз ҳамиша юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда яккаю ягона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмунини ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг

олий қадрият сифатида муҳраб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ушбу конституцион тамойилга биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг кундалик фаолиятида оғишмай риоя қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсақ, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгилалиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда **“Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”** деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки ғалла етиштириш бўла-

димиди, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз ҳолисона тан олишимиз керак — кўпинча кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз.

Шу борада яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди.

Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга етишиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва ғовлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошкора гапириш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва ҳолис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.

Очиғини айтганда, собиқ тузумга хос қолдиқ ва асоратлар, барчамизнинг онгимизда ҳали-бери

сақланиб қолаётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Барака топкурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни аввало ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен учта муҳим масалага алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

Минг афсуски, биз бу масалада ҳамон заиф бўлиб қоляпмиз ва бундан ғанимларимиз жуда усталик билан фойдаланяпти. Мана, масалан, Андижон воқеаларини олайлик. Бу жиноятларнинг ортида кимлар тургани ва уларни қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширгани ҳозирги кунда суд жараёнлари орқали аён бўляпти, далиллар асосида исботланияпти.

Хотирамизда умрбод яра бўлиб қоладиган Андижон воқеалари содир бўлган кунлардан бошлаб ҳозиргача душманларимиз бу фожиа ҳақида бутун дунёга турли бўҳтон ва уйдирмаларни овоза қилиб юрибди. Бу масалада миллий матбуоти-

миз, радио ва телевидениемиз, жонкуяр журналистлар, юртларвар тарғиботчиларимиз халқимизга асл ҳақиқатни тушунтириб бериши зарур.

Чунки чекка вилоятлардаги одамлар Андижон воқеалари содир бўлган пайтда, уларнинг тафсилотларини яхши билмасдан, хавотирга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу бизнинг шу борадаги заифлигимизни кўрсатади. Шу маънода, узоқ-узоқ жойларда — бу Қорақалпоғистон ёки Сурхондарё бўладими, Фарғона водийсидаги чекка қишлоқлар бўладими — одамларимизнинг бундан беҳабар бўлиб қолишига авваламбор биз ўзимиз сабабчимиз.

Мана, кўряпсизлар, ҳозирги пайтда дунё зўравонлар дунёси бўлиб қоляпти. Кимнинг қўлида кучли матбуот, ахборот воситалари бўлса, таъсир ўтказиш имкони бўлса, ким информация майдонида устунлик қилса, замон кимники бўлади — аввало ўшаларники бўлади.

Биз бу масалада қандай хатоларга йўл қўяётганимиз, нима учун бепарволикдан қутулолмаётганимиз ҳақида очиқ айтишимиз керак. Ҳар бир фуқаро, бу — менинг Ватаним, менинг тупроғим, аждодларимиз хоки ётган шу муқаддас замин тақдири учун мен ҳам жавобгарман, деган эътиқод билан яшаса, четдан туриб уюштирилган бундай бузғунчиликлар одамларимизга ўз таъсирини ўтказмас эди.

**Иккинчидан**, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

**Учинчидан**, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамиятгина енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш

йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгилиниш ва янги жамият қуриш йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойиллари ҳақида мухтасар қилиб, қисқа тарзда эслатиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзида учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун аксарият давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди-энди бу жараёнга киришмоқда.

**Иккинчидан**, барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда дунёда 200 дан зиёд давлат, 6 мингга яқин миллат ва элат бор. Қани, айтинглари; уларнинг ҳаммасини бир сафга, бир хил йўлга бошлаш мумкинми? Айтайлик, бир давлат, жаҳонда ўзини энг кучли, ҳар томонлама қудратли деб ҳисоблаган ҳолда, демократия соҳасида ўз моделини бошқа мамлакатларга ҳам

зўрлаб тиқиштириши ва бу борада катта-катта маблағ ва куч ишлатиши, ўйлайманки, калтабинликдан бошқа нарса эмас.

Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарса.

Демократия асли эркинлик дегани бўлса, эркинликни қандай қилиб зўравонлик билан жорий этиш мумкин? Демократияни куч билан ўрнатишга уринаётганлар ҳар қайси мамлакат ва халқнинг минг йиллар давомида шаклланган ўз миллий қадрият ва урф-одатлари, қарашлари борлигини ҳисобга олиши, уларнинг тавсиялари бошқаларга маъқул келадими-йўқми — буни олдин шу юртда яшаётган одамлардан сўраб, кейин бирон-бир тавсия ёки кўмак бериши керак эмасми? Бундай кучларга қарата, бизнинг юртимизда ўтмиши улғу бўлган буюк халқ яшайди, бизнинг аждодларимиз дунёдаги қадимий ва бой цивилизацияни яратган пайтларда сизлар қаерда эдингиз, деган саволни бериш ўринли, деб биламан.

Демократияни зўравонлик билан экспорт қилиш, бошқа мамлакатга четдан жорий этиш тажрибаси нотўғрилигини бугун дунё миқёсидаги кўп-кўп ҳаётий мисоллар тасдиқлаяпти. Ўйлайманки, ҳаётнинг ўзи бундай зўравонлик усул-услуглари ва ҳаракатларини вақти келиб албатта жой-жойига қўяди.

Демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Бундай мудҳиш тажрибалар туфайли инсоният қанчадан-қанча қурбонлар бергани бугун ҳаммага маълум. Шу нуқтаи назардан қараганда, демократик жараёнларни ҳам кўр-кўрона, сунъий равишда тезлатиш аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарих албатта кўрсатади.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган.

Бу йўл демократия ва эркинликнинг умум-эътироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади.

Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ри-

вожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз.

Шу билан бирга, очиқ айтиш керак, Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишимизга аралаштириш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз. Бундай уринишлар чиппакка чиқиши муқаррар ва бу масала бўйича лўттибозликни йиғиштириб қўйиш керак.

Азиз дўстлар!

Вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, юртимизда “Сиҳат-саломатлик йили” деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳоясига етиб бормоқда.

Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган шиоримизда мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, якунига етиб бораётган, «Сиҳат-саломатлик йили» деб ном олган жорий йилимизда амалга татбиқ этган дастур ва тадбирлар аввало тиббий соҳани янги босқичга кўтаришга, одамларимиз, халқимиз ҳаёти-

га қандай ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида қис-қача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида республикаimizдаги 38 та шифохона ва сиҳатгоҳ янгитдан барпо этилгани, тўлиқ капитал таъмирлангани ва реконструкция қилингани, 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий тиббий усқуналар билан жиҳозлангани, ўйлайманки, бу борадаги ишлар кўлаmidан етарлича далолат беради.

Шунингдек, бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 210 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилгани қанча-қанча одамларнинг шифо топишига, касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар юртдошимиз сифатли тиббий хизматдан фойдалангани ва қўшимча равишда 2 миллион кишига хизмат кўрсатиш имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим қадам сифатида баҳолаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ибратли ишлар нафақат пойтахтда, балки барча вилоят ва туманларимизда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туман-

нида янги шифохона, Боғот туманида эса янги туғруқхона мажмуи барпо этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани марказий касалхонасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги “Чимён” санаторийсида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилди.

Шулар қаторида Республика шошилинич тиббий хизматининг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланиши мазкур тизимнинг самарадорлигини оширишга албатта ҳисса қўшади.

Тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида пойтахтимиздаги иккита медицина

олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда академия қошида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ҳам иш бошлади. Бундан ташқари, 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, уларда минг нафар талаба таҳсил олаётгани ҳам тиббий кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашга хизмат қилади.

«Сиҳат-саломатлик йили»да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалик, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида ҳам жиддий натижалар қўлга киритилгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Оналар ва болалар скрининги тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш, 1 ёшгача бўлган болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг миқёси кенгайиши ва бошқа муҳим тадбирлар туфайли чақалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга, оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар эса 6,8 фоизга камайгани айниқса эътиборга молик.

Эътибор беринг, биз қилган ишларимиз ҳақида гапирганда, кўпинча уларни рақамлар ва фоиз ҳисобида ифодалаймиз. Ўзингиз ўйланг, агар оналар ўлими қарийб 7 фоизга камайган бўлса, биз юртимиз бўйича қанча она, қанча инсон-

нинг ҳаётини сақлаб қолган, қанча оилани бахтли қилган, қанча болани етимликдан асраб қолган бўламиз.

Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизида мана шундай муҳим ҳаётгий масалалар ётибди. Шу боис улар оддий рақамлар эмас. Ҳар қайси рақам ортида тирик жон, инсон тақдири, юртимиз аҳолисининг ҳаёти билан боғлиқ масалалар бор. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Менга қолса, қани энди, оналар ўлимини ҳар куни бир фоиз-бир фоиздан камайтириб бориб, унга бутунлай барҳам берсак.

Жорий йил давомида юртимизда фаолият кўрсатаётган 9 та скрининг маркази қаторига яна иккита — Урганч ва Навоий шаҳарларида ташкил этилган ана шундай замонавий тиббиёт марказлари ҳам қўшилди.

Очиқ тан олишимиз керак, ҳозирги кунда пойтахтимиз ёки бошқа катта шаҳарларга бориб, малакали шифокорлар кўригидан ўтиш, керакли тиббий муолажа ва тавсиялар олишга ҳамманинг ҳам имконияти етарли эмас. Айниқса, олис ва чекка жойларда яшайдиган аҳоли учун бу жиддий муаммо эканини яхши тушунамиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг март-сентябрь ойларида табиий шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси,

Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларига “Саломатлик” тиббий-санитар ёрдам поезда юборилиб, 20 мингдан ортиқ киши тиббий кўриқдан ўтказилгани кўпчилиكنинг кўнглидаги иш бўлди.

Шулар қаторида ёзги таътил мавсуми давомида Халқ таълими вазирлиги ва Республика касабача уюшмалари федерацияси томонидан 247 минг мактаб ўқувчиси оромгоҳларда соғломлаштирилганини ҳам айтиб ўтиш ўринли, албатта.

Ўтган давр мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун яна бир ибратли тажриба жорий этилиб, камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, йод танқислиги бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида қандай хавфли юқумли касалликлар тарқалаётганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз хабардорсиз.

Бу масала барчамиздан, биринчи галда, медицина ходимларидан доимий сезгирлик ва ҳушёрликни талаб қилади. Ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар ва тиббиёт идораларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бундай хавфли касалликлар бизнинг ҳудудимизга, юртимизга четдан кириб келишининг олдини олишга эришилганини катта мамнуният билан қайд этиш лозим. Мана шундай бало-қазоларни остонамизга йўлат-

масликка ҳисса қўшган тиббиёт ходимларига алоҳида миннатдорлик билдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

2005 йилда ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини асраш бўйича амалга ошириб келаётган ишларимизни давом эттирганимиз бу масала биз учун устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Мисол учун, хорижлик мутахассислар билан биргаликда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилаларга мансуб 2500 дан зиёд бола атрофлича тиббий кўрикдан ўтказилгани, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда 280 нафар ногирон бола пластик операция қилинганини айтиш мумкин.

Профессионал маҳорат ва катта маблағ талаб қиладиган бундай тадбирлар туфайли юзлаб оналарнинг дарду ташвиши енгиллашгани, энг муҳими, бу болаларнинг ўзи ҳаётга янгича кўз, умид ва ишонч билан қарай бошлаганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

«Нуроний» шифохонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил этилиб, унда тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар ўз саломатлигини яхшилаш имконига эга бўлгани ҳам шундай савобли ишлар жумласига киради.

Мамлакатимизнинг ихтисослашган тиббиёт марказларида эса шу тоифадаги беморлардан 15 минг 570 нафари даволангани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2500 нафарга ортгани эътиборга сазовор.

Хусусан, республикамизнинг урология, хирургия, кўз хирургияси ва кардиология марказларида 2300 дан ортиқ беморга тиббий хизмат кўрсатилди ва бу мақсадларга давлат бюджетидан бир ярим миллиарддан зиёд маблағ сарфланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жорий йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди.

Жумладан, «Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги пайтда тегишли муҳокамалардан ўтказилмоқда. Шунингдек, «Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» дастурида кўзда тутилган яна бир долзарб масала — аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада республика миқёсида турли мавзу ва йўналишларда 80 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, икки жилддан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий теле-радио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар, жумладан, Ўзбекистон телевидениесига “Тўрт карра йўқ!” номли телемарафон ташкил қилинди.

Бу борада “Сиҳат-саломатлик йили: мазмун ва моҳият” деган ном остида нашр этилган методик тавсиялар ва мультимедиа дастурлари ҳам аҳолининг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва СПИД каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизимидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда қишлоқ жойлардаги кўплаб маҳаллаларда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом оила тарғиботига бағишланган учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ҳаётимиз қоидасига айлантириш бўйича қилинаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Йил давомида маҳаллалар, корхона ва муассасаларда турли мусобақалар, спорт ўйинларининг ўтказилганини биринчи галда юртимизда спортни оммалаштиришга берилаётган катта эътибор самараси, деб қабул қилиш лозим.

Бу борада хотин-қизларнинг иштироки ортиб, ўтказилган кўплаб спорт тадбирларида қарийб уч ярим миллион қизларимиз қатнашгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Мана шу спорт мусобақаларида қатнашаётган уч ярим миллион нафар ёш қизларимиз эртага қандай соғлом ҳаёт кечириши, юртимизда соғлом авлодни вояга етказишга қандай катта ҳисса қўшиши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг! Бунинг тагида чуқур маъно бор. Нима учун мен доимо, қизларимизни спортга кўпроқ жалб қилинглари, майли, улардан чемпион чиқмасин, лекин улар соғлом бўлиб вояга етсин, деб куюниб гапираман? Чунки миллат соғлом бўлиши учун, албатта, эркак ҳам соғлом бўлиши керак, лекин биринчи навбатда аёл соғлом бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бу масалага ҳар куни, ҳар доим алоҳида эътибор беришимиз керак. Биз ўз аجدодларимиз билан нафақат фахрланишимиз, балки келажак авлодимиз улардан кўра кучли ва қудратли бўлиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Биз 2005 йилни юртимизда

«Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилганимиз замирида ҳам ана шу маъно ва мақсад мужассам. Буни ҳаммамиз яхши тушунишимиз керак.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича спорт секцияларига 2 миллион ўқувчи жалб қилинган бўлиб, уларнинг қарийб 40 фоизини қизлар ташкил қилади. Умуман, кейинги пайтда спорт билан шугулланаётган ўқувчи ёшлар сони 20 фоизга ортгани қувонарли ҳолдир.

2005 йил мобайнида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича “Шарқ гўзали” халқаро беллашувлари, яқинда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақалар ҳам республикамиз спорт ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Сиҳат-саломатлик йили” дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача жами 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу дастурни амалга оширишда фаол иштирок этган давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг минтақавий бўлимларига, халқаро хайрия тузилмаларига, саховатли ҳомийлар, умуман, шу олижаноб ишга ҳисса

кўшган эзгу ниятли барча инсонларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун «Сихат-саломатлик йили»нинг дастлабки яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, албатта, бу йилга шундай ном берганимиз ва шунинг ҳисобидан катта ишларни бажаришга эришганимиз ҳақида ҳар қанча мамнуният билан гапирсак, арзийди. Биргина юқорида зикр этилган рақам ва мисолларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Имкониятдан фойдаланиб, кўнглимдаги яна бир гапни айтишни жоиз, деб биламан. Агарки «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саъй-ҳаракатларимиз лоақал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоақал битта беморнинг шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам, биз 2005 йилга шундай ном беришимиз зарур, шарт эди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир савол туғилади: кириб келаётган ҳар қайси янги йилга эзгу ният билан маълум бир ном беришда биз қандай асосий мақсадларни кўзда тутамиз?

Аввало, шуни айтиш керакки, бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъ-

минлашни, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор вазифа деб белгилаб оламиз.

Шунинг учун ҳам ҳар сафар халқимизнинг бу масалага муносабатини атрофлича ўрганиб, кенг таҳлиллар ўтказамиз, шу тўғрида жиддий бош қотирамиз.

Нега деганда, янги йилга ном бериш ва шу асосда махсус дастур қабул қилиб, уни амалга ошириш шу юртда яшайдиган барча инсонлар учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир.

Албатта, ана шу йўналишдаги вазифа ва муаммоларни бир йилда тўла ҳал қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин, бутун эътиборимиз, моддий куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, дастурда белгиланган мақсад сари сафарбар этиш ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиб боришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Айни вақтда биз ана шу устувор вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбаларини аввал-бошдан аниқ белгилаб олишимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, марказий бюджет маблағлари билан бирга, жойлардаги ҳокимият идо-

ралари, нодавлат ташкилотлар, биринчи галда, фуқаролик институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар, қўлидан амалий иш, амалий кўмак бериш келадиган инсонларни ҳам шу эзгу ишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу борада тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш ҳам алоҳида ўрин тутати.

Муайян ижтимоий йўналишга қаратилган дастурни амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йўлда ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Албатта, бизнинг эзгу ниятларимиз, орзу-ҳавасларимиз катта бўлиши ва шунга мос равишда янги йилга қандайдир чиройли номлар ҳам бериш мумкин.

Лекин, ота-бобомиздан қолган “Ишқ — бошқа, ҳавас — бошқа» деган чуқур маъноли бир нақл бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг орзу-ҳавасларимиз катта, лекин ҳаммасини тарозига қўйиб, бир ўйлаб кўришимиз керак:

бугунги куннинг энг долзарб масаласи нима? Бизнинг асосий мақсадимиз нима ва уни нима ҳисобидан амалга оширамиз, бунинг учун қанча маблағ керак? Бу масалани кун тартибига асосий вазифа қилиб қўйишга халқимиз розими? Келгуси йил учун биз танлайдиган ном одамларга маъқул бўладими, йўқми? Авваламбор, масаланинг ана шу жиҳатларини ҳар томонлама пухта ўйлаб, кейин аниқ бир қарорга келишимиз зарур.

Бинобарин, ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз одамларнинг эътиборини жалб қилган, уларнинг кўнглидан чуқур жой олиб, шу ишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этган тақдирдагина кутилган натижани бериши муқаррар.

Муҳтарам ватандошлар!

Юқорида зикр этилган эзгу мақсад ва интилишларимиз қай тариқа амалга оширилаётганини яна бир бор ўзимизга аниқ тасаввур қилиш учун ўтган йилларга қандай ном берганимизни эслаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Барчангизга маълумки, 1997 йил юртимизда “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил — “Оила йили”, 1999 йил — “Аёллар йили”, 2000 йил — “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинган эди.

Шунингдек, 2001 йил — “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил — “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил — “Обод маҳалла йили”, 2004 йил —

“Меҳр ва мурувват йили”, жорий йил эса “Сиҳат-саломатлик йили” сифатида истиқлолимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Кўриниб турибдики, бу йилларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ.

Шу ҳолатларнинг ҳаммасини инобатга олиб ҳамда ҳаётни яхши биладиган одамлар билан атрофлича маслаҳатлашиб, фикр алмашиб, бир хулосага келдик.

Ўтган йилларда амалга оширган ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2006 йилни юртимизда **“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Балки, шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизлар, ҳомийлик ва шифокорлик тушунчалари бири бири билан қандай боғлиқ, деб савол қўйишингиз мумкин. Мен буни қисқача тушунтириб, изоҳлаб беришга ҳаракат қиламан.

Шу ҳақда гапирганда, авваламбор, бир фикрга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол.

Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу авваламбор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани.

Менинг фикримча, ҳомийлик ва саховат деган тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган “Аллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради” деган ҳикматни яна бир бор эслаб ўтмоқчиман.

Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Шунга эътиборингизни яна ва яна бир бор қаратмоқчиман.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, кадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Муқаддас Қуръони каримда зикр этилган “Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг” деган ҳикматли сўзларда қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Биз 2006 йилни нима учун «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қиляпмиз? Биз, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз, яхшилик ва муруватпарварлик эса мусулмончиликнинг асосий

қадриятларидан биридир. Бунга халқимиз азалдан катта эътибор бериб келган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз ўз ижтимоий-сиёсий тараққиётимизни ривожлантиришга қаратилган қандай янги дастурлар тузсак, авваламбор шу масалага алоҳида эътибор бериб келаямиз. Бундан кейинги режа ва тадбирларимизни ҳам айнан ана шу қадриятларга асосланган ҳолда ишлаб чиқишимиз ва бу биз учун асосий мезонлардан бири бўлиши шарт.

Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олиҳиммат юртдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қоламан.

Бундай савобли ишлар, очиғи, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, шерик бўлиб, одамни хасталиқдан озод қилишга интилиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Энг катта бойлиги жондан азиз боласи, жигарбанди бўлган бечора бир аёл, муштипар она-

ни кўз олдимизга келтирайлик. У кўзининг оқу қораси бўлмиш фарзандига шифо тилаб, керак бўлса, нажот сўраб шифокорнинг олдига келади.

Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу бола-ни даволар экан, ўзининг беғараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.

Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай эътиқод билан яшаётган минг-минглаб жонкуяр шифокорлар — етук жарроҳлар, моҳир кардиологлар, терапевт ва педиаторлар, заҳматкаш ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Кундалик ҳаётимизда, барчамизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизда айнан шундай ўз касбига садоқатли, профессионал тиббиёт ходимларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, шундай фидойи одамларни қадрлаш, уларнинг машаққатли, оғир ва масъулиятли меҳ-

натини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга биз етарли эътибор беряпмизми?

Мана, биз уста пахтакор, ғаллакор, ишчи ёки қурувчиларимиз меҳнатини улуғлаб, уларга қаҳрамонлик унвонларини берамиз, керак бўлса, ҳайкаллар ўрнатамиз. Бу инсонлар шундай юксак иззат-ҳурматга арзийди, албатта.

Аммо машаққатли меҳнати бошқа соҳа вакиллариликдан асло кам бўлмаган шифокорларга — Ибн Сино бобомизни ҳисобга олмаганда — бирорта ҳайкал қўйилганини эслай оламизми?

Бинобарин, нафақат давлатимиз ва жамиятимиз, балки барчамиз тиббиёт ходимлари олдида ҳали қарздор эканимизни унутмаслигимизни истардим.

Азиз дўстлар!

Кириб келаётган йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилар эканмиз, биз биринчи галда ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, бу масаланинг қонуний базасини яратишни, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантиришни кўзда тутамиз.

Шу мақсадда ҳомийлар бундай хайрли ишларни ўз ҳаётининг узвий бир қисми деб ҳис

қилиши учун уларга давлатимиз томонидан ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар яратиб бериш билан бирга, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш учун ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги низомни қабул қилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бир ўйлаб кўрайлик, ҳомий одам ўз даромадидан, бола-чақасидан орттириб бошқаларга ёрдам беради. Орамизда битта эмас, икки-учта машина минадиган, ҳатто ҳар йили машинасини алмаштирадиганлар ҳам бор. Лекин шундай инсофли одамлар ҳам кўпки, улар фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам ўйлайди. Нега деганда, биладики, Аллоҳ яхшилик қилсанг, албатта қайтади, деб буюрган.

Мана шундай саховатли инсонларга раҳмат айтиш керак. Уларнинг охиратни ўйлаб қилаётган хайрли ишларини биз тўғри тушунишимиз зарур. Мен шахсан Президент бўлиб, уларнинг беғараз ишлари учун имконият яратиш, шу болада баъзи бир солиқларини камайтириш бўйича имтиёзлар беришга ҳам тайёрман.

Айни пайтда бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Сир эмас — бугунги бозор муносабатлари шароитида кимдир ўзининг худо берган ақл-за-

ковати, куч-қувватини ишга солиб, астойдил меҳнат қилиб яхши яшайпти, кимдир эса ҳали мана шундай мураккаб шароитга тўла мослашиб ололгани йўқ.

Бизда ҳам шундай одамлар бор, буни тан олишимиз керак. Биз адолатли жамият қурмоқчимиз. Доим айтадиган гапимни бугун яна бир бор такрорлашни жоиз деб биламан. Ўзбекистонда ўта бой ҳам, ўта камбағал ҳам бўлмаслиги керак. Биз мана шундай жамият қурмоқдамиз.

Албатта, биз ўзбеклар гурур, ор-номус туйғусини ҳамма нарсадан баланд кўямиз. Бундай фазилатларни ҳамма миллатга ҳам бермаган. Шумаънода, биз халқимизнинг ор-номусини аяшимиз керак. Сен — камбағал, сен — қашшоқ, деб одамларни ажратмаслик, ҳеч қачон таъна қилмаслик керак.

Агар муҳтож одамга сидқидилдан, беғараз кўмак берилса, бундай ёрдам худонинг даргоҳида ҳам қабул бўлади.

Ногиронлар, етим-есирларга, ёлғиз қарияларга, муҳтож кимсаларга кўрсатиладиган ёрдамни кўз-кўз этмасдан, чин дилдан қилишимиз керак. Бугун давлатимиз мана шу ишларни амалга оширяпти, шу йўлда ҳаракат қиляпти, шу мақсадлар учун катта-катта маблағ ажратяпти, муҳтож инсонлар ва оилаларга маҳаллалар орқали мунтазам ёрдам беряпти.

Албатта, маҳаллалар орқали берилаётган маблағ етарли эмас. Мен Президент сифатида буни тан олиб, очиқ айтишим керак. Шунинг учун ҳам биз ҳомийлик фаолияти тўғрисида низом қабул қилиб, бу борада тегишли имтиёзлар берамиз, шунинг ҳисобидан ҳам муҳтож одамларга ёрдам кўрсатиш йўлини топамиз.

Давлат ва халқ бирлиги айнан ана шундай ишлар орқали мустаҳкамланади. Биз турли ижтимоий дастур ва тадбирларни ишлаб чиқишда шу омилга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Шифокорлар ҳақида гапирар эканмиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз даркор.

Куни кеча шу борада телевидение ва матбуотимизда “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қабул қилинган қарор эълон қилинди.

Бу қарорга биноан 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб тиббиёт ходимларининг ойлик тариф сеткасини такомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишининг мураккаблиги, билими ва тажрибаси ҳамда ўз касбини адо этишда,

одамларни даволашда қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда маош белгилаш ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шундай мезон асосида уларнинг иш ҳақи миқдорини 30 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Энди барчамизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган ана шу қарор олдимизга қўйган мақсадларни жойларда ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборат. Токи тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонлар — юқори малакали шифокорлардан бошлаб, оддий ҳамшира ва медицина хизматчиларигача бу қарорнинг амалий таъсирини ўз ҳаётида кўрсин.

Қадрли юртдошлар!

Ҳозирги пайтда давримиз муаммолари чиндан ҳам ўта кескин эканини сезиш, англаш қийин эмас. Мамлакатимизга нисбатан четдан бўлаётган жуда оғир, асоссиз тазйиқларни бошимиздан кечиряпмиз. Ён-атрофимизда нималар бўлаётганини кўряпсизлар.

Ана шундай вазиятни инобатга олиб, эртанги кунимиз, келгуси режаларимиз ҳақида ҳам ҳар томонлама ўйлашимиз, тегишли чоралар кўришимиз керак. Бир сўз билан айтганда, ўзимизни ҳар томонлама мустақкам ва бақувват қилиб олишимиз, доимо сезгир, хушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Нега деганда, ўзимиз ҳақида ўзимиз ўйламасак, четдан келиб бизга ҳеч ким ёрдам бермайди.

Билиб қўйинглар, дунёда беғараз ёрдам берадиган давлатнинг ўзи йўқ.

Ҳозирги вақтда турли ниқоблар остида мамлакатимизни “демократлаштириш” мақсадида ҳар хил нодавлат ташкилотларини кўпайтириш ва ривожлантириш учун беғараз ёрдам берамиз, деб жар солаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Русларда «Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади» деган гап бор.

Биринчидан, нодавлат ташкилотлари ҳақида, уларни четдан туриб молиялаштириш, уларга маблағ ажратиш тўғрисида гап борадиган бўлса, бунинг тагида айрим қудратли давлатларнинг юртимизга нисбатан узоқ ва давомли стратегик мақсадлари ётганини сезиш қийин эмас.

Бугун ҳаётнинг ўзи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ташқаридан маблағ оладиган ва четдан бошқариладиган нодавлат ташкилотлари ҳозирги пайтда ана шундай давлатлар ташқи сиёсатининг восита ва қуролига айланиб бормоқда.

Иккинчидан, агарда кимда-ким бизга ҳақиқатан ҳам беғараз ёрдам бермоқчи бўлса, бундай ёрдам биринчи навбатда сарф қилинадиган соҳалар кўп.

Бундай кўмакни авваламбор муҳтож табақаларга, маҳаллаларга бериш мумкин. Маҳаллалар кимга қандай ёрдам кераклигини яхши биледи. Нима учун қуриб бораётган, ўз атрофида яшаёт-

ган одамларнинг ҳаётига зомин бўлаётган Орол денгизига четдан ҳеч ким ёрдам бермаяпти? Нега Қорақалпоғистонда, Хоразмда, Бухорода оғир ва мураккаб экологик шароитда яшаётган одамларга ҳеч ким ёрдам бермаяпти?

Амалда нима бўляпти? Биттаси боради — айланиб келади, иккинчиси боради — айланиб келади, яна биттаси семинар ўтказилади, ҳа, аҳвол оғир, ёрдам бериш керак, дейди. Ўн беш йилдан бери шу гапни эшитамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, такрор-такрор айтаман, биз авваламбор одамларимизни рози қилишимиз керак. Биз қачон кучли ва қудратли бўламиз — қачонки одамлар бугунги тизимдан, бугунги ҳаётдан рози бўлса. Шундагина бу халқни ҳеч ким енга олмайди.

Ҳурматли дўстлар, азизлар!

Кириб келаётган янги йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз халқимизнинг эзгу фазилатларига уйғун бўлиб, айтилган вақтда «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий ва узвий давоми бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Албатта, ҳар йилги тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, биз янги йил бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб оламиз.

Мен бу борада ҳокимият идоралари, вазирликлар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар билан бирга, жамоатчилик вакиллари, умуман, шу эзгу ишга ҳисса қўшишни истайдиган ҳар бир киши ўзининг амалий таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этади, деб умид билдираман.

Агарки, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар – миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон – менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинглар, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ишончим комилки, ўзининг мустақил тараққиёт йўли давомида улкан довлонларни босиб ўтган, ҳар қандай синов ва машаққатларни енгилга қодир бўлган халқимизнинг буюк иродаси, азму шижоатига таяниб, биз ўз олдимизга қўйган янги ва юксак марраларга албатта етамиз.

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
13 йиллигига бағишланган тантанали  
маросимдаги маъруза,  
2005 йил 7 декабрь*

## **ЁШЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИШ, УЛАРНИНГ ТАШАББУС ВА САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ — БУГУНГИ КУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР**

2005 йилнинг 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, анъанага кўра, янги йил арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги янги қурилишлар, ободончилик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам бўлиб, бу ерда янгитдан қурилган ва тубдан реконструкция қилинган ижтимоий объектларни кўздан кечирди.

Шаҳарчада бунёд этилган мухташам «Маънавият ва маърифат» марказида мутасадди раҳбарлар ва бир гуруҳ талабалар билан бўлиб ўтган амалий мулоқот ва самимий суҳбат чоғида ёшларимизнинг бугунги ҳаёти, уларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши учун зарур имкониятлар яратиш, ёшларнинг қалби ва онгида миллий истиқлол ғоясини янада кучайтириш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳақида сўз борди.

Мамлакатимиз раҳбари талабалар шаҳарчасида амалга оширилган ишларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида фикр юритар экан, айниқса янги,

гўзал қиёфа касб этган ётоқхоналардаги шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратди.

Бу шаҳарчада эртага бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлиб ҳаётга кирадиган ёшлар яшайди ва билим олади, деб таъкидлади Президенти-миз. Лекин, афсуски, илгари, собиқ тузум даврида бу ётоқхоналарга 50—60 минг талаба жойлаштирилган-у, уларнинг тўлақонли яшаши учун тегишли инфратузилма яратилмаган, очигини айтганда, бу ҳақда етарлича бош қотирилмаган.

Бугун биз ўтмишдан қолган оғир меросни, ўша пайтда йўл қўйилган хато-камчиликларни босқичма-босқич тузатиб боряпмиз. Қилаётган бу ишларимизнинг амалий намоёнини ёшларга яратилаётган шароитлар, янгитдан қурилаётган ва таъмирланаётган объектлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Лекин беихтиёр шундай савол туғилади, деб ўз фикрини давом эттирди Ислом Каримов: нима учун бу ердаги аҳвол кечагина тамоман бошқача эди? Нима учун биз шундай аҳволга чидаб келдик? Нима учун аксарият олий ўқув юртларининг раҳбарлари ўз вазифасини фақат аудиториялардаги ишдан иборат деб билади?

Ахир, талабалар бор-йўғи тўрт-беш соат вақтини аудиторияда ўтказишади. Қолган вақтини-чи, қаерда ўтказишади? Улар шу вақт ичида қаерга боради, ким билан ошна бўлади? Бир сўз билан

айтганда, вақтини қандай фойдали ёки зарарли ишларга сарфлайди?

Дарсдан кейин нима қилишини билмай юрадиган талабага, табиийки, кимдир ўз таъсирини ўтказишга уринади. Бироқ ўйлаб кўрайлик — бу доимо ҳам соғлом таъсир бўладими?

Албатта, 18—19 ёшга кирган йигит-қиз ҳаётда ўз йўлини танлаб олишга қодир бўлади. Лекин бунинг учун нима керак — аввало шарт-шароит керак. Яъни, талабаларнинг замонавий билим олиши, соғлом турмуш кечириши учун тегишли имконият бўлиши зарур. Уларга шундай шароит яратиб берилса, ҳаётда ўз йўлини ҳам, ўз ўрнини ҳам адашмай топиб олади. Чунки уларнинг ақл-хуши етарли, қайси томонга бориш, ким билан дўст бўлиш, кимдан ўрнак-намуна олиш зарур — бу ёғини ўзи ҳал қилади.

Бу борада домлалар жамоасининг — ўқитувчи ёки профессор бўладими, декан ёки ректор бўладими — умуман, ўзини шу соҳага бағишлаган одамларнинг, қолаверса, барчамизнинг асосий вазифамиз — ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат, деди Президент.

Бугунги кунда эски шўро давридаги каби курук ташвиқот билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Ёшларда аввало ҳаётга қизиқиш, қизиқиш ва яна бир бор қизиқиш уйғотиш керак ва бу маънавий-маърифий ишларимизнинг негизини ташкил этиши лозим.

Аслида одамга қачон ва қандай шароитда таъсир ўтказиш, онги ва шуурига бирон ғояни сингдириш мумкин? Қачонки, унда ўша ғояга қизиқиш уйғонса. Одамнинг ўзида қизиқиш бўлмаса, табиийки, унинг миясига зўравонлик билан ҳеч нарсани сингдириб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Талабалар шаҳарчасининг ўзига хос меъморий қиёфаси бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди. Бу ерда қуриладиган ҳар бир иншоот алоҳида ёндашув билан бунёд этилиши зарур. Бу ишлар кимнинг номидан қилиняпти? Албатта, ота-оналар номидан, давлат ва ҳукумат, Президент номидан. Шунчаки у ёқ-бу ёғини бўяб, хўжақўрсинга қилинадиган ишлар, табиийки, ёшларда яхши таассурот қолдирмайди.

Айниқса, талабаларни спортга кенг жалб этиш мақсадида амалга ошириладиган қурилишларга алоҳида эътибор бериш лозим. Мисол учун, бу ерда барпо этиш мўлжалланаётган спорт бассейни масаласини олайлик. Аввало, бу иншоотни дунё андозаларига мос ҳолда қуришимиз керак.

Бироқ шуни рўкач қилиб, унинг нархини осмонга кўтариб юбориш ҳам ярамайди. Токи эртага бу ерга кириш, ундан фойдаланиш учун ҳамма талабаларнинг имконияти бўлсин.

Умуман, талабалар яшайдиган жойда ҳамма масала адолатли ҳал этилиши даркор. Чунки ёшлар таъсирчан бўлади, адолат бузилишини ҳаммадан ҳам кўп айнан ёшлар юрагига яқин қабул қилади.

Яна бир масала — талаба қизларимизнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши учун ҳар томонлама имконият туғдириб бериш керак. Боулинг, стол тенниси, бадий гимнастика каби спорт турларини қизларимиз учун энг ёқимли, керак бўлса, давр талаб қиладиган спорт ўйинлари, десак, тўғри бўлади.

Мана, бизда қизларимиз орасида стол тенниси бўйича Намангандан, Навоийдан чиққан жаҳон чемпионлари бор. Уларнинг ютуқларини кўриб, эшитиб, одам ҳайратда қоладики, эндигина 16—18 ёшга кирган ўзбек қизлари Ватанимиз номини бутун дунёга тараннум этяпти.

Қисқача айтганда, талабаларнинг бўш вақтини фойдали машғулотларга жалб этиш учун бор имкониятларнинг ҳаммасини ишга солишимиз лозим.

Президент Ислон Каримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қараш-

ли тураржойларни жиҳозлашда, аввало, ёшлар эркин нафас оладиган, уларнинг мустақил фикри ва эътиқодини мустаҳкамлайдиган, муҳими, ўзи ва атрофдагиларга бўлган ишонч, ҳурмат ҳиссини кучайтирадиган ижтимоий-маънавий муҳит яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Масалан, талабалар тураржойига кираверишда ўрнатилган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган турникетлар хавфсизлик ва тартиб-интизомни таъминлашни кўзда тутаяди, деди Юртбошимиз. Тартиб-интизом керак, албатта, лекин масалага бир томонлама ёндашиб, шахс эркинлигини қандайдир чеклаб қўйиш ярамайди.

Аслида бу биноларнинг эгаси ёшлар эканини унутмаслик, бинобарин, уларни ҳар қадамда тергаш эмас, ҳар бир йигит-қизда ўз тураржойига нисбатан меҳр уйғотиш ҳақида кўпроқ ўйлаш лозим. Токи улар ана шу жойларни ўз хонадонларидек асраб-авайлашни талабалик бурчи сифатида англайдиган бўлсин.

Замонавий мебеллар, зарур жиҳоз ва техника воситалари, маиший ускуналар билан таъминланган компьютер ва спорт заллари, ювенил хоналари, кутубхона ҳамда ошхоналар билан таъминланган экан, Президентимиз бу шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ёшларимизнинг маданий савиясини оширишга хизмат қилади ва айтиш пайтда уларнинг билим ва тафаккури, дунё-

қарашига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент техника университетига қарашли талабалар тураржойларида ёшларнинг яшаш шароити, дам олиб ҳордиқ чиқариши учун намунали шароит яратилгани барчамизни мамнун этади, деб ўз сўзини давом эттирди Ислом Каримов. Бундай имкониятларни Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги талабалар тураржойларида ҳам вужудга келтириш даркор.

**Шундан сўнг Президентимиз бир гуруҳ талабалар билан суҳбатлашди, уларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари ва келажақдаги режалари билан қизиқди.**

**Ислом Каримов.** Менинг биринчи саволим шуки, сизлар қаердансиз, қайси олий ўқув юртиларида ўқийсиз?

**Нодира Алиохунова.** Мен Тошкент давлат техника университетининг энергетика факультети, 2-курс талабасиман, асли фарғоналикман.

**Ислом Каримов.** Нима учун айнан энергетика факультетига кирдингиз?

**Нодира Алиохунова.** Бугунги кунда дунёда энергетика соҳасига талаб жуда кучли. Худо хоҳласа, мен шу танлаган касбимнинг етук мутахассиси бўлиб, Ватанимнинг янада тараққий этишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

**Ислом Каримов.** Албатта, энергетика келажакда янада муҳим роль ўйнайдиган тармоқ. Лекин энергетика масаласини ҳозир дунёда кўпчилик бошқача тушунапти. Яъни, кимда-ким нефть ва газ захираларига ҳукмронлик қилса, дунёга ҳукмрон бўлиши мумкин, деган қарашлар кучайиб бормоқда. Ва аксинча — кимдаки шундай ресурслар бўлмаса, нефть-газ, умуман, углеводород хом ашёсига эга бошқа давлатларга нисбатан турли хилдаги хуружга ўхшаб кетадиган ҳаракатлар ҳам содир бўляпти. Чунки қудратли давлатлар яхши биладики, мана шундай бойлик кимнинг қўлида бўлса, у бошқаларни ўз таъсирига олишнинг калити, воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шу йилнинг 14 май куни Андижон воқеалари муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида мен хорижий мухбирларга, нима учун океан ортидаги айрим катта давлатлар ўзининг демократия моделини олға силжитиш масаласида асосий эътиборни фақат углеводород захирасига бой ҳудудларга қаратади, деган савол билан муурожаат қилган эдим, бирортаси ҳам жавоб бера олмади.

Чунки бунинг тагида бошқа нарса бор. Нима учун бундай давлатлар Яқин Шарқ минтақасида демократия ўрнатмоқчи? Нима учун бундай ҳаракатлар Каспий денгизи атрофидаги мамлакатлар-

да, Марказий Осиё минтақасида айниқса кучайиб боряпти?

Боиси — бу ҳудудлар, жумладан, бизнинг заминимиз табиий ресурсларга бой. Энергетика — тараққиётнинг калити, керак бўлса, манбаи. Бугунги кунда энергетика соҳаси тараққий этмаса, бирон-бир соҳа ёки тармоқ ривож топмайди. Нафақат ишлаб чиқариш соҳаси, балки одамзотнинг кўпгина кундалик эҳтиёжларини қондириш масалалари ҳам ҳар жиҳатдан энергетикага бориб тақалишини, шу сабабли бу масала ҳозирги вақтда муҳим геополитик масалага айланиб бораётганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиз. Шунинг учун сиз танлаган касб албатта керак.

**Хуршида Рапиева.** Мен Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан келганман. Ҳозирда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг I-курсида давлат гранти асосида таҳсил оляпман.

**Ислом Каримов.** Жуда яхши, сизнинг интилиш ва орзу-ниятларингиз, ўйлайманки, нафақат мени, балки бугунги ёшларни ҳам қизиқтирса керак. Тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гапирганда бир иборани ишлатсак, ҳаммаси аён бўлади. Яъни, тарихни билмаган авлоднинг келажаги йўқ.

Шу биргина ибората ҳамма нарса айтилган. Тарихни билмаган, тарихдан сабоқ олмаган ин-

сон нафақат олис ва яқин аждодлари қандай яшагани, ўзи мансуб бўлган миллат қандай шаклланганини, балки келажагини ҳам тасаввур қилолмайди.

Ўзингиз ўйланг, агарда биз Амир Темур бобомиз фаолиятини, у яшаган даврни, умуман, бутун дунё тан олган бой тарихимизни билмасак, шу заминдан етишиб чиққан буюк мутафаккирларимизнинг мероси билан таниш бўлмасак, келажаги буюк давлат қуришимиз мумкинми? Шунинг учун ҳам бир ҳақиқатни доимо ёдда тутишимизни истардим: бизнинг келагимиз, эртанги кунимиз тарих билан, кечаги ҳаёт билан узвий боғлиқ. Шу маънода, табиий савол туғилади: инсонда ғурур қачон пайдо бўлади?

**Дилрабо Жўраева, Тошкент давлат техника университети иқтисодиёт-менежмент факультетининг 3-курс талабаси.** Ғурур-ифтихор туйғуси — Ватан тарихини билган, ўзини англаб етган инсондагина пайдо бўлади. Инсон қачонки ўзининг она юрт фарзанди эканини англаса, аждодлари амалга оширган, мерос қолдирган ишларни кўриб, тушуниб, қадрига етса, буларнинг барчаси унда ғурур уйғотади.

Мисол учун, биз бугун ўзимиз яшайдиган Талабалар шаҳарчасида яратилган мана шундай қулай шароитларни кўриб, қалбимизда ғурур

ҳислари пайдо бўлмоқда. Масалан, мен шундай шароитларда ўқиб, билим олишга муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Мен иқтисодчи бўлмоқчиман, келгусида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг иқтисодиётини кўтариш, уни янада ривожлантириш, қазиб олинаётган хом ашёнинг сифатини ошириб, стратегик аҳамиятга эга бўлган захирани давлатимиз равнақи учун хизмат қилдиришга ҳисса қўшишни ният қилганман.

**Ислом Каримов.** Раҳмат. Ифтихор ҳақида гап кетганда, рухсат берсангиз, бу масала бўйича мен ҳам ўз фикримни билдирсам. Биласизми, гурурифтихор одамда қачон пайдо бўлади? Авваламбор, инсон салоҳиятга эга бўлган тақдирда. Бундай одамда табиий гурур пайдо бўлади ва у, мен кимнинг авлодиман, қандай катта куч ва имкониятга эгаман, деган ифтихор туйғуси билан яшайди. Такрор айтаман, гурур дегани — бу салоҳият дегани.

Шу билан бирга, фахру гурур соҳиби бўлиш учун инсон интеллектуал бойликка эга бўлиши керак. Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни яхши билса, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина унда гурурифтихор бўлади. Шундагина жуда мураккаб, таҳликали дамларда ҳам кўпчилик унга мурожаат қилиб, маслаҳатла-

шади. Маслаҳат кимдан сўралади — авваламбор, салоҳиятли одамдан, катта фалсафий билим ва интеллектуал бойликка эга бўлган кишидан.

Шунинг учун бу ҳақда гапирганда биз нафақат Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларимиз, балки муқаддас заминимизда хоклари ётган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёларимиз билан ҳам ғурурланишимиз керак. Улар қолдирган буюк меросга биз, уларнинг авлоди бўлиб, нима улуш қўшамиз, бу бойликни кўпайтиришда бизнинг ҳиссамиз қандай бўлади, деган саволни ҳар қайсимиз, авваламбор ёшлар, ўзимизга бериб яшашимиз лозим. Шундагина аждодларимизга муносиб бўлиб, уларнинг ишини давом эттириш учун белни маҳкам боғлаб, интиламиз, ўзимизга қандайдир куч-қувват топамиз. Табиийки, буларнинг барчаси фахр-ифтихор туйғуси, унинг амалий намоёни бўлиб, бизнинг ҳаётимизда ўз натижасини беради.

Сиз қайси олий ўқув юртида ўқийсиз?

**Жавоҳир Қудратов.** Мен Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-курс магистрантиман.

**Ислом Каримов.** Келгусидаги мақсадингиз нима?

**Жавоҳир Қудратов.** Мақсадим — матбуот орқали давлатимиз ва халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳолис журналист бўлиш ва шу йўлда бор куч-ғайратимни сарфлаш.

**Ислом Каримов.** Биласизми, чиройли йигит экансиз, гапларингиз ҳам маъноли, ниятингизга етинг. Менинг орзуим шуки, ўзбек йигит-қизларидан ҳам чет тилларни чуқур биладиган, дунёда тан олинган, халқаро майдонда танилган журналистлар чиқса.

Маълумки, ҳозир телевидение ва ахборот коммуникациялари жуда тез суръатлар билан ривожланиб борапти. Шундай пайтда, қани эди, бизнинг миллатимиздан ҳам ана шундай журналистлар чиқса, деб ҳавас қилиш, ўйлайманки, ўринлидир.

Афсуски, бизнинг шарҳловчиларимиз шу даражага кўтарила олмаяпти, ҳамон заиф бўлиб қоляпти. Шунча имкониятлар бўлатуриб, нима учун журналистларимиз халқаро майдонга чиқолмаяпти? Нима учун ганимларимиз юртимиз, халқимиз ҳақида турли афсонаю бўҳтонларни тарқатганда уларнинг аксарияти жим туради? Ҳеч бўлмаса, ўзимизнинг матбуот, телевидение орқали дадил, ҳар томонлама асосланган маълумотлар билан ҳақиқатни очиб бериш мумкин-ку!

Ҳолбуки, бугун одамларни жуда кўп масалалар қизиқтиради. Ҳозирги пайтда пойтахтимиз,

вилоят ва туман марказлари ўз йўли билан, ҳатто олис қишлоқларда яшайдиган болалар ҳам аввалгидан ўн чандон ўткир. Улар билан гаплашсангиз, шундай саволларни берадики, уларга ҳамма ҳам жавоб тополмайди.

Менинг фикримча, журналист албатта маълум бир соҳага ихтисослашган бўлиши керак. Мен журналист касбининг нақадар оғир ва мураккаб эканини тан оламан. Журналист бўлиш учун истеъдод ва маҳорат, билим ва тажрибадан ташқари жасорат ҳам керак.

Агар Аллоҳ иқтидор бермаган бўлса, журналист бўлиш мушкул. Журналистнинг нафақат қалами, балки зеҳни ва мантиқий тафаккури ҳам ўткир бўлиши керак. У воқеаларнинг мантиқий ҳалқасини топиб, ҳақиқатни юзага чиқара оладиган, ҳар қандай рақиб ёки оппонент билан тортишишга, мунозара юритишга қодир инсон бўлиши лозим. Оғир карвон бўлиб, уялиб, тортиниб юриш журналистларга тўғри келмайди. Журналист ҳаётнинг ҳеч бўлмаса бир соҳасини ҳар томонлама чуқур эгаллаган, шу бўйича ихтисослашган бўлиши лозим. Шундай журналистгина таҳлилий тафаккур ва таъсирчан услуб соҳиби бўлиб, ўта мураккаб масалаларни ҳам оддий ва тушунарли тилда ифодалаб одамларга етказиши, уларнинг ҳис-туйғуларини уйғота олиши мумкин.

Бугунги жамият аъзолари ана шундай журналистга қулоқ солади, унинг гапларига ишонади. Телевидение ёки радио, газета ёки журнал бўладими — қаерда чиқиш қилмасин, ҳамма унинг фикри билан танишишга ҳаракат қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор бериб келинмоқда. Айни вақтда журналист кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу борада журналистларнинг муайян соҳаларга ихтисослашувини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик ўқув курсларининг ташкил этилиши ҳам радио, телевидение, матбуот учун юқори малакали кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу курсларда биринчи навбатда олий ўқув юртини битириб, маълум бир касб соҳасини эгаллаган кишилар журналистиканинг сир-асрорини ўрганиши, қаламини чархлаши керак. Шундан кейин журналист, ўйлайманки, воқеликка дилетантлик билан саёз ва юзаки ёндашиш хавфидан халос бўлиши мумкин.

Адабиётга қизиқадиган айрим ёшлар журналистика факультетига ўқишга киришга, келгусида шу касбни эгаллашга қизиқади. Хўп, боланинг табиий истеъдоди бўлса, у келажакда шоир

ёки ёзувчи бўлиб етишиши мумкин. Аммо, баракка топкур, журналистика бу — бошқа масала. Бадиий ижод билан журналистиканинг фарқи бор. Бадиий ижодда хаёл, тафаккур, фантазия иш бериши мумкин. Чунки у аниқ билим ва далилларни кўп ҳам талаб қилавермайди.

Журналист авваламбор публицист бўлиши зарур. Лекин ҳозирги пайтда журналистикада бирон соҳани чуқур билмасдан, аниқ ихтисосликка эга бўлмасдан туриб, жиддий бир нарса ёзиб бўладими? Ахир, журналистнинг ҳар бир сўзи қанча-қанча одамлар, ташкилотлар, қолаверса, бутун жамият ҳаётига дахлдор бўлади.

Масалан, бирон-бир редакция ёш журналистни бир корхона ёки вилоят ҳаётини, у ердаги ислохотлар жараёнини ўрганишга юборади. Айтинг-чи, агарки унинг аниқ ихтисослиги, ҳаётий тажрибаси бўлмаса, нимани ўрганади ва қайси томондан ўрганади? Етарли билими бўлмагач, нима қилади — одамлар, раҳбарлар айтган гапни қуруқ қоғозга тушириб, шундан хулоса чиқариб, мақола тайёрлайди. Лекин ўзининг мустақил фикрига эга бўлган журналист авваламбор қаламга олаётган мавзунини қалби ва юрагидан, бутун вужудидан ўтказди. Шундан кейингина унинг тайёрлаган мақоласи ёки кўрсатуви одамларда қизиқиш уйғотиши, ижтимоий ҳаётга қандайдир таъсир кўрсатиши мумкин.

Суҳрат жараенида давлатимиз раҳоари маънавий-маърифий тарбия масалаларига алоҳида тўхталди.

Биз бугунги ҳаётимиз, хусусан, ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб ўсиб-улғайиши, жамиятда ўз ўрнини топиши билан боғлиқ масалаларнинг маънавий томонига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Баъзи ёшларимиз лавозим поғоналарида тезроқ ўсиш ва улғайишни хоҳлайди. Уларни бунга ким даъват қилади? Албатта, ота-онаси. Улар, сен ҳам бошқалардек катта ишларга кўтарилгин, масъул вазифаларни эгаллагин, дейди. Одатда кексаларимиз ҳам дуойи фотиҳа қилганда, мартабангиз улуғ бўлсин, янада ошсин, деган гапларни айтади.

Бундай ният ва тилаклар албатта яхши. Лекин, менга буюрса, ёшларни дуо қилганда, аввало инсон бўл, бир касб ёки ҳунарни чуқур эгалла, ота-онангни, эл-юртингни рози қил, деган сўзларни айтсак, янаям яхшироқ бўларди.

Иккинчидан, ҳақиқий инсон етук мутахассис бўлиш билан бирга, юксак маънавият эгаси ҳам бўлиши лозим.

Бу ҳаётда кимгадир раҳбарлик қилиш учун эса кўп ўқиб-ўрганиш, бошқаларга ҳар томонлама ибрат бўлиш зарур. Раҳбарлик қилиш дегани —

бу кимгадир талаб қўйиш, одамларни бошқариш, уларга иш ўргатиш, масъулиятни ўзига олиб, қатъият кўрсата олиш дегани. Энди ўйлаб кўринглар, бирдан юқори мансабга кўтарилган одам бу фазилатларнинг барчасини қандай эгаллайди? Амал зинасидан жуда тез кўтарилган одамнинг бу борада мўрт ва заиф бўлиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Ахир, лавозим курсисига ўтириб, оғир ва масъулиятли вазифалар бўйинга тушгандан кейин ўқиб-ўрганишга, орқага қайтиб бошқатдан талаба ёки шогирд бўлишга имкон бўлмайди. Шунинг учун, сизларга қарата, эй болаларим, эшитинглар, деб мурожаат қилмоқчиман: эртага бирданига кўтариламан, катта амалдор бўламан, мансабга эришаман, деб яшашни ўзингизга эп кўрманг. Мансабга интилиб яшаш — бу аслида энг хунук одат.

Агар яхши инсон, етук мутахассис бўлсангиз, мана шу замин манфаатлари йўлида ёниб яшайдиган бўлсангиз, эл-юртнинг, ҳаётнинг ўзи сизни кўтаради. Халқимизда нарвонга ҳам аста-секин чиқилади, деган гап бор. Ҳеч қачон унутманглар, бу дунёда ҳамма нарса аста-секин, ўз йўли билан бўлади.

Очиғини айтадиган бўлсам, мени доимо ҳар томонлама қийнаб келадиган муаммо шуки, бирор масъул лавозим, айтайлик, бирорта вазир-

нинг ўрни бўшаса, шу жойга муносиб одам топиш — мен учун энг оғир масала. Бу ҳаётда турли қийинчилик ва синовларни бошидан кечирган, қуйи ва ўрта лавозимларда ишлаб, тажриба ортирган, дунёнинг пасту баландини кўрган одамгина эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор топади, раҳбарликнинг машаққатли юкини кўтаришга тайёр бўлади.

Аввало, инсон бўлиш, малака ва тажриба ортириш, ҳаётдан зарур сабоқ чиқариш, кўпроқ билимга эга бўлишга ҳаракат қилсангиз, бас — қолгани ўзи келаверади. Мен бу гапларни кўпни кўрган, кўп жойда ишлаган одам сифатида айт-япман.

Қани, суҳбатимизни давом эттирсак. Сиз қаерда ўқийсиз?

**Камола Эрматова.** Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, биз, энг аввало, ёшларга бу қадар катта эътибор бераётганингиз учун сизга чин дилдан ташаккур билдирмоқчимиз. Сизнинг фармонингиз билан 1999 йил 10 июнда юртимизда Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган эди. Мен ана шу юксак мукофот совриндорларидан бири бўлганимдан ҳақли равишда фахрланаман.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабасиман. Биз журналистикани оламни титратадиган соҳа, деб

биламиз. Журналистика, етук кадрларга эга бўлса, жуда кўп жойларга кириб бориши мумкин.

**Ислом Каримов.** Журналистика дунёни яхши маънода титратса, майли, мен қарши эмасман (*кулги*). Сиз нима дейсиз?

**Бахтиёр Маъруфбоев.** Аввало, ўзимни таништириб ўтсам: мен Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг I-курс магистрантиман. Донишмандлар, зийрак ва огоҳ одам ҳамма нарсадан ҳикмат топиши мумкин, деган экан. Шунинг учун мен фалсафа фанини, оламнинг моҳияти, жамият ва табиат уйғунлиги ҳақидаги билимларни ўрганмоқчиман.

**Ислом Каримов.** Дарҳақиқат, фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам — медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар — ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор.

Фалсафанинг ўзагини ташкил этадиган диалектика фани бўйича ҳозир олий ўқув юртларимизда қандай дарсликлар бор? Дунёни диалектик нуқтаи назардан баҳолашда, бугунги ўта му-

раккаб ва шиддатли жараёнларни англаш, уларга муносабат билдиришда қайси йўналишлар сизларга маъқул? Бизда шўро давридаги фалсафий қарашлар, афсуски, ҳали-бери ўз таъсирини сақлаб келяпти. Мисол учун, ўша пайтлари Кант, Гегель, Фейербах, Ницше, Вейсман, Фрейд каби Ғарб файласуфларининг назариялари мутлақо ўрганилмас, уларнинг ғоялари фақат асоссиз танқид қилинар эди.

Бу масалада бундай бир ёқлама қарашлардан мутлақо воз кечиш лозим. Ўйлайманки, ана шундай файласуфларнинг таълимотига ҳали ҳам шубҳа билан қараб, уларни ўрганмайдиган бўлсак, билиб қўйинглар, ўзимизни, фалсафий тафаккуримизни анча чеклаб, ғариб-камбағал қилиб қўйган бўламиз. Қайсидир файласуф, бизга ёқадими-йўқми, бундан қатъи назар, унинг асарларини барибир билишимиз, ўрганишимиз керак.

Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш — давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ били-

шимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман.

Мисол учун, фалсафада сабаб ва оқибат деган категория бор, сизлар уни қандай тушуна- сиз? Агар вақтим бемалол бўлганда, бу ҳақда батафсил гапиришим мумкин эди.

Афсуски, ҳаётда биз кўпинча сабаб ва оқибат ўртасидаги доимий боғлиқлик ва муносабатларни тушунмаймиз. Биз амалий ҳаётимизда кўпинча оқибатни сабаб ўрнида қабул қиламиз, сабабни эса оқибат деб тушунамиз. Аслида, сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликнинг ўзи диалектикадир.

Мана, демократия ҳақида кўп гапирамиз. Биз, албатта, Европани ҳам, Американи ҳам, Япония- ни ҳам, улар танлаган демократия йўлини ҳам ҳурмат қиламиз. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, кимлардир четдан туриб ўзининг демократия моделини бизга ҳам жорий қилишга уринмоқда.

Биз уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, ўзига хос қарашлари, фалсафаси борлиги ва ҳар бирининг тараққиёт йўли ана шу қадриятларга асослани- шини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундай экан, нима учун дунёнинг нариги бир чеккасида шаклланган, универсал модель сифатида мақта- лаётган демократия модели бошқа бир мамла- катда, дейлик, бизнинг юртимизда зўравонлик билан ўрнатилиши керак?

Ахир, бизнинг минг йиллар давомида шакланган, неча-неча замонлар синовидан ўтиб, безавол яшаб келаётган ўзига хос урф-одат ва қадриятларимиз, турмуш тарзимиз, умуман, бошқалардан ажралиб турадиган миллий хусусиятларимиз бор. Модомики шундай экан, кимлардир оғиз кўпиртириб мақтаётган ўша «универсал демократия модели» бизнинг муқаддас динимизга, ҳаёт тарзимиз ва қарашларимизга, миллий манфаатларимизга қанчалик тўғри келишини ўйлаб кўришимиз лозим.

Мана, кўринглар, Европада, Фарб дунёсида нима бўляпти? Англиялик Элтон Жон деган таниқли бир қўшиқчи эркак бўлатуриб бошқа бир эркак билан оила қурибди. Инсонийликка мутлақо зид бўлган бундай ахлоқсизликни ҳам кимлардир «демократия», «эркинлик» намунаси сифатида бутун дунёга тарғиб қиляпти. Эй барака топкур, бу ахир демократия эмас, одамларни йўлдан оздирадиган қипқизил бузғунчилик эмасми?

Ахлоқ-одобни инсоннинг энг катта бойлиги деб биладиган бизнинг динимиз буни ҳеч қачон қабул қилмаслигини яхши биламиз. Лекин буни қайси дин қабул қилади? Христианлик қабул қилади — йўқ. Хўш, шундай фалсафа, шундай демократия, шундай ҳаёт тарзи бизга тўғри келадими?

Агар демократия ниқоби остида шундай бе-маза ишлар қилинадиган бўлса, бунинг асл мақ-

сади ва сабаби, илдизини аниқламасдан, теран англамасдан туриб, тўғри хулоса чиқариб бўладими? Шунинг учун ҳам фалсафани, диалектикани чуқур билиш керак.

Такрор айтаман, ҳаёт — бу диалектика дегани. Чунки ҳаётдаги барча воқеалар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Қани, яна ким гапиради?

**Азамат Назаров.** Мен Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология бўлимининг 1-курс аспирантиман. Асосий йўналишим ижтимоий психология бўлгани учун ҳозирги кунда Куролли Кучларимизда хизмат қилаётган аскар ва офицерлар фаолияти мисолида ҳарбий психология бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб боряпман. Шу билан бирга, ўзимнинг махсус дастуримни тузмоқчиман.

**Ислом Каримов.** Яқинда Тошкентда Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг филиали очилишидан хабардормисиз?

**Азамат Назаров.** Бундан хабарим бор.

**Ислом Каримов.** Психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири, десак, тўғри бўлади. Ана шу филиалнинг очилиши муносабати билан Россиядан психология бўйича ҳам етук мутахассислар келади. Психологияни ўрганиш — ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб одам-

ларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак. Бунинг тагида жуда катта маъно бор.

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Нафосат» клуби ташкил этилган бўлиб, у ерда қизларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг эстетик дидини шакллантириш, аynиқса, кийиниш маданияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бўлиб ўтган эркин ва самимий суҳбат чоғида кийиниш борасида миллийлик ва замонавийликни уйғушлаштириш хусусида ҳам давлатимиз раҳбари ўз фикрларини билдирди.**

Мен шунинг тарафдориманки, кийиниш маданиятида албатта миллийлик бўлиши керак, деди Ислом Каримов. Бироқ, миллийликни қандайдир бир ёқлама тушуниш ҳам нотўғри. Аслида, бу масалада ҳам эркинлик бўлиши зарур.

Агар ҳозирги пайтда кийиниш борасида ҳаёт нимани талаб қилади, деб сўрасангиз, мен мутахассис эмасман-у, лекин ўз фикримни айтишим мумкин. Биринчи талаб — эркинлик. Одам ўзини ҳар қандай либосда ҳам эркин ҳис қилиши керак. Мисол учун, баъзи бир ёшлар тор оёқ кийим кияди. Балки бу модадир, лекин инсон бу пойабзални кийганда бемалол юролмаса, бундай мода ўзини оқлайдими?

Шунинг учун, мода — мода билан, аммо одам ҳар қандай либосда ҳам ўзини эркин сезиши ло-

зим. Демак, аввало эркинлик, ундан кейин мода бўлиши керак. Умуман, бу икки талаб ўзаро уйғунлашиши, эркинлик албатта мода билан ёнма-ён юриши зарур.

Қолаверса, кийим танлаш ва кийинишда ёшларимиз миллий турмуш тарзимизга, Ўзбекистон шароитига, иқлимимизга мос жиҳатларни инобатга олишса, фойдадан холи бўлмайди. «Нафосат» клуби фаолиятини амалга оширишда ана шу фикрларни ҳам эътиборга олсангиз, маъқул бўларди.

Мана, бугун шундай гўзал ва шинам турар-жойлар сизларнинг ихтиёрингизга берилмоқда. Бундай уй-жойларни қуришдан асосий мақсад — ёшларнинг қалбидаги жўшқин интилиш ва ҳавасларни, керак бўлса, талабларни рўёбга чиқаришдан иборат. Шунинг учун менинг ниятим, менинг даъватим — бундай уй-жойлар янада кўпайсин.

Энди бу биноларни кўз қорачиғидай асраб, бу ердаги шароитлардан оқилона фойдаланиш сизларнинг ўзингизга, ҳар бирингизнинг тириш-қоқлигингиз ва ташаббускорлигингизга, янгиликка интилиб яшашингизга боғлиқ. Агарки бу шароитларни қадрлаб, ёшликнинг ҳар дақиқасини ганимат билиб, қунт билан ўқиб-ўргансангиз, камолотга эришиш учун астойдил интилсангиз, биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар сизлардан албатта рози бўламиз, сиз билан фахрланиб яшаймиз, деди пировардида Ислом Каримов.

## **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ**

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги — 2006 йил билан қизгин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари — юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ

фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислохотларни янада чуқурлаштириш, юртошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожиди, авваламбор, иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг қўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда — муҳтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолизмнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айна навқиронлик, балоғат палласига қадам кўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустақкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги

Йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови — авваламбор, ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга  
бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.

Биз ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даража-

сида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахл-сизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бар-тараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуро-л-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишларни амалга оширдик.

Бизнинг Қуро-лли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этиш бўйича қабул қилган Давлат дастуримиз Марказий Осиё минтақасидаги шид-дат билан ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлилига, ҳудудимиз хавф-сизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва реал хатарларни ҳисобга олишга, мамлакатимизнинг му-дофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга асосланган.

Бугунги кунда Қуро-лли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш, армиянинг ташкилий тузилишини тубдан ислоҳ қилиш ва мустаҳкам-лаш, барча кўшин турлари, ҳудудий округлар, қисм ва бўлинмаларнинг хатти-ҳаракатларини яхлит тузилма сифатида уйғунлаштириш мақса-дида иш олиб борилмоқда.

Армиямизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказиш жараёни деярли

ниҳоясига етмоқда. Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати тизими ўзини тўлиқ оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаш ва чиниқиш мактабини ўтамоқда, ўзининг эл-юрт учун кераклигини яна бир бор ҳис этмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.

Ҳарбий хизматчилар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2005 йилда уларнинг ойлик маошлари ўртача 35 фоизга оширилди, ҳарбийларни резервга бўша-

тишда тўланадиган тўловлар ҳажми эса икки марта кўпайтирилди, ҳарбий мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа тўлов турлари белгиланди.

Бу масалаларни ечиш учун зарур молиявий манбалар излаб топилмоқда, жумладан, қўшинларни модернизация қилиш жараёнида тежалган маблағлар ҳам шу мақсадларга йўналтирилмоқда.

Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда. Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўллари танилашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар

мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Азиз ватандошларим!

Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни, ўйлайманки, яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия каби балоқазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

Кейинги вақтда биз турли бузғунчи ва муайян ташқи кучларнинг юртимиздаги вазиятни издан чиқариш, конституциявий тузумни ағдариш, ўзларининг узоқни кўзлаган қабих режаларини амалга ошириш ва мамлакатимизнинг мустақил ташқи сиёсат йўлини ўзгартириш, ўз стратегик манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт моделини зўравонлик билан жорий этишга қаратилган уринишларининг гувоҳи бўлдик.

Лекин бу кучлар энг асосий омилни — халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслигини ҳисобга олмади.

Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли кўрилмаган тазйиқларга, тухмат ва уйдирмалар оқимиغا мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз.

Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Куролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз, албатта.

Бугун бу масала биз учун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бизнинг бу борадаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, минтақамизда содир бўлган ва рўй бераётган воқеалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инобатга олиш, хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, одамларимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Куролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш.

Биз бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан бутунлай халос бўлишимиз, ҳарбийларимиз, айниқса, қўмондонлик ва раҳбарлик лавозимларида ўтирган шахсларнинг ўз иши учун талаб-

чанлик ва масъулият ҳиссини оширишимиз даркор;

**иккинчидан**, қўшин турлари ва Куролли Кучларимиз қисмларининг уйғун ва тезкор ҳаракат қилишига, уларнинг жойлардаги ҳокимият органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эришиш мақсадида армиямизнинг ташкилий қурилиши ва ҳарбий бошқарув тизimini такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур;

**учинчидан**, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Бу ўта муҳим масала армиядаги хизматни, барча бўғиндаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда, ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш;

**тўртинчидан**, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни

замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратиш. Курсантлар, билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини битирувчиларнинг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият бериш;

**бешинчидан**, қўшинларнинг юксак жанговар қобилияти ва самарадорлигини, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида уларни энг замонавий қурол-яроғ ва техника, махсус жиҳоз ва аслаҳа билан таъминлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси сифатида қараш. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни модернизациялаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.

Юқорида зикр этилган барча вазифаларни бажаришнинг энг асосий шарти — ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятимизнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарур.

Қадрли дўстлар!

Бугунги байрам кунда Куролли Кучлар сафларида ўз хизмат бурчини шараф билан адо этаётган барча Ватан ҳимоячиларига, захирадаги аскар ва офицерларга мурожаат қилар эканман, бизнинг армиямиз юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, мусаффо осмонимизни доимо муносиб ҳимоя қила олади, деб қатъий ишонаман.

Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари кун билан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ислол КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

## **МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР**

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Сенат фаолияти хусусидаги ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Сенатимиз иш бошлаганидан буён роппа-росса бир йил ўтмоқда.

Албатта, ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун катта муддат эмас. Лекин, шундай бўлса ҳам, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон бор, деб ўйлайман.

Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, Сенат фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан қисқа ташкилий даврда амалга оширилди.

Раҳбарият таркибини сайлаш, ижро тузилмалари, кўмиталар ва комиссиялар фаолиятини, ишчи аппаратини шакллантириш, турли таҳлилий гуруҳлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ жиддий ва масъулиятли масалалар узоққа чўзилмасдан тез муддат ичида ҳал этилди, бу борада катта сафарбарлик кўрсатилди.

Энг асосийси — Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданоқ ўз профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Конституциямизга киритилган янги ўзгартиришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўқис тасдиқлади.

Мен ҳозир Сенатнинг кўп қиррали фаолияти билан боғлиқ барча масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, менинг қарашим бўйича, унинг фаолиятига доир энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бу борада қуйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намоёниш этади.

Сенат томонидан Бош вазирни ва Бош прокурорни тасдиқлаш, Конституциявий суд, Олий ва Олий ҳўжалик судларини шакллантириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорларни аввало Сенат, қолаверса, мамлакатимиз ҳокимият тизимининг мустақил қонунчилик идораси бўлмиш парламентимиз — Олий Мажлисимиз ваколатларининг амалий жиҳатдан кенгайгани ва ҳуқуқлари анча ошганининг тасдиғи сифатида қайд этиш лозим.

Юқори палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиб, мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги актни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди.

Маълумки, мазкур ваколатлар илгари давлат раҳбарига тегишли эди, энди улар мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Сенатга мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшайдиган фуқаролардан 700 дан ортиқ хат ва аризалар тушди ва бу мурожаатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сенат — мамлакатнинг Олий Қонунчилик органи, Олий Мажлиснинг юқори палатаси сифатида шаклланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчи-

ман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

**Биринчидан**, Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакки, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айна вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор такрорлаш лозим — маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан нафақат

алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали-бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилганидан сўнг деярли бир йил ўтгач, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси» тасдиқланган эди. Лекин атиги 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда.

**Иккинчидан.** Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига кирадиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра, Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаки кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаalarda атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмаяпти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизими ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янги-ча ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар — қонунлар, жинойий жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўряписизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин, шунга қарамасдан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат кўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси муҳокама этилган, холос.

**Учинчидан.** Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокамалар жиддий тайёргарликсиз, кўрилган масала бўйича амалий таклифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол

ва таклифларни такрорлашдан нарига ўтилма-  
япти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда ғоят долзарб мавзулар кўтарилади, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий таклифлар ўртага ташлан-майди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбат-лари кўзланган мақсадларга хизмат қилмаяпти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улар-дан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғул-ланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бун-дай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бе-риш, мавжуд фактларни қайд қилиш билан чек-ланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик таклифларини тай-ёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

**Тўртинчидан.** Сенат назорат фаолиятининг са-марадорлиги, парламент назоратининг таъсир-чанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талаблари-нинг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омиллар-нинг тагига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижасида назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

**Бешинчидан.** Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа — ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича

келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир ғалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил, деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти яқунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу ялпи

мажлис кун тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, мухтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофлича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўллариини белгилаб олишингиз, ўйлайманки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар!

Бугун сиз мамлакатимиз ҳаётида кечираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз — марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўладими — юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамокда.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги куни учун катта умид ва ишонч туғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан якунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншооллоҳ, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолимизнинг кундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз — бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунинг ҳисобидан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Аллоҳ берган ақл-заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими — буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда авваламбор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳибби ёки ташаббускор ишбилармонми — ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолияти-

мизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормаларни амалда татбиқ этишда, мана шу жараённи жиловлаб, қўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бош-қош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қўйи — Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳиби сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, орзу-ни-

ятларини амалга оширишда ўзингизни аямай хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ,  
2006 йил 24 февраль*

## **ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимиздан кўзда тутилган мақсад — иқтисодиётимизни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича 2005 йил якунларини муҳокама этиш, эришилган натижаларни танқидий баҳолаб, 2006 йилдаги асосий устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олишдан иборат.

2005 йилнинг якунлари ҳақида гапирар эканмиз, шунинг билан қайд этмоқчиманки, ўтган йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилди, аксарият кўрсаткичларнинг эса сезиларли даражада ошириб бажарилиши таъминланди.

2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси эса 7,8 фоизни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7

фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 фоизга ўсгани қувончли ҳол, албатта.

2005 йил давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан кутилган 1 фоиз тақчиллик ўрнига 0,1 фоиз профицит билан бажарилди, унинг даромад қисми эса прогноз кўрсаткичларидан 39 фоиз зиёд бўлди.

Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор суръатда ўсиб бораётгани, сўнгги икки йилда бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан ортаётгани айниқса диққатга сазовор. Иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 30,1 фоизни, 1991 йилга таққослаганда эса 28,2 фоизни ташкил этмоқда.

Бир масалага эътиборингизни алоҳида жалб қилмоқчиман.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон эришаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манба ва омиллари тариқасида дунё хом ашё ва товарлар, аввало, нефть ва газ бозорларида мавжуд бўлган қулай конъюнктура ва қандайдир ташқи омиллар кўмаклашиб тургани йўқ.

Иқтисодиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб

борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганини кузатиш қийин эмас.

Рухсатингиз билан 2005 йилда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи йўналиш — иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш.**

Бу борадаги ҳаракатлар аввало иқтисодиётда макроиқтисодий муносабатликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутиши лозим бўлган ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ва бошқа ўта муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Мамлакатимиз учун устувор бўлган мазкур вазифанинг аҳамиятини яна шу билан изоҳлаш лозимки, ички ва ташқи инвестицияларни кiritишни талаб этадиган таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, хом ашё етиштиришга йўналтирилган бир ёқлама иқтисодиётдан халос бўлиш, том маънодаги иқтисодий мустақилликка эришиш мумкин эмас.

Кўрилаётган қатъий тадбир ва чоралар, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг таркибига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Етак-

чи соҳаларимиздан бўлмиш саноатнинг улуши 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 2005 йилда 20,7 фоизни ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, бу тармоқ ҳам жадал ривожланмоқда. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, жумладан, коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми беш йил мобайнида бир ярим баравар ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айниқса, кейинги йилларда телекоммуникация алоқаси ва молия-банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани эътиборга сазовор.

Сўнги беш йилда суғурта хизматлари ҳажми 5 марта, лизинг операциялари деярли 6 марта, аудиторлик хизмати кўрсатиш, пул билан ҳисоблаганда, тахминан 9 марта ўсгани, табиийки, салмоқли натижа сифатида баҳолашга арзийди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши енгил саноатнинг жадал суръатда ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бу тармоқда 2005 йилда ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан 12 фоизни ташкил этгани, шу жумладан, тўқимачиликда 17 фоиз, тикувчилик-

да 24,5 фоиз, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 53 фоиз ўсиш кузатилганини қайд этиш зарур.

Замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарнинг ишга туширилиши, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши, жаҳон бозорига рақобатга бардошли тайёр енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг сезиларли даражада ортиб бораётгани — буларнинг барчаси мазкур жараённинг таркибий қисмларидир.

Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда.

2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоизга ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодийни модернизация қилишда эришилаётган ютуқларнинг муҳим натижаси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Айни пайтда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди.

Бу эса, ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич — 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдога эришиш имконини берди. Натижада мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси 1,3 марта кўпайди, бу эса,

аввало, иқтисодиётимизнинг ташқи бозор ўзгаришларига барқарорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида юз бераётган сифат ўзгаришларини баҳолаш учун эътиборингизни яна бир мисолга қаратмоқчиман. Агарки яқин-яқинларгача, яъни 2000 йилда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этганининг ўзи кўп нарсани билдиради, деб ўйлайман.

Шу даврда импортнинг таркиби ҳам ўзгариб, мамлакатга олиб кирилаётган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналар улуши 44 фоиздан ортгани айниқса эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларининг сифат жиҳатидан юксалиши кўп томондан инвестиция ҳажмидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоиздан ошди.

Марказлаштирилган ҳолда маблағ билан таъминлаш ҳажми қисқараётган бир пайтда корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағ-қўйилмалари кескин ошиб бормоқда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тижорат банклари ресурслари фаол жалб этилмоқда.

Буни 2005 йилда номарказ инвестиция манбалари улуши 76,6 фоизни ташкил этгани, тўғри-

дан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса қарийб 1,5 баробар кўпайгани ҳам кўрсатиб турибди.

**Диққат марказимизда бўлиб келган иккинчи масала — бу иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан боғлиқ.**

Бу борада асосий эътибор солиқ юқини камайтириш, солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

2005 йилда юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, бу эса қарийб 40 миллиард сўмлик маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоизгача қисқартирилди, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўзгартирилди, мулк солиғи ставкаси эса 3,5 фоизгача камайтирилди.

Амалда жами 15,2 фоизни ташкил этган солиқ ва тўловлар ўрнига 13 фоиз миқдордаги ягона солиқ тўловининг жорий этилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда айниқса кичик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу

ўз навбатида кичик корхоналарга фақат 2005 йилнинг иккинчи ярмида қарийб 10 миллиард сўм маблағни тежаш имконини берди.

Солиқ юкини камайтириш борасида кўрилган чоралар туфайли давлат бюджетига тўпланаётган киримлар, яъни фискал чегирмалар 22,6 фоизгача қисқартирилди.

Натижада корхоналар ихтиёрида қолдирилган 130 миллиард сўмдан зиёд пул уларнинг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилди ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Нақд пул олишдаги чекловларнинг бекор қилиниши ва бу борадаги талабларга банклар томонидан қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши банк-кредит тизимини либераллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Тижорат банклари учун уларнинг Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланиш имконияти яратилгани, шунингдек, нақд ва нақд бўлмаган пул айланмаларини унификация қилиш бўйича кўрилган кейинги чора-тадбирлар, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг илғор шакли бўлган пластик карточкаларнинг амалиётда кенг жорий этилиши туфайли ўтган йилда бундай карточкаларнинг сони

тахминан беш баробар ортгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

2005 йилда биз ташқи савдони либераллаштиришда, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашув борасида янада салмоқли натижаларга эришдик.

Бунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини божхона тарифлари орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш, божхона тўловларини унификация қилиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар катта роль ўйнади.

**Учинчидан — 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди.**

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Биржа савдоларидаги айланма маблағлар ҳажми 2001—2005 йиллар мобайнида 5,5 баробар ортди. Ҳозирги кунда улгуржи савдо айланмасининг учдан бир қисми биржа савдолари ҳиссасига тўғри

келмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 8,5 фоиздан иборат бўлган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биржа савдоларида маҳсулот савдосидан энг кўп фойдани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олмақда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари товар-моддий ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжининг қарийб 70 фоизини биржа савдоларида қилинаётган харидлар ҳисобидан таъминламоқда.

Барчамизга маълумки, 2005 йилда Тошкентда биринчи бор ўтказилган Халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу анжуманда дунёнинг 26 мамлакатада фаолият кўрсатаётган 200 та хорижий компаниянинг 340 нафар вакили иштирок этди. Ярмарка натижаларига кўра, пахта хом ашёсини харид қилувчи Хитой, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан 122 та шартнома тузилди.

Ярмарка пахта маҳсулотини сотиш ва уни қайта ишловчиларга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизми янада эркинлашишига, харидор мамлакатлар географиясини кенгайтиришга имкон берди.

Тошкентда ўтказилган ярмарка Ўзбекистон дунёда пахта толасини ишлаб чиқарадиган етак-

чи давлатлардан бири сифатида жаҳон пахта бозорида фаол роль ўйнаши мумкинлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

**Тўртинчидан — хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди.**

2005 йилда давлат корхоналарини бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000—2005 йиллар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди.

Масалан, Самарқанд чой қадоклаш фабрикаси, “Оҳангаронцемент”, “Бухорогипс”, “Паркентсувқурилиш” акциядорлик жамиятлари каби йирик корхоналар тўлиғича хусусий мулкдорларга сотилди.

Хусусийлаштириш жараёнининг сўнгги йиллардаги ўзига хос жиҳати давлат активлари ва акция пакетларининг нолга тенг харид қиймати бўйича тўлиқ ҳажмда сотилаётганида намоён бўлмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида 396 та корхона ва объект 43,2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан нолга тенг харид қийматида сотилди. Низом жамғармасида давлат улуши

бўлган хўжалик субъектлари сони 2001 йилдагига нисбатан уч баробар қисқарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

**Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди.**

Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди. 2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтадан ортди.

Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)-нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2

фоизни ташкил этмоқда. Бутун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва биринчи галда қишлоқда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

**Бешинчидан — 2005 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.**

Текширувлар сони 2001 йилдагига нисбатан 2,5 баробардан кўпроқ камайди.

Илгари хўжалик субъектлари томонидан топширилган давлат статистик ҳисоботларининг умумий сони икки баробар, ойлик ҳисоботлар сони эса 5 баробарга қисқарди, рухсат бериш

билан боғлиқ 12 та процедура бекор қилинди, ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ягона солиқ тўловларининг жорий этилиши муносабати билан солиқ идораларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ҳужжатлар сони 10 баробар қисқарди.

Назорат идораларининг хўжалик субъектлари ва тадбиркорлик объектларини текшириш натижалари бўйича қабул қилган барча қарорларини суд идоралари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилди.

Бундай тартиб ўз-ўзича мазкур субъектларга нисбатан турли санкцияларни қўллашни ҳам тубдан ўзгартириш, яъни уни суд қарори билан ўрнатишни белгилаб беради.

Шундай қилиб, хўжалик субъектлари фаолиятидаги ўзаро масала ва талабларни турли даражадаги давлат бошқаруви идораларида кўриш ва ҳал қилиш каби ўз умрини ўтаб бўлган амалиётга бутунлай барҳам бериш борасида қатъий қадамлар қўйилди. Бугун бундай масалалар, ҳуқуқий демократик давлатларда бўлганидек, истисносиз равишда суд орқали ҳал этилади.

Сўнгги йилларда хўжалик судлари тизими анча мустақкамланди, умумий юрисдикция судларининг функциялари фуқаролик ва маъмурий-жиноий ишлар бўйича алоҳида ажратилди.

Шу борада хўжалик судларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2001—2005 йилларда улар томонидан кўрилган ишлар сони 3,7 баробар, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ишлар сони 4 баробардан кўпроқ ошгани ҳам шундан далолат беради.

Кўрилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик субъектлари фойдасига ҳал қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат 2005 йилнинг ўзида уларнинг фойдасига 45 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувни чеклаш масалаларини ҳал этишда биз **маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга** алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари эски замон илллати бўлган бюрократик бошқарув тизимини бартараф этиш билан бевосита боғлиқ эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Тан олиш керакки, республикада амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар марказ ва жойлардаги бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштиришга сезиларли таъсир қилди, бошқарув ходимлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни анча қисқартириш имконини берди.

2001—2005 йиллар мобайнида бошқарув ходимларининг умумий сони 75 минг кишига ёки 35,5 фоизга, жумладан, республика органлари бўйича 21 фоиз, маҳаллий бошқарув органлари бўйича 63,5 фоиз, хўжалик бошқарув органлари бўйича 30,5 фоизга қисқартирилди.

Лекин бу тизим, кўрилаётган кескин чораларга қарамасдан, афсуски, ҳали-бери ўзининг салбий кучи ва таъсирини йўқотгани йўқ. Афсуски, кўпчилик олиб борилаётган маъмурий ислохотларни ҳанузгача бошқарувчилар сонини шунчаки қисқартиришдан иборат, деб нотўғри тушунмоқда.

Маъмурий ислохотларнинг натижалари авваламбор бошқарув тузилмаларининг маъно-мазмунини ва мақсадларининг ўзгариши, уларнинг бошқарув ва назорат ваколатларининг кескин қисқартирилиши, керак бўлса, барҳам топиши, шунингдек, хўжалик субъектларининг ишига ноқонуний аралашувга, уларнинг фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан узвий боғлиқ.

Буни барча бўғиндаги, айниқса, марказда ва вилоятларда лавозимда ўтирган катта-кичик раҳбарлар аниқ тушуниб олиши ва ҳаётга қатъий татбиқ этиши зарур.

Иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, бозор ислохотлари йўлидан илгари бориш ҳақида

гапирганда яна бир бор таъкидламоқчиман: биз ислохотларни шунчаки ислохот учун амалга оширмаймиз. **Ислохотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.**

2005 йилда бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Ўз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Одамларнинг дунёқараши, менталитети ўзгариб, улардаги ижтимоий боқимандалик ва фақат давлатдан ёрдам кутиб яшаш кайфияти барҳам топмоқда.

Хусусийлаштириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш ҳисобидан мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф амалда шаклланмоқда.

Биринчи навбатда бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир.

Айнан ана шундай одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил

этади. Чунки айнан шулар демократик ва бозор ислохотларини давом эттириш ва чуқурлаштиришдан, мамлакатни барқарор ва изчил ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор эканини таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг 2005 йилдаги иқтисодий ривожланиш натижаларини яқунлар эканмиз, лўнда қилиб айтганда, шуни таъкидлаш керакки, **ўтган давр мобайнида демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадамлар қўйилди.**

**Шунинг эвазига иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор суръатлар билан юксалиши, аввало ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг ўсишида, ташқи савдо соҳасида катта ҳажмда ижобий сальдога эришишимизда, давлат бюджетини профицит билан бажаришда, кўпгина социал муаммоларни ечишда сезиларли натижаларни қўлга киритдик.**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Энди мамлакатимизни 2006 йилда иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадларимиз, бошлаган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

2006 йилда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисо-

**дий кўрсаткичларни таъминлаш** масалалари доимий диққат марказимизда бўлмоғи даркор.

Бу аниқ мақсадли вазифани амалга ошириш учун 2006 йилда ялпи ички маҳсулотни 7,2 фоизга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 6 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 2006 йилда иқтисодий ривожланиш, авваламбор, саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш (9 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (5,2 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳаси (13,2 фоиз) ва савдонинг (8,5 фоиз) ўсиши ҳисобига таъминланади. Йил давомида инфляция даражасини чеклаш ва унинг 6—8 фоиз даражада бўлишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда, **биринчидан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш мўлжалланмоқда.**

Бу мақсадга эришиш учун 2006 йилда даромад солиғи ставкалари сезиларли даражада — 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 25 фоизгача камайтирилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорига қизиқишни орттириш ва унинг иштирокчилари даромадларини кўпайтириш мақсадида дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи 15 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Экология солиғи ва савдо қилиш ҳуқуқи учун ойлик йиғим бекор қилинди. Бундан ташқари, солиққа тортиладиган базадан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор харажатлар чиқариб ташланди.

Бу соҳада кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, корхоналар ва хўжалик тузилмалари ихтиёрида қўшимча 250 миллиард сўм маблағ қолади. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, инвестиция мақсадлари ҳамда ходимлар иш ҳақини оширишга йўналтирилиши тавсия қилинади.

Солиқ юқини сезиларли равишда енгиллаштириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришни фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлмиш харид талабининг жадал ўсишини таъминлашдир.

Бу ҳақда гапирганда, биз нафақат аҳоли талабини назарда тутамиз, балки корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари айланма маблағлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига харид талабининг ўсишини ҳам инобатга оламиз. Умумий талабининг ўсиши деярли барча товарлар, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ошириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратади. Шу борада аввало ишчиларнинг иш

ҳақи, аҳолимизнинг даромадлари ўсишини таъминлашимизни кўзда тутамиз.

2006 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг икки босқичда оширилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида ўртача ойлик иш ҳақининг 1,4 маротаба ошиши таъминланади. Худди шундай миқдорда нафақа, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий кўмаклар ҳам кўпаяди.

Кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек, касаначиликни кенгайтириш аҳоли даромадларининг ўсишида муҳим омил бўлади.

Буларнинг барчасини инобатга олганда, аҳолининг реал пул даромадлари, ҳисоб-китоблар бўйича, камида 20 фоизга ўсиши керак.

Биз тадбиркорликнинг мана шу йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўришимиз, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шу мақсадлар учун хизмат қиладиган “Микромолиялаш тўғрисида” қонун қабул қилишни тезлаштиришимиз зарур.

Мазкур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз

филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаш ва микролизинг бўйича турли хизматлар кўрсатиши даркор. Бундай банкни ташкил қилишга жорий йилнинг биринчи чорагида киришиш лозим.

Бу борада ечилиши зарур бўлган энг муҳим масала — банкнинг устав фондини ташкил қилиш учун унинг манбаини топиш, кредит процентини 5 фоиздан оширмаслик ва бериладиган кредитларни қайтариш кафолатларини аниқлаш ва ишга солишдан иборат.

Харид талабини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўлайтиришимиз керак. Ҳозирги вақтда фақат енгил автомобиль харид қилишни кредитлаш кенг қўлланмоқда, холос.

Айни пайтда мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мураккаб маиший ва бошқа электрон техникани сотиб олиш учун кредит ажратишнинг талай имкониятлари мавжуд.

Барча банкларнинг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш лозим. Марказий банк тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси билан биргалликда, бир ой муддатда, аввало ўзимизда ишлаб чиқариладиган, узоқ муддат фойдаланадиган

товарларни харид қилиш учун аҳолига кредит ажратиш ва олинган кредитларни қайтаришни кафолатлаш чора-тадбирлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Олдимизда турган бундай вазифаларни бажариш, иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор.

Бугунги кунда банклар фаолияти хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётганини очиқ тан олишимиз лозим.

Банк тизимида пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситалари, шунингдек, бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан суёт фойдаланилмоқда.

Банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасидаги вазифалар етарли даражада бажарилмаяпти.

Марказий банк ва тижорат банклари биринчи навбатда миждозларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пулларининг ҳеч қандай қийинчи-

ликсиз бемалол берилиши, нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификация қилиш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоғи зарур.

Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Банкларро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Барчамиз бир фикрни тушуниб олишимиз керак: кутилаётган иқтисодий ўсиш бизнинг бюрократик тўсиқларни, бизнес юритишда хавф етказаётган барча сабабларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш борасидаги ишларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шу борада маъмурий ислоҳотлар доирасида лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартиришни давом эттириш лозим.

Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда амалдаги рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини яна бир бор чуқур инвентаризация қилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига янги корхоналар ва бизнес ташкилотларини рўйхатга олишнинг аксарият ҳолларда хабардор қилиб қўйиш тизимига ўтиш бўйича таклифлар киритсин.

**Иккинчи муҳим устувор йўналиш — таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.**

Биз 2006 йилда нефть-газ мажмуида, электр энергетикаси ва рангли металлургия соҳасида ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳажмларини таъминлашимиз керак. Машинасозлик, енгил саноат, биринчи галда, ил-газлама ва тикувчилик саноатини янада юқори суръатлар билан ривожлантириш зарур.

Бу устувор вазифани амалга ошириш натижа-сида иқтисодиёт таркибида сифат ўзгаришларини таъминлаш, яъни 2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан, қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич

24—26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45—47 фоизгача кўпайтириш даркор.

Бизнинг фаолиятимизда углеводород хом ашё захираларининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, энергетика мажмуасига қарашли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган геологик қидирув ишларини жадал ва кенг кўламда олиб бориш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат ишлаб чиқаришининг худудий жойлашуви ва таркибини такомиллаштириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бу борада маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устувор аҳамият беришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда замонавий ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган аҳоли пунктларида кичик корхоналар ёки маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш борасида махсус дастур ишлаб чиқиши лозим.

Бу дастурда мазкур субъектларга бериладиган имтиёз ва қулайлик тизимини, жумладан, бун-

дай кичик корхоналарни ривожлантириш учун биноларни нолга тенг қиймат бўйича бериш имтиёзларини кўзда тутиш зарур.

Шу борада янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш нақадар катта аҳамиятга эга эканини барчамиз тушуниб олишимиз керак.

Ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, белгиланган имтиёз ва қулайлик қўллашнинг аниқ ва ошқора механизмини яратиш, чет эл ишбилармон доиралари ва салоҳиятли ҳамкорларга иқтисодиётимизнинг муайян тармоқларидаги инвестиция имкониятлари ҳақида ҳар томонлама кенг ахборот етказиш зарур. Энг асосийси, бюрократик тўсиқ ва ғовлар, амалдорларнинг лоқайдлиги ва коррупцияга берилиш ҳолатларидан узил-кесил халос бўлиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, бу вазифаларни ҳал қилишда яқинда ташкил этилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг етарли даражадаги фаоллиги ҳозирча сезилмаяпти.

Учинчи устувор масала — хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Бунинг учун қандай вазифаларни амалга оширишимиз зарур?

Аввало, корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш керак. Айниқса, йирик корхоналар, биринчи навбатда, катта миқдордаги инвестициялар ва замонавий технологияларга муҳтож корхоналарни хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Кўпгина холдинг ва акциядорлик компаниялари устав жамғармаларида ҳали ҳам давлат акциялар пакети улуши асоссиз равишда, ҳатто бунга ҳеч қандай зарурат бўлмаса ҳам, юқори миқдорда қолаётгани билан муроса қилиб бўлмайди.

“Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзбек-энерго”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбек-нефтгаз” каби мамлакатимиз бозорида монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компанияларнинг объектларини хусусийлаштириш масалалари бўйича ёндашувларни жиддий қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Бугунги кунда Давлат мулки кўмитаси асосан майда, иккинчи даражали масалалар билан овора бўлиб, корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарув тизимида тегишли тартиб ўрнатиш, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг

кузатув кенгашлари ролини тубдан қайта кўриб чиқиш ва фаолиятини кучайтириш бўйича муҳим стратегик йўналишларда ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаётганига чидаб бўлмайди.

Қимматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкоралик тамойилларини кескин кучайтириш керак.

Ҳар бир корхона ва объектни биржа ва биржадан ташқари савдода сотиш учун тайёрлаш механизмини қайта кўриб чиқиш лозим. Бу борада янги, самарали тизимни жорий этиш, хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажариш учун уларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш зарур.

Давлат мулки кўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2006—2008 йилларга мўлжалланган янги хусусийлаштириш дастури-

ни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Ушбу дастурга табиий монополияларнинг стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарини киритиш ҳамда инвестор томонидан муайян инвестиция мажбуриятларини зиммасига олиш шarti билан, нолга тенг харид қиймати бўйича савдога қўйилаётган корхона ва объектлар рўйхатини сезиларли даражада кенгайтириш керак.

Хусусийлаштириш жараёнида ўз ечимини кутаётган бир қатор принципиал масалалар кун тартибига қўйилиши лозим.

**Биринчидан.** Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда инвесторлар — хусусий мулкдорларга бинолар ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имкониятлари юзасидан таклифларни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ер участкаларининг нархи қатъий бозор ёндашувларидан келиб чиқиб белгиланмоғи лозим. Бутунги кунда кўпгина хусусийлаштирил-

ган объектлар, мол-мулкининг нархлари атиги бир неча миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, ўнлаб гектар ер майдонларини эгаллаб олган.

Бундай ер участкаларининг катта қисми янги мулкдорлар томонидан умуман фойдаланилма-япти, чунки бу ерлар уларга муддатсиз фойдала-ниш учун бепул берилган.

**Иккинчидан.** Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини белгиланган меъёрлар доира-сида ажратиш ҳисобига хусусийлаштириш жа-раёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлашти-ришга эришиш мумкин. Бу хусусий ва оилавий бизнесни янада кенгайтиришнинг гарови, ипо-теканинг бошқа шакллари ривожлантириш-нинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда амалда мавжуд бўлган, лекин давлатнинг назоратидан четда қолаётган кўчмас мулк ва бундай мулк жойлашган ер участкалари бўйича савдо айланмасининг қонунийлиги ва ошкоралигини таъминлайди.

**Учинчидан.** Хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ривожи учун қулай муҳит яратиш мақсадида давлат бошқаруви идоралари ва бозор институтларида маъмурий процедура-лари бажариш билан боғлиқ, ҳали-бери анча юқори бўлиб келаётган бизнес харажатларини ка-майтириш нуқтан назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси, юқорида қайд этилган маъмурий процедураларни бажарувчи вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелига қадар бу борадаги мавжуд ҳолатни таҳлил этсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига шу ҳақда аниқ таклифлар киритсин.

Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектлари учун жарима санкцияларини камайтиришни кўзда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш керак. Нега деганда, ўта юқори даражада белгиланадиган жарима санкциялари баъзан текширувчилар орасида коррупция ҳолатларига сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

**Тўртинчидан.** Бизнес учун қулай муҳитни шакллантиришнинг фоят муҳим вазифаларидан бири суд тизимини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга янада кўпроқ эркинлик беришга қаратилган суд ислохотларини чуқурлаштиришдир. **Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди, Олий суд бир ой муддатда мазкур масалалар бўйича таклифлар киритсин.**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Кичик бизнесни ривожлантириш ва фермер ҳўжаликларини шакллантиришни рағбатланти-

риш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада қатъий назорат ўрнатиш зарур.

2006 йилда 657 та ширкатни, жумладан, пахтачилик ва галлачиликда 447 та, мева-сабзавотчиликда 210 та ширкатни фермер хўжаликларига айлантириш борасида бошланган ишларни ниҳоясига етказиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, фермер хўжаликларининг ривожланиши ва мустақамланиши ҳамда шу жараёнга бевосита боғлиқ бўлган қишлоқдаги туб ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши жуда оддий, аммо муҳим бир тамойилга асосланишини унутмаслигимиз керак.

Яъни, бу борада фермерларнинг шахсий манфаатдорлиги биринчи ўринда туриши керак. Бу мақсад қишлоқларимиз ҳаётини ўзгартириш борасида олиб борилаётган барча ислоҳотларимизнинг асосий ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоғи зарур.

Ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, аввало, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шакллари яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Тўртинчи устувор вазифа — аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этишдир.**

Мазкур долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий, балки улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлгани ҳақида ортиқча гапиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ўта долзарб ва муҳим вазифаларни ечишда ҳеч ким, авваламбор, маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарлари ва ходимлари четда турмаслиги керак.

Бу ўринда гап мамлакатимизда яқинда қабул қилинган, катта аҳамиятга эга бўлган қарор ва дастурларни амалга ошириш ҳақида бормоқда. Жумладан:

янги микрофирмаларнинг ташкил қилиниши, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарнинг ривожлантирилиши, микрокредитлаш тизимларининг рағбатлантирилиши ҳақида;

касаначилиқнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациялашувидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида;

енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналти-

рилган, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш ҳақида;

2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш хусусида;

шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликлариди чорва моллари, авваламбор, қорамоллар сонини оширишни рағбатлантириш тўғрисида гап бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларини яратишга қаратилган ушбу йўналишларнинг аксарияти катта капитал маблағларни талаб этмайди. Уларда кўзда тутилган кўрсаткичларнинг тўла бажарилиши биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Негаки, бу ўн минглаб кишиларни, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари қабул қилинган дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш, бу масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ёрдам ва

кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши даркор.

Ушбу дастурларнинг бажарилиши ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳар бир чорак яқунларига бағишланган йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилиши лозим.

**Бешинчи устувор вазифа — экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.**

Мазкур устувор масаланинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантириш, экспорт салоҳиятининг ўсишида хусусий сектор улушини кўпайтириш орқали ташқи савдо ва валюта бозорини янада эркинлаштиришни тақозо этади.

Бу борада мамлакатимизда экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг ташқи бозорларга чиқиши ва интеграциялашувини таъминлайдиган инфратузилмани ривожлантириш масалалари янада долзарб аҳамият касб этади.

Ҳукуматнинг бу борадаги энг муҳим вазифаси — амалдаги маъмурий, божхона, банк процедураларини чуқур таҳлил қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатга бардошли маҳсулотларнинг экспорти йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлашдан иборат.

Шу ўринда ҳал қилиниши лозим бўлган яна бир муаммога тўхталишни истардим. Тобора кўпайиб бораётган кичик корхоналар ёки хусусий тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам ўз маҳсулотини мустақил равишда самарали экспорт қила олмайди, албатта.

Бунга уларнинг нафақат моддий ва молиявий ресурслари, балки тажрибаси ҳам етишмайди, жаҳон бозорида эса, ўз молини сотиш учун кескин рақобат тобора кучаймоқда.

Бугунги кунда халқаро амалиётда экспорт масаласи билан шу соҳага ихтисослашган ташқи савдо ташкилотлари, бу ишнинг ҳақиқий профессионаллари шуғулланади. Фақат меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув, янги замонавий технологияларга суяниш жаҳон бозорида рақобатга киришиш, кичик корхоналар маҳсулоти экспортини салмоқли даражада кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шу сабабли Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташқи савдо компаниялари фаолиятини тартибга соладиган мавжуд қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши керак.

Ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ташқи бозорда изчил иш олиб бораётган хусусий трейдерларга экспортга маҳсулот ишлаб чиқараётган ўз ишлаб чиқарувчиларимизга яратилган имтиёз ва қулайликларни қўллаш борасида таклифлар киритиши зарур.

Ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда экспортга маҳсулот етказиб беришни суғурталаш механизмларини қўллаш амалиётини кенгайтириш керак.

Сифатни бошқариш халқаро тизимларини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сертификациясини жорий этаётган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим.

Юқорида зикр этилган барча муаммоларни ечиш мақсадида амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати бугун кун тартибида турибди. Мазкур кодекс барча божхона процедуралари бажарилишининг очиқлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши керак.

Валюта бозори ва ташқи савдо бозорининг янада эркинлаштирилиши валюта ресурсларидан фойдаланишда қатъий тежамкорликка амал

қилиш билан бирга олиб борилиши лозим. Валюта захиралари, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлашга, янгилаш ва модернизация қилишга, шу асосда корхоналарнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилмоғи зарур.

Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган олтинчи устувор масала бу — уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришдир.

Бу, аввало, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари мақомини, уларнинг ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалаларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 2,5 мингта шундай ширкатлар ташкил этилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад авваламбор ширкатларни етарли даражада ваколатга, зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантиришдан иборат.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари, биринчи галда, уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда, бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўпланган маблағларни бевоқифа ўз олдида турган мақсадга, яъни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириши лозим.

Бироқ, афсус билан қайд этиш керакки, ўтган йили Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида уй-жойлардаги шароитни яхшилаш бўйича муайян ишлар бажарилганига қарамай, ширкатлар фаолиятини ҳали-ҳамон қониқарли, деб бўлмайди.

Аксарият ҳолларда улар собиқ ЖЭК ва кооперативлардан деярли фарқ қилмаяпти. Уларнинг асосий камчиликларидан бири шуки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарлича назорат ўрнатилмагани туфайли тўпланган коммунал тўловлар ҳеч қандай режасиз, назарда тутилмаган мақсадларга сарфлаб юборилмоқда.

Ширкатлар доимо айланма маблағларга муҳтож бўлиб тургани ҳолда, уларда асоссиз равишда бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимларининг ортиқча штати сақлаб қолинмоқда. Жорий ва капитал таъмирлаш ишларининг сифати қониқарсиз аҳволда, кўзбўямачилик ва маблағларни суистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Кўпинча ширкатларга тасодифий кишилар бошчилик қилмоқда.

Ҳар йили аҳолини иссиқлик, газ ва ичимлик суви билан таъминлашда одамларнинг диққати ва норозилигини оширишга олиб келадиган ҳолатларга дучор бўламиз, умумий фойдаланиш майдонлари, подъездлар ва кўп қаватли уйлар атрофидаги ҳудудларнинг қиёфаси ҳамон хунук аҳволда.

Бундай вазиятнинг сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, уй-жой фонди хусусийлашганига, мана, 13 йилдан ошди. Яъни, бугунги кунда барча квартира ва уйлар хусусий эгаликка ўтган. Лекин шунга таъкидлаш лозимки, кўпчилигимиз ҳали-бери шу ҳолатни тан олишдан олисмиз.

Бошқача қилиб айтганда, энди шахсий ва умумий мулкка айланган уй-жойларни тартибга солиш, таъмирлаш ва сақлаш масалалари бўйича янгича, таъсирчан тизим ташкил қилишда кўпгина муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, янги усулда ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уй-жой фондини бошқариш ва шу уйларда яшовчиларнинг долзарб муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда заиф бўлиб қолмоқда. Очиқ айтиш керак, бу ширкатлар бугунги кунда ҳақиқий уй-жой мулкдорлари бирлашмаларига ҳали-бери айлангани йўқ.

Уй-жой-коммунал хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш яна бир ўта муҳим масалани — коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорларини шакллантириш масаласини ҳал этишни талаб қилмоқда.

Токи бозорда рақобат юзага келмас экан, ҳар бир ширкат бир неча пудратчи орасидан энг мақ-

булини танлаш, у билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузиш имкониятига эга бўлмас экан — бу соҳадаги мавжуд аҳволни ўнглаш қийин.

Бундай ўта мураккаб муаммоларни ечишда уйжой мулкдорлари ширкатлари давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият, молия ва банк тузилмаларининг доимий амалий ёрдамига муҳтож ва шунга дахлдор бўлган мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини оширишни талаб қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг ҳар чоракдаги якуний мажлисларида туман ва шаҳар ҳокимларининг одамларнинг кайфиятига бевосита таъсир қиладиган мазкур ўта муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиб боришни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Вазирлар Маҳкамаси барча манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда уйжой мулкдорлари ширкатларини мустаҳкамлаш, уларга реал маблағлар ажратиб бериш, бу соҳадаги монополияларни тугатиш, таъмирлаш ва коммунал хизматларининг ҳақиқий бозорини шакллантириш бўйича аниқ дастурни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши керак.

Пировардида яна бир устувор масалани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — энергия ресурс-

лари, биринчи галда, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда қаттиқ тежамкорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ушбу вазифа жаҳонда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётган ҳозирги шароитда ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энергетика масаласида Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Бироқ, бу бизга қимматбаҳо, қайта тикланмайдиган ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди. Бу ноёб бойликларда болаларимиз, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳаққи борлигини доимо ёдда тутишимиз ва бу ҳақда бош қотиришимиз зарур.

Энергия ресурсларини тежашни асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб қабул қилишимиз, шунинг ҳисобидан товарлар, хизматларнинг нархини пасайтиришимиз ва иқтисодиётимизнинг ўсишини таъминлашимиз лозим.

Тан олиш керакки, бизда бу муаммо билан ҳеч ким тизимли равишда жиддий шуғулланмаяпти. Ҳатто бутун ҳам, худди 15 йил илгари бўлганидек, республика саноат корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2—2,5 марта ортиқ экани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти.

Бу борада энергия ресурсларини қазиб олиш, қайта ишлашдан тортиб, сотиш ва ниҳоят фойдаланишгача бўлган деярли барча босқичларда уларни тежаб ишлатмаслик, ўлчов асбобларининг йўқлиги, асоссиз йўқотишларга, кўпинча ўғрилик ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Шу ўринда, авваламбор, энергия сарфи энг кўп бўлган тармоқларда ва энергетика комплексининг ўзида бу масала бўйича кенг чора-тадбирлар мажмуининг амалга оширилиши яқин истиқболдаги жуда муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда 2006—2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилади.

Бу дастурда қуйидагиларни кўзда тутиш зарур: нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар ва ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажмларини кескин камайтиришни, бу ресурсларни чуқур ва сифатли қайта ишлаш даражасининг оширилишини таъминлайдиган янги илғор технологияларни жорий этиш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг миқёсда қўллаш, энергияни тежаш бўйича ҳар қайси тар-

моқда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг олиб бориш;

энергиядан фойдаланишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштириш, ҳамма жойда ўлчов асбоблари ўрнатилишини қаттиқ назоратга олиш, энергия сарфлайдиган асбобларнинг жаҳон стандартлари бўйича энергия сарфи меъёрларига мос келишини мажбурий сертификация қилиш;

энергияни тежаш бўйича иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш, бунда молиявий-иқтисодий, солиқ воситалари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланиш;

анъанавий бўлмаган, муқобил энергия манбаларини кенг қўллаш.

Шу борада ҳокимликлар ҳузуридаги аҳоли ва корхоналарга газ ва электр энергияси етказиб бериш билан шуғулланадиган идора ва хизматларнинг ўзини ҳам ислоҳ қилиш ва уларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарур.

Мазкур идора ва хизматларнинг масъулиятсизлиги билан боғлиқ кўплаб фактлар ҳамда бу соҳада йўл қўйилаётган ноқонуний ўзлаштириш ва суиистеъмолликларга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалда бундай хизматлардан фойдаланаётган кўпчилик истеъмолчилар ё улар учун ҳақ тўламайди, ёки турли назоратчилар ва тўлов йиғувчилар билан пин-

ҳона ҳисоб-китоб қилади. Хизмат кўрсатадиган ташкилотлар билан ўзаро шартнома муносабатларини ўрнатмаган ёки хизматлардан ўлчов асбобларисиз фойдаланаётган истеъмолчиларнинг сони ҳудудларда кам эмас.

Ҳукумат (Ш.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва шаҳарлар ҳокимликлари ниҳоят бу ишда узил-кесил тартиб ўрнатиши шарт.

Ҳурматли дўстлар!

Юқорида баён қилинган энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларни амалга оширишдан асосий мақсад — аввало, иқтисодий-иҷтимоий жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб беришдан иборатдир.

Токи саховатли Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган ҳар бир инсон — миллати, тили ва динидан қатъи назар — келажакка ишонч билан қараб, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшасин.

Мана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга муваффақият ва омад тилайман.

*2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2006 йил 10 февраль*

## **НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун она диёримизнинг барча гўшалари, воҳаю водийларида одамларимиз, эл-юртимиз бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан, Наврўзи олам!» деб баҳорга пешвоз чиқмоқда, яшариш ва янгиланиш фаслини катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Барчангизни мана шу қутлуғ кун, Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Наврўз айёмининг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп минг йиллик тарихимизда қанча-қанча дostonлар, афсонаю ривоятлар, кўшиқ ва қасидалар битилган бўлмасин, унинг маъно-мазмунини, беқиёс гўзаллигини таърифлашга, уни эъзозлаш ва улуғлашга ҳар қандай сўзлар ҳам ожизлик қилади.

Лекин энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзнинг юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон қалбига, руҳиятига ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётбахш таъсир ўтказишини, айти шу фусункор дамларда унинг кўнглида жўш ураётган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, кўклам нафаси уфуриб, майин шабадалар эса бошлаши, табиат уйғониб, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига янги куч, янги ғайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор нашидаси югургандек бўлади, юрагимизни, бутун борлигимизни яхшилик ва яратувчиликка ундайди.

Қир-адирлар, боғу роғлар яшил либосга бурканиб, майса-гиёҳлар тупроқни ёриб, қуёшга талпинаётган ажиб бир паллада одамзот беихтиёр табиат билан уйғун бўлиб яшашга, сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, бу баҳор неъматларини ўз яқинлари, дўсту биродарлари, қадрдонлари билан баҳам кўришга, хурсандчилик билан сайил-томошалар ўтказишга интилади.

Наврўзи олам келиши билан қадим замонларда ҳар қандай уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топгани каби, бугунги кунда ҳам одамлар ўртасидаги турли келишмовчилик, гина ва аразларни унутишга қаратилган ҳаракатлар, хонадонлар, барча маҳалла-кўйларда, эл-юртимизда

аҳиллик, меҳр-оқибат ва тотувлик муҳити янада кучайиши табиий.

Бетакрор Наврӯз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аجدодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни файзу барака, хосият тарк этмасин, сувимиз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларининг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради.

Наврӯз фалсафаси, Наврӯз қадриятларининг узвий бир қисми бўлмиш ёрдам ва кўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, дуосини олиш сингари олижаноб туйғу ва интилишлар янада жонланади.

Мана шу хурсандчилик кунларда бағрикенг, очиқ кўнгил халқимиз бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган узоқ ва яқин қўшни халқларни, мана шу майдонда ўтирган уларнинг вакиллари чин дилдан табриклаб, ўзининг самимий тилак ва қутловларини йўллайди.

Муҳтарам юртдошларим!

Бу йилги Наврӯз истиқлолимиз, мустақиллигимизнинг ўн бешинчи Наврӯзидир.

Бу йилги Наврӯз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида янгилашиш, ўсиш ва юксалиш Наврӯзидир.

Бу йилги Наврӯз қишлоқда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётида том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг мана шундай фидокорона меҳнати, интилиш ва саъй-ҳаракатлари негизида юртимизни янада обод қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрат ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиб бериш, аҳоли саломатлигини асраш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсадлар мужассам.

Юртимизда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаганимиз, шу муносабат билан кенг миқёсда амалга ошираётган режа ва дастурларимиз одамларга беминнат яхшилик қилиш, беғараз ҳомийлик кўрсатиш, инсон дардига шифо бериш сингари Наврӯзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан ҳамоҳанг экани, айниқса, эътиборлидир.

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Наврӯз айёми билан яна бир бор табриклайман.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо барқарор бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, муҳтарама момоларимизнинг умрлари узоқ бўлсин, ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*2006 йил 19 март*

## **БАРҚАРОРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ**

*Мамлакатимиз истиқлолнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйига улкан ютуқлар билан кириб бормоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин иқтисодиётни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида қўйилаётган янгидан-янги қадамлар бунинг яққол далолатидир.*

*Залворли ютуқларимизнинг асосида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи, эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассам. Зотан, барқарорлик ва бунёдкорлик — тараққиётнинг қўш қанотидир.*

*«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар янги, юксак босқичга кўтарилмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва*

тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармоялар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Айниқса, пойтахтимизда замонавий янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежлар, мактаблар, шифохоналар, равон ва қулай йўллар, кўприklar, кўркам боғу хиёбонлар барпо этиш борасида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Наврўз байрами кунлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман Қоратош мавзесида бир йўла учта янги ижтимоий объект — оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди.

55-оилавий поликлиника Қоратош, Чақар, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида истиқомат қиладиган 30 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда юздан ортиқ тиббиёт ходими ишлайди. Уларнинг асосий қисми оилавий шифокорлардир. Шифохона аҳолига кеча-кундуз ишлайдиган ҳаракатдаги узлуксиз бирламчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатади. Болалар, катта ёшли-

ларга, аёлларга тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, алоҳида ихтисосликлар бўйича шифокор кабинетлари мавжуд. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, стоматология хонасида Италиянинг «Фашион» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Улар тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволаш имконини беради. Рентген хонасидаги «Флюороренекс» аппарати эса Россиянинг «Вимпель» заводидан ишлаб чиқарилган. У бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Аввалги рентген ускуналаридан фарқли ўлароқ, бу аппаратда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Тасвир тўғридан-тўғри компьютерга кўчади ва уни оддий оқ қоғозда чиқариб олиш мумкин.

— Биз оилавий поликлиникаларни шунчаки, замонасозлик учун қураётганимиз йўқ, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай ёруғ ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсадимиз соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўла рўёбга чиқаришдан иборат. Аммо уларни қуришдан олдин, тегишли ҳудуддаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳар томонлама таҳлил этилиши даркор. Айтайлик, қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож —

ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиш жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бундай поликлиникаларда биринчи галда чақалоқлар, болалар ва оналар, ҳомиладор аёлларга, шунингдек, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш устувор мақсадга айланмоғи лозим. Яна бир муҳим жиҳат, оилавий поликлиника ходимлари беморни кутиб ўтирмасдан, аҳолининг доимий тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасини мунтазам ўрганиб боришлари, профилактика ишларини изчил амалга оширишлари керак.

Ислом Каримов поликлиникадаги шарт-шароитлар билан танишар экан, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар шифокорларнинг касбий фаолиятига, шахсий ва оилавий ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди.

Яқинда ишга тушган «Мурувваттекс» корхонасида 270 нафар ишчи ишлайди. Унда турли трикотаж буюмлари, асосан болалар кийим-кечаклари, кўйлақлар, майкалар тикилади. Корхонада замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

— Илғор техника ва технологияларга асосланган, кишилар талабига тез мослаша оладиган

бундай ихчам фабрикалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим, — деди Юртбошимиз. — Айни чоғда, бундай корхоналар, биринчи навбатда ўзининг кенг ва истиқболли бозорига эга бўлиши, ўз маҳсулотларига харидор топа билиши, камида бир-икки йиллик буюртмаси олдиндан маълум бўлиши керак. Шундагина корхона кутилган самарани бериши мумкин.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиника фаолияти билан ҳам танишди.

Ҳомийлар маблағлари иштирокида қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган мазкур шифо маскани тўртта маҳалланинг йигирма беш минг кишилик аҳолисига хизмат қилади. Илгари аҳоли бир неча поликлиникага қатнашга мажбур эди. Янги оилавий поликлиникада эса турли мутахассислардан иборат ўттиз тўрт нафар малакали шифокор ҳамда олтмиш саккиз нафар ҳамшира кунига 250 кишига бирламчи тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Поликлиника тўла компьютерлаштирилган, бу ерда замонавий, юқори технологияли рақамли рентген, стоматология, ташхис анжомлари ва бошқа асбоб-ускуналар ўрнатилган. Ҳар бир оиланинг саломатлик паспорти яратилган. Унда хонадон аъзолари саломатлиги, уларни безовта қила-

ётган касалликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган тадбирлар қайд этиб борилади. Айнақса, кексалар, болалар, ҳомиладор аёллар саломатлиги қатъий назоратга олинган.

Аҳолига интенсив тарзда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида оилавий поликлиникада куну тун ишлаш тартиби жорий этилган.

Оилавий поликлиника ходимларини саломатлик посбонлари дейиш мумкин. Улар касалликларнинг олдини олишга сафарбар этилган фидойилардир, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пунктининг янги биносини бориб кўрди. Маҳалла фаоллари билан самимий суҳбатлашди.

— Маҳалла — камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, — деди Ислон Каримов. —

Бу маскан миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Юртбошимиз «Мурувваттекс» корхонасининг Самарқанд дарвоза трикотаж фабрикаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди.

Фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозор билан бир қаторда Германия, Австрия, Венгрия ва Голландия каби хорижий мамлакат-

ларга экспорт қилинмоқда. Корхонада 250 нафар киши, асосан, ёшлар меҳнат қилади.

Юртбошимиз корхона ишчилари билан мулоқотда бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг ҳалқа йўлида — Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган эди. Ушбу мураккаб транспорт ечими билан боғлиқ яна бир хайрли иш амалга оширилди — йўл ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўл ўтказгич ва Эркин кўргони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрлик янги йўлни бориб кўрди.

— Тараққиётни белгиловчи омиллар кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади, — деди Юртбошимиз. — Йўл эса коммуникациянинг асосини ташкил этади.

Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида пойтахтимиз ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошади.

Шу пайтга қадар мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқими Фарғона водийсига пойтахтимизнинг

Халқлар дўстлиги кўчаси орқали йўл олар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўл бош кентимиздаги экологик мувозанатни сақлаш ва транспорт қатновини янада яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Биз Тошкентда кўпдан-кўп янги иморатлар, боғлар, хиёбонлар барпо этилди, — деди давлатимиз раҳбари. — Агар автотранспорт ҳаракати билан боғлиқ мана шундай муаммоларни ҳал қилмаганимизда, амалга ошираётган ишларимиз бесамар кетиши мумкин эди. Қолаверса, замонавий ҳамда йирик шаҳарлар ўз хавфсизлигини таъминлаши керак. Таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳали давом этаётган Тошкент ҳалқа йўли айни ана шу вазифани ҳам бажаради.

## **ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ**

*9 май — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди.*

*Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.*

*Ушбу байрам бу гал «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тиррикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аجدодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига этади.*

*Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу*

кунларда юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани тегран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт.

Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ва муносиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 4 майдаги Фармонида мувофиқ Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек, 1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба-

нинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намоёнидир. Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташиф буюрган.

Майдон узра сокин муסיқа садоси таралади. Жангоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва умид намоён...

*Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.*

*Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.*

*Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.*

— Бугун, 9 май — юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аجدодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан галабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Ўша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун

биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишилари-миз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жанг-гоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам — Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, орзу-умидлари рўёбга чиқмай хазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғам-алам, ҳасратлар ётибди. Бева-бечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиду надоматлари мужассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

— Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир, — деди Ислом Каримов. — Афғонистонда 27

йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмаяпти. Ироқдаги уруш, Эрон атрофида уруш нафасини уфураётган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга енгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим таклифларини баён қилди:

— Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, — деди Президентимиз. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки, бу бизнинг та-

рихимиз. Амир Темур каби шавкатли аجدодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аجدодларнинг ворислари сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?» деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг мазмун-моҳиятида айна шундай интилиш мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши келди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан кел-

ган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлай бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида. Ўтган даврда бу айёмни кенг байрам қилиш юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қонқонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, мана шу гўзал баҳор кунларида кўҳна ва саховатли Қашқадарё заминида жам бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларга омад тилаб турган устоз-мураббийлар, ота-оналар ва ёру дўстларингизни «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун сизлар каби минг-минглаб ўқувчи ёшларимизнинг азму шижоати, очиқ чеҳрасига боқиб, барчамиз вақтнинг қандай шиддат билан ўтаётганини, кўз ўнгимизда янги бир авлоднинг тобора кучга тўлиб, сафимизга кириб бораётганини чуқур ҳис этамиз ва беихтиёр кўнглимизда, қалбимизда қувонч ва ғурур туйғулари пайдо бўлади, мустақил ҳаёт кечираётган йилларимизда амалга оширган машаққатли меҳнатимиз зое кетмагани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва

имкониятларини амалда намоён этиб, дастлабки умидбахш марраларни қўлга киритаётган навқирон фарзандларимизни кўриб, эртанги кунимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг навбатдаги мусобақалари Қашқа воҳасида, буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур туғилиб вояга етган қадимий заминда ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Айнан мана шу табаррук масканда тарбия топган, билим олган бу улуғ аждодимиз ўзининг беқиёс ақл-заковати, ноёб истеъдоди, юксак ҳарбий маҳорати, бунёдкорлик фазилатлари билан жаҳонга машҳур бўлган улкан салтанат бунёд қилиб, ўзбек номини улуғлаган ва унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этган.

Шунинг учун ҳам буюк Амир Темур авлодлари бўлмиш сиз, юртимизнинг азиз фарзандлари бобомизнинг бизларга қарата айтган — биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг зурриёдимиз, бизнинг илдизларимиз нақадар чуқур, деган мазмундаги, бугун ҳам катта маъно ва ҳаётбахш кучга эга бўлган даъватини ҳеч қачон ҳеч қаерда унутмаслигингни истардим.

Ва айна пайтда бу ҳикматли сўзлар сизларнинг орзу-ниятларингиз, интилиш ва ҳаракатларингизга қанот бериб, ўзгалар ҳавас қиладиган

комил инсонлар бўлиб улғайишингизда доимо куч-қувват бахш этиши табиий, албатта.

Қашқадарё замини азал-азалдан кураги ерга тегмаган, мардлик ва ҳалолликни муқаддас ва олий қадрият деб биладиган ориятли полвонлари, довюрак баҳодирлари билан ҳаминша шуҳрат қозониб келади.

Бугун сизларнинг барчангиз қалбингизда зўр ҳаяжон, зафар иштиёқи билан бел боғлаб майдонга тушар экансиз, бу мусобақалар халқимизнинг том маънодаги умид ниҳоллари бўлган сиздек ёшларимиз учун катта синов ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини, ўйлайманки, яхши англайсиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳозирги кунда юртимизда ёруғ келажакни ўйлаб, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган янгиланишлар, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз авваламбор ягона бир мақсадни кўзда тутди. У ҳам бўлса, миллионлаб фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган, янгича қиёфа касб этиб бораётган мактабларда, илғор таълим стандартлари асосида, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда билим ва тарбия олишини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз тараққиётининг бутунги ва эртанги кунини белгилаб берадиган мана шу эзгу мақсад йўлида давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшлардан ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам асло аямайди.

Менинг даъватим — халқимизнинг ана шундай эътибори ва ғамхўрлигига ҳамиша муносиб бўлинг, жондан азиз Ватанимизни, унинг озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга қодир фидойи, баркамол инсонлар бўлиб етишишга интилиб яшанг.

Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз деб билади.

Ишончим комилки, қизгин беллашувлар, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган, фарзандларимизнинг иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу спорт ўйинлари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган қўли гул қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун Қашқадарё

аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги байрам, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, қалбингиздаги эзгу интилишларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Доимо омон бўлинг, бахт ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

*ИслоМ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА**

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сизларни, сизлар орқали миллионлаб футбол мухлисларини бугунги қутлуғ сана — «Пахтакор» жамоасининг ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Пахтакор» деганда, биз ўзбек футболлари тарихидан юксак ўрин олган, машҳур футбол юлдузларини ўз сафида мужассам этиб, ирода, қатъият ва маҳорати билан нуфузли халқаро мусобақаларда унутилмас ғалабаларни қўлга киритган кўп миллатли, номдор спорт жамоасини тасаввур қиламиз.

«Пахтакор» деганда, нафақат футболимиз, балки мамлакатимиз тарихи билан узвий боғланиб кетган, марказда бўладими, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимизда бўладими — бутун халқимиз қалбидан алоҳида жой эгаллаб, унинг фахру ифтихорига айланган, юртдошларимиз хотирасида муҳрланиб қолган машҳур футболчилар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Айнан «Пахтакор» жамоаси ўзбек футболнинг етакчи намояндаси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-минглаб ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида тўп сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ярим асрлик тарихи давомида «Пахтакор» зафарли онлар билан бирга, ҳаётнинг жиддий синов ва машаққатларини ҳам бошидан кечиргани, айниқса, 1979 йилги авиаҳалокат натижасида ўзининг энг кучли таркибидан жудо бўлганини барчамиз ҳали-ҳануз изтироб билан ёдга оламиз. Ана шу навқирон спортчи ўғлонларимизнинг хотираси халқимиз қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда «Пахтакор» босиб ўтган мураккаб йўлни, бу жамоанинг нафақат Ўзбекистонда, балки мамлакатимиздан олисда жойлашган турли минтақа ва давлатларда ҳам тан олинганини, катта довуғ ва ҳурмат қозонганини эслар эканмиз, бизнинг энг муҳим вазифамиз — ўзбек футболни эришган ана шундай обрў-эътибор ва нуфузни тиклаш, унинг шонли тарихини муносиб давом эттиришдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида юртимизда спорт соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналиши

сифатида доимий эътибор берилаётгани туфайли миллий футболимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Миллион-миллион мухлислар, аввало, ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жозибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилишни юксалтириш, шак-шубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бу борада нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда кўзда тутилган асосий мақсадлар — футбол клубларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг таркибига болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини киритиш, истеъдодли спортчи ёшлар захирасини ривожлантириш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини янада кўтариш, стадионларни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, жаҳон ва Осиё чемпионат-

ларида, нуфузли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш миллий футболимизни янги, замонавий босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Энг муҳими, бундай ёндашув нафақат «Пахтакор» клуби, балки жойларда фаолият кўрсатаётган барча клублар ишини яхшилашда ҳам асосий мезон бўлиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, ҳаётини шу соҳага бағишланган футбол фидойиларининг эзгу мақсад-муддаосига айланишини истардим.

Шу борада биз янгича асосда ташкил этилаётган Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятига катта умид ва ишонч билан қарашга ҳақлимиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугун 50 ёшини нишонлаётган «Пахтакор» жамоасининг шаклланишига, унинг спорт оламида кенг шуҳрат қозонишига катта ҳисса қўшган футболчи ва мураббийларга, мутахассис ва ташкилотчиларга, муҳтарам фахрийларимизга барча футбол мухлислари номидан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Барчангизни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклар эканман, сизлар «Пахтакор»-дек мамлакатимиз спорт тарихида ёрқин саҳифа яратган машҳур ва севимли жамоанинг шаънини юксак даражада сақлаб, унинг доимо ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолиши учун билим ва тажриба, куч-ғайрат, салоҳият ва маҳоратингизни янада яққол намоён этасиз, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## ШИҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2006 йил 15 июнь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган саммити арафасида Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбарининг интервьюси ХХРнинг марказий ССТВ-1 телеканали, етакчи ахборот маҳкамаси — «Синьхуа» агентлиги, нуфузли «Жэньминь Жибао» газетаси, Бутунхитой радиоси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Қуйида ушбу интервью эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

**Савол:** Ҳурматли Президент жаноблари, аввало, қимматли вақтингизни аямай, биз билан учрашишга рози бўлганингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз. Ижозатингиз билан саволларга ўтсак. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузилганига беш йил тўлди. Сиз мазкур тузилманинг бу даврдаги фаолиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

**Жавоб:** Ушбу фурсатдан ҳамда Хитойнинг энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб турганимдан фойдаланиб, мамлакатингиз ва буюк хитой халқига ўзимнинг хурмат-эҳтиромларимни изҳор этмоқчиман.

ШХТни таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар бундан беш йил муқаддам айнан Шанхайда, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги Хитойнинг ўзига хос тимсоли бўлган шаҳарда имзоланганида чуқур рамзий маъно бор, деб ўйлайман.

ШХТ тузилганидан кейин ўтган 5 йил давомида ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди, ташкилот умумэтироф этилган халқаро тузилма мақомини олди, унинг аҳамияти ва таъсир кучи эса минтақа доирасидан ташқарида ҳам сезилмоқда.

Ўтган бу тарихан қисқа даврда ШХТ нафақат ўзининг яшовчанлигини кўрсатди, балки сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача — барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Эътиборингизни менинг назаримда ўта муҳим саналган бир жиҳатга қаратмоқчиман. Дунёдаги вазиятнинг ривожланиши ва глобал ўзга-

ришлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, «оловли нуқталар»нинг сақланиб тургани, турли минтақаларда ва, аввало, барчамизга яқин бўлган Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик хавфи ШХТдек халқаро ташкилотни тузиш ва шакллантириш ҳаётий зарурат эканлигини ва бу иш ўз вақтида амалга оширилганини тасдиқлайди.

Савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳам бутун ШХТ маконида хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашдан иборатдир.

Ишончим комилки, келгусида ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенгайиб бораверади. Ташкилотнинг Ишбилармонлик кенгаши, Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма каби янги тузилмалари самарали фаолият бошлагани шундан далолат беради. Айти пайтда янги тузилаётган Тараққиёт жамғармаси ҳам бу ишга салмоқли ҳисса қўшади.

**Савол:** Ўзбекистон ШХТга аъзо давлат сифатида ушбу Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрмоқда?

**Жавоб:** Биз ШХТга аъзо давлатлар ўртасида қарор топган ҳамкорликнинг бугунги даражасини ҳамда ташкилотнинг фаолиятини умуман юксак баҳолаймиз. Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар иқтисодиётда, минтақанинг бой минерал-хом ашё захираларини ўзлаштириш соҳасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга.

Биз сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришда транспорт коммуникацияларини тараққий эттириш, минтақанинг бой сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлиги каби минтақадаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қила оладиган ва ҳал қилиши шарт бўлган иқтисодиёт йўналишларини ўз вақтида ривожлантириб бориш, шунингдек, мавжуд ижтимоий муаммолар устуворлик касб этиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон террорчилик, айирмачилик ва экстремизм каби хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш бўйича ташаббусларни илгари суриб, муайян чора-тадбирлар кўрмоқда. Жорий йилнинг март ойи бошида Ўзбекистон ҳудудида ШХТ доирасидаги илк кўшма аксилтеррор машқлар ўтказилди. Юксак касбий маҳорат даражасида ўтган бу машқлар хавфсизлик органлари фаолиятининг яхши мувофиқлаштирилганини, уларнинг террорчиликка қарши

биргаликда курашиш борасидаги азму шижоати ва қатъиятини намойиш этди.

Бу ўринда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Тузилма қатъият билан аниқ амалий ишларни бажаришга киришди.

Ижтимоий жабҳада биз таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Яхши биласизки, ҳар қандай мамлакатнинг тақдири ва келажаги таълим даражаси билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, ШХТнинг бўлажак саммитида Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишини қўллаб-қувватлаймиз.

**Савол:** Ўзбекистон ШХТни ривожлантириш истиқболини қандай тасаввур этади? Сиз ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Шанхайда бўлажак навбатдаги учрашувидан қандай натижалар кутмоқдасиз?

**Жавоб:** ШХТ истиқболи ҳақида гапирганда, ташкилотимиз тузилганига ҳали бор-йўғи беш йил тўлганини унутмаслик лозим. Бизнингча, шуни си муҳимки, ўтган бу йиллар давомида ШХТ шаклланиб улгурди, тузилмавий жиҳатдан мустақамланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди.

Биз айни пайтда йўл бошида эканлигимизни ҳам яхши англаймиз. Ҳали иқтисодий жабҳада

ҳам, хавфсизлик соҳасида ҳам, бошқа кўпдан-кўп йўналишларда ҳам талай иш қилишимиз керак. Ўзбеклар «Юрган — дарё» дейдилар.

Ҳаёт тажрибаси шундайки, йўлдошлар аҳил-иноқ бўлса, уларнинг мақсад-муддаолари муштарак бўлса, ҳар қанча узоқ йўл ҳам машаққатли туюлмайдди. Босиб ўтган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, кўп нарсаларга эришдик, деб бемалол айтиш мумкин. Асосийси — биргаликда илгари бориш учун, самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Бўлажак саммитга келсак, унинг Шанхайда, ушбу ташкилот дунёга келган жойда, ШХТнинг нуфузи ва аҳамиятини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинган ва қилинаётган Хитойда ўтишининг ўзи ғоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Шу вақтга қадар қўлга киритилган натижаларни баҳолаганда, қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ташкилотнинг сиёсий нуфузи мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш ниятини билдираётган мамлакатлар сони ортмоқда. Биз буларни Шанхай ташкилотининг истиқболи порлоқ эканлигидан, бошқа мамлакатлар назарида жозибадорлигидан далолат сифатида қабул қиламиз.

Роса икки йил муқаддам, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви-

да биз Декларацияга имзо чеккан эдик. Унда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакл-шамойил касб этиши, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, меъёрий-ҳуқуқий асосларимизнинг уйғунлашуви, товарлар, сармоялар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун босқичма-босқич қулай шароит яратишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мажмуи белгиланган.

Биз ўринсиз ҳаяжонлардан йироқмиз. Навбатдаги саммит олдида турган вазифалар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг туб манфаатларига асосланган кўп қиррали ҳамкорликни қадам-бақадам ривожлантириш борасидаги мақсадларимизга мос келади. Айни пайтда олий даражадаги бу учрашувни бутун дунё диққат билан кўзатишини назарда тутган ҳолда, биз унга пухта, астойдил ҳозирлик кўрдик. Шунинг учун Шунинг унутмаслик лозимки, Шанхай саммитида минтақанинг халқаро майдонда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларда тобора муҳим ўрин тутаётган қатор давлатлари раҳбарлари учрашадилар.

Шу муносабат билан геосиёсий жараёнлар шиддат билан ривожланаётган, иқтисодиёт ва ахборот соҳалари глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ШХТ механизмларини ҳамкорликнинг янада юқори даражасига мос поғонага кўта-

риш табиий вазифа эканини таъкидламоқчиман. Бу — давр талаби. Юбилей саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мазкур минтақа ҳаётида катта аҳамиятга эга. Сизнинг мавжуд вазият борасидаги нуқтаи назарингизни билмоқчи эдик.

**Жавоб:** Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг юраги саналади, у минтақадаги беш мамлакатнинг барчаси билан, шу жумладан, сўнгги ўттиз йил давомида уруш домидан чиқа олмаётган Афғонистон билан ҳам чегарадош. Мамлакатимизнинг нафақат жуғрофий жойлашуви, балки унинг улкан инсон ресурслари, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳияти, цивилизация тарихидаги ўрни, табиий захираларга бойлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тарихан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтмоқчиман. Ўшанда Афғонистонда узоқ йиллик қуролли тўқнашувлар давом этаётган, бутун минтақада сиёсий ва-

зият қай тарзда ривожланиши мавҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда офир, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари амалда таназулга учраган эди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаб қолиш жуда муҳим эди.

Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Ўзбекистонда ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилмоқда. Уларни жорий этишда муайян тарихий шарт-шароит ва бу ерда яшовчи одамларнинг менталитети инобатга олинди. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга, биз мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлашга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган Куролли Кучлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратдик. Халқимиз буларнинг барчасини қўллаб-қувватлади ва пировардида саъй-ҳаракатларимиз минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Минтақавий хавфсизликнинг узвийлигини, Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг тарихий тақдири муштарак эканлигини инобатга олган ҳолда, биз, қўшнилариимиз билан биргаликда,

минтақа мамлакатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш бўйича узоқни кўзловчи саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдамиз. Ўзбекистоннинг интеграция жараёнларини ривожлантириш борасидаги кўплаб таклифлари шунга қаратилган. Минтақавий бирлашмалар ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти шунга қаратилган. Улар орасида мамлакатларимизнинг қарийб барча соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аҳамияти тобора ортмоқда.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар минтақа мамлакатларига кимларнинг ҳақиқий дўстлигини кўрсатди, кўзбўямачиларнинг эса асл қиёфасини очиб берди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг қардош халқлари каби Ўзбекистон халқи ҳам ўз уйида, қўшнисининг уйида тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг нечоғли муҳим эканлигини яхши англайди. Ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил белгилаш ҳуқуқи учун, барқарор, ривожланаётган ва гуллаб-яшнаётган минтақада ўз келажагимизни барпо этиш ҳуқуқи учун курашда саъй-ҳаракатларимизни самарали бирлаштира олишимизнинг кафолати мана шундадир.

**Савол:** Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бутунги аҳволи ва ҳамкорлик-

нинг истиқболини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

**Жавоб:** Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, сўнги бир неча йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликнинг қарийб барча йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар мунтазам давом этмоқда. Бу учрашувлар ўзаро ишончли сиёсий мулоқотни, Ўзбекистон ва Хитой халқларининг очиқлик, ишонч, ўзаро англашув ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига таяниб, янада мустаҳкам алоқаларни қарор топтиришга муштарак интилишлари асосига қурилган манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни қўллаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона алоқаларнинг изчил ривожланишида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг катта хизмати бор. Биз уни ишончли дўст, ўз мамлакатини фаровонлик йўлидан бошқариб бораётган доно ва узоқни кўрувчи раҳбар деб биламиз.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартноманинг имзолангани икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Биз, мазкур ҳужжат алоқаларимизда салмоқли ўзгаришлар ясаш ва ҳамкорликни узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонамиз.

Ўзбекистон ва Хитой террорчилик, айирмачилик ва диний экстремизм балосини бевосита бошидан ўтказган мамлакатлар сифатида минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамфикрдир. Биз мамлакатларимизга демократлаштириш ва жамиятни ривожлантириш йўллариинг ғарбча андозаларини четдан туриб тикиштиришга оид уринишларга қарши қатъий курашиш борасида ҳам ҳамфикримиз.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил, юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 2000 йилга қиёсан олганда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми беш баробардан кўпроқ ортди ва ўтган йили, биздаги маълумотларга кўра, қарийб ярим миллиард АҚШ долларига етди.

Шу билан бирга, биз қатъий аминмизки, икки мамлакатда ҳам савдо-иқтисодий ва молиявий-

сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ишга солинмаган катта имконият ва улкан салоҳият мавжуд.

Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг сармояси ва илғор технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳалардаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маиший техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатидаги тажрибасига қизиқиш билан қарайди.

Биз Хитой компанияларининг молиявий ва технологик имкониятлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз ва улар билан ҳамкорликда мамлакатимизда нафақат ички бозор, балки экспортга, учинчи мамлакатларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар тузишга тайёرمиз.

Назаримда, ҳозирги кунда умумий вазифамиз савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришнинг йўл ва имкониятларини топишдан иборат.

Фан, техника, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжуд. Бу йўналишлардаги алоқаларни фаоллаштириш учун икки мамлакат ўртасида ахборот ал-

машувини кучайтириш зарур. Ҳали-ҳануз Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам мамлакатларимиз иқтисодий салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари, маданияти ва тарихи тўғрисидаги ахборотлар етишмаслиги сир эмас.

Ўзаро хабардорлик ва бир-бирининг маданий-тарихий меросига ҳурмат халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва уларнинг яқинлашувига хизмат қилиши, шериклик муносабатларининг ижтимоий асосини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

**Савол:** Тошкентда расман 2004 йилнинг июнида очилган ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси бугун ШХТнинг икки доимий ишловчи органидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда бу тузилманинг ўрни қандай?

**Жавоб:** ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилганидан буён ўтган икки йил унинг долзарблиги ва ўз вақтида ташкил этилганини кўрсатди. Бугун ШХТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалаларида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими мутахассислари амалий ҳамкорлигининг платформаси ва воситаси сифатида унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мазкур тузилманинг вазифалари фақат террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан чекланмайди. Одамларнинг онгини заҳарлаб, ёшларни йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўқир ижрочиларини тайёрлайдиган «конвейер» яратувчи кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг қабих ниятли мафкуравий ишларига қарши курашиш ҳам унинг вазифасидир.

Минтақавий аксилтеррор тузилма ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган эса-да, унинг фаолиятида амалий ишлар кучаяётгани кузатишмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолиятига дахлдор шахслар бўйича ягона маълумотлар банкини шакллантириш ишлари якунига етмоқда.

Ушбу тузилма ишида ахборот-таҳлил билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштиришга, нафақат бевосита террорчиликка қарши кураш, балки унинг эҳтимол тутилган кўринишларининг олдини олиш бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилаётгани мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бу тўғри ёндашувдир.

Мухтасар айтганда, бугун Минтақавий аксилтеррор тузилма «уч ёвуз куч» — террорчилик, айирмачилик, экстремизмга қатъий ва изчил қарши туришга қодир бўлган тузилмага, XXI асрнинг таҳдид ва хавф-хатарларини бартараф

этиш йўлидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг амалий ва самарадор механизмига айланиб бормоқда.

Аминманки, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз навбатида, ШХТ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд улкан иқтисодий ва инсоний салоҳиятни тўлатўкис ва янада самарали ишга солиш учун мустақкам замин яратади.

Ушбу фурсатдан фойдаланио, уқувчиларингиз, томошабинларингиз ва тингловчиларингизга ҳамда бутун хитой халкига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

## **ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА**

*Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2006 йил 14 июнь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан қуйидаги фикрларни баён этди.*

Маълумки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти бундан беш йил муқаддам айнан мана шу шаҳарда ташкил топган эди. Шу фактни инобатга оладиган бўлсак, мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос юбилей кенгашининг Шанхай шаҳрида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга эканини тушуниш қийин эмас, албатта.

Бугунги кунда дунёда ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик жараёнининг ўзи жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини торт-

моқда. Бу эса учрашув давомида халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар муҳокама этилишидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Табиийки, бундай қизиқишнинг муайян сабаблари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоён қилаётганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Бу галги учрашувда ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон вакиллари иштирок этиши кутилаётгани ҳам шуни кўрсатади, деди Ислом Каримов.

Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан декларация, халқаро инфор­ мацион хавфсизлик тўғрисида баёно­ т, ташкилотга аъзо давлатлар то­ монидан халқаро терроризмга қар­ ши биргаликда ўтказиладиган тад­ бирларни ташкил этиш тартиби ҳақи­ даги битим, таълим соҳасидаги ҳам­ корлик тўғрисида шартнома, Ишбилармонлик кенгашининг фао­ лияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизим­ лари фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар­ нинг қабул қилиниши мўл­ жалланмоқда.

Айниқса, бўлиб ўтадиган учрашув­ да минтақа­ мизда хавфсизлик ва барқарорликни сақ­ лаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳ­ дид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларга йўл қўймаслик, иқ­ тисодий ва молиявий, жумладан, ин­ вестицион ҳамкорлик­ ни янада кенгайтириш, транспорт ком­ муника­ цияларини ривожлантириш, ташки­ лотга аъзо давлатлар жойлашган мин­ тақанинг бой сув энер­ гетика захираларидан, ер усти ва ер ости бой­ ликларидан оқилона фойдаланиш билан боғ­ лиқ ўз ечимини кутаётган масалаларни му­ хокама қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу ташкилот ишти­ рокчи­ си бўлган давлатларнинг иқ­ тисодий тараққиёти­ га бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалар — ком­

муникация ва информация тармоқларини; темир йўл, автомобиль йўлларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, баъзи ташкилий-институционал масалалар ҳам кун тартибига киритилган. Айни пайтда ташкилотнинг Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма, Тараққиёт фонди каби тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш сингари масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Ўйлайманки, бу масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар минтақамизда жойлашган барча давлатларни ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантириш, мавжуд улкан салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очиб беради.

Келгусида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида гапирганда, мен қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб биламан, деб фикрини давом эттирди Президентимиз.

Биринчидан, бошқа барча ҳаётий масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буён ҳам ШХТнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Бу мақсадга эришиш учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф-хатарларни ягона принциплар асосида, бир кўз билан қараши ва баҳолаши талаб этилади.

Иккинчидан, мана шундай таҳдидларнинг олдини олишда минтақамизга, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган ёвуз кучларнинг фаолиятини нафақат тўғри баҳолаш, балки уларга қарши бир ёқадан бош чиқариб биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо бўлган ҳеч бир давлатда кўпоровчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик, барча куч ва имкониятларни шу мақсадда бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Энг муҳими, бундай террорчилик хуружлари, айтайлик, бир давлат ҳудудида содир этилганда, ШХТга аъзо бошқа бир давлатнинг, бу офат бизни четлаб ўтади, биз фақат транзит мамлакатмиз ёки халифалик тузумини ўрнатиш даъвоси фақат Фарғона водийсига тегишли, деган мазмундаги сохта қарашлар билан ёндашуви мутлақо номақбул бўлиб, бундай позицияни умуман оқлаб ва қабул қилиб бўлмайди.

Ана шундай хавф-хатарларга қарши фақат биргаликда изчиллик ва қатъият билан кураш олиб борилган тақдирдагина бундай ҳамкорлик ижобий натижа бериши мумкин.

Учинчидан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ечишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг «Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар», деган мақолида чуқур маъно бор, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари.

Тўртинчидан, маълумки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта, ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришга интилади. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим.

Ишончим комилки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити мамлакатлари-

миз ўртасидаги конструктивлик ва прагматизм каби асосий тамойилларга асосланган ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга хизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустаҳкам пойдевор яратади.

## **ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ**

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Муҳтарам саммит қатнашчилари!

Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари — саммит иштирокчиларини қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон ШХТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳоларни маъқуллайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШХТнинг ташкилий ва институционал шаклланиши борасида улкан ишлар қилинди, ШХТ олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

ШХТ изчил ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги кўп кўламли ҳамкорликкача кенгайтирди.

Тарихан қисқа даврда ШХТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб шаклланди.

Бизнинг фикримизча, ШХТнинг халқаро образи ва жозибadorлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жиҳатлар қуйидагилар:

**Биринчидан**, Евроосиё худудида ШХТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эҳтиёж борлиги, унинг олдига қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

**Иккинчидан**, ШХТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши

қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас.

Ниҳоят, **учинчидан**, ҳозирги замонда ШХТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, барқарорликни сақлашнинг ишончли кафили, радикал ва экстремист кучлар, турли қўпоровчи ва бузгунчи марказларнинг минтақада вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсиқ қўювчи омил сифатида майдонга чиқаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Хурматли саммит қатнашчилари!

Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти.

Бугунги форумда вакиллари иштирок этаётган кенг географик ва геосиёсий ҳудудда ҳали-ҳамон кескинлик ўчоқлари, ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда жойлашган коалиция кучларининг бу иллатга қарши кураш чоралари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушириш, уларни муқобил дав-

латлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир.

Минтақадаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки ғайридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ўз-ўзидан аёнки, юзага келаётган мураккаб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб бундай комбинацияларнинг рўй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва баргараф этиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизликнинг яхлитлиги тамойилидан келиб чиқиб, ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади. Минтақадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни баҳолашда келишилган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафкураси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур.

Сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, коммуникация масалалари ва бошқа муаммолар ҳар бир мамлакат ва умуман

минтақа манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳал этилиши лозим.

Мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил ривожланиши, халқларимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва кооперацияни янада чуқурлаштиришга, «Шанхай жараёни»нинг барча қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос келадиган муҳим трансмиллий лойиҳаларни ҳал этишда биргаликдаги сабъ-ҳаракатларимизни кучайтиришга боғлиқ.

Айтилган фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлашни истардимки, имзоланган учун тайёрланган саммит ҳужжатлари — ШХТда интеграция жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашиш борасидаги янги қадамдир.

Ишончим комилки, ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур!

*Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат  
раҳбарлари Кенгашининг Шанхай шаҳрида  
бўлиб ўтган мажлисида сўзланган нутқ,  
2006 йил 15 июнь*

## **ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА**

Хурматли раис!

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини қутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгаида бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шarti бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда — глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнлари ғоят чуқурлашиб бо-

раётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгариб, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва можароларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўплаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат марказида туради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўқки, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида можароли вазиятлар ва қарама-қаршилиқлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим таклифларни қўллаб-қувват-

лаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

**Биринчидан.** Осиё қитъаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШХТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу боис бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

**Иккинчидан.** Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга

тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршилиқ туғдирмоқда, миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол ифвогарлик руҳидаги сурбетларча, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Бу борада гап кетганида, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, Фарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда, миллионлаб одамларнинг миллий ғурури ва нафсониятига

тегадиган бирёқлама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва элатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этадиган фаолиятини йўққа чиқармоқда.

Таъбир жоиз бўлса, халқаро майдондаги субъектлар ўртасидаги ишончли одамлар ўртасидаги ишонч сингари янги ўтқазилган ниҳолга қиёслаш мумкин. Бу ниҳол вояга етиши, ҳосилга кириши учун уни доимо, ҳар томонлама меҳр билан озиқлантириш ва парвариш қилиш зарур. Афсуски, баъзан бунинг ўрнига ана шу кўчат униб-ўсадиган муҳитнинг ўзини заҳарлаш ҳолатлари юз бераётганини кузатиш қийин эмас.

Дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда «икки ёқлама стандарт»ларни қўллаш ҳоллари кўзга ташланаётгани ҳам, табиийки, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди. Пировард натижада шундай хулоса келиб чиқади: айрим давлат ва мамлакатларга мумкин бўлган барча нарсалар бошқаларга мумкин эмас экан.

### **Яна бир мулоҳаза.**

Ушбу Кенгашда қабул қилинадиган ҳужжатларда гоят муҳим бир ҳолат ҳисобга олинган тақ-

дирда, унинг фаолият самарадорлиги янада ошадди.

Яъни, ишонч чораларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар умумий гаплар билан чегараланмасдан, аниқ йўналишга эга бўлса, бошқача айтганда, бугун халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётган муайян можароли вазиятларга, бу можаролар аланга олиб урушга айланиб кетмасидан олдин уларни бартараф этишга қаратилса, ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта, бу осон ҳал этиладиган вазифа эмас. Лекин айнан мана шу амалий мақсад — давлатлараро муносабатларни яхшилаш соҳасидаги, кескинлик ва можаролар келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Сўзимнинг якунида ушбу анжуманда ҳозир бўлганларнинг барчасига яна бир бор самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, саммит ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича  
кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг  
саммитида сўзланган нутқ,  
2006 йил 17 июнь*

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган қутлуғ айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли ҳолис воситачи ва муҳолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгилалиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда

доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати сингган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунида мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда омавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг ол-

дига қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очигини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъ-

но-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожини учун зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан

буён ҳам давлатимиз, ҳукуратимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга менинг эзгу тилагим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ислои КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бизнинг неча ўн йиллар давомида орзу ва ҳавас қилиб келган ғалла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келаётганимизни, бундай улкан ютуқнинг аҳамияти ва моҳиятини ғалла деган, нон деган бебаҳо неъматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юртда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур англайди ва юксак баҳолайди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошгани бу борада қандай тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни, заҳматкаш ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай катта марралар, авваламбор, Яратганимизнинг ўзи «Сендан — ҳаракат, мендан — баракат» дея мададкор бўлгани, халқимизни балоқазолардан асраб, йўлимизни очиб бергани эвазига кўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бундай улкан ютуқ замирида кечани — кеча, кундузни — кундуз демасдан, ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йил баҳоридаги сув танқислиги, жазирама иссиқ, жала ва ёмғирлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, мўл ҳосил етиштирган мард, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ва фермерларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати мужассамдир.

Шу борада таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, деҳқон ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида ҳис этаётгани, унинг меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси кучайиб бораётгани иқтисодиётимизда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ана шундай юксак марраларга эришишда асосий мезон ва омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ аҳлининг дунёқарашидаги бундай туб ўзгаришлар, ўз навбатида, аграр соҳада кенг

қўламли ислоҳотларни, замонавий бошқарувнинг самарали усул-услугларини, илғор технологияларни жорий этишда, ер билан тиллашиб яшайдиган инсонларда изланувчанлик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик фазилатларини уйғотишда намоён бўлмоқда.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишни мутлақо янги асосда — бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, хусусий мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тўла етказиб бериш, улар етиштирган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиб бериш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 81 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани ҳам фермерлик ҳаракатининг қишлоқда том маънодаги етакчи ва қудратли кучга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун далаларимизда сизларнинг пешона терингиз билан етиштирилган мўл ҳосилни халқимизнинг энг катта ютуғи, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бу юксак ва баракали хирмон

нафақат давлат эҳтиёжларини бажариш, шаҳар аҳолисини, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимизни дон маҳсулотлари билан таъминлашга, айни пайтда қишлоқ аҳлининг ертўлалари, оморларини ғалла билан тўлдиришга, энг муҳими, халқимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўкин қилишга, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшашига хизмат қилишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз кўли қадоқ, кўпни кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бундай улкан меҳнат ғалабасига ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган барча-барча касб эгаларига чин қалбимдан сამимий миннатдорлик билдираман.

Ҳорманг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, топганингиз яхши кунларга буюрсин! Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат аримасин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## МУНДАРИЖА

<b>КУҲНА САМАРҚАНДНИНГ БОҚИЙ ОВОЗИ.</b> <i>«Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги нутқ, 2005 йил 28 август</i> .....	3
<b>ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУФ БАЙРАМИ.</b> <i>Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 2005 йил 31 август</i> .....	8
<b>ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА.</b> <i>2005 йил 13 октябрь</i> .....	14
<b>МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ.</b> <i>Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2005 йил 7 ноябрь</i> .....	20
<b>СПОРТ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ.</b> <i>2005 йил 8 ноябрь</i> .....	47
<b>ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА.</b> <i>2005 йил 8 ноябрь</i> .....	52
<b>ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР.</b> <i>2005 йил 14 ноябрь</i> .....	56

<b>ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2005 йил 7 декабрь</b> .....	61
<b>ЁШЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИШ, УЛАРНИНГ ТАШАББУС ВА САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ — БУГУНГИ КУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР. 2005 йил 28 декабрь</b> .....	98
<b>ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. 2005 йил 31 декабрь</b> .....	124
<b>БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2006 йил 13 январь</b> .....	130
<b>МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ. ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ, 2006 йил 24 февраль</b> ....	139
<b>ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2006 йил 10 февраль</b> .....	154
<b>НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТА- НАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. 2006 йил 19 март</b> .....	200
<b>БАРҚАРОРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ. 2006 йил 4 апрель</b> .....	205

---

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУФ. 2006 йил 9 май .....	213
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА. 2006 йил 5 май .....	222
«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА. 2006 йил 25 май .....	227
ШҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА. <i>Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити арафасида Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларига берилган интервью, 2006 йил 13 июнь .....</i>	232
ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА. 2006 йил 14 июнь .....	248
ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ. <i>Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида сўзланган нутқ, 2006 йил 15 июнь .....</i>	255
ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА. <i>Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзланган нутқ, 2006 йил 17 июнь .....</i>	260
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТА- ЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. 2006 йил 27 июнь .....	266
ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА. 2006 йил 19 июль .....	271

*Ислам Абдуганиевич Каримов*  
**ЧЕЛОВЕК, ЕГО ПРАВА И СВОБОДЫ —  
ВЫСШАЯ ЦЕННОСТЬ**

**Том 14**

*На узбекском языке*

Нашр учун масъул **К. БЎРОҶОВ**  
Бадний муҳаррир **Ҳ. МЕҲМОҶОВ**  
Техник муҳаррир **У. КИМ**  
Мусахҳиҳлар **Ш. МАҚСУДОВА, Н. УМАРОВА**  
Компьютерда тайёрловчи **Л. АБКЕРИМОВА**

Босишга рухсат этилди 11.08.2006. Қоғоз Формати 84×108<sup>1/32</sup>.  
Таймс гарнитурлада офсет усулида босилди. Шартли б.т. 14,7.  
Нашр т. 8,65. Тиражи 10 000. Буюртма № 06-115.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

66.3(5У)

К 23

**Каримов, Ислон Абдуғаниевич**

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият/  
Ислон Абдуғаниевич Каримов.— Т.14 — Т.: «Ўзбекистон»,  
2006. — 280 б.

**ББК 66.3 (5У)+66.3(5У)6**